

**И. АБДУЛЛАЕВ,
Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ**



**САМАРКАНДЛИК
ОЛИМЛАР**

ФАН

И. АБДУЛЛАЕВ,
Х. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ

САМАРҚАНДЛИК ОЛИМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ
Тошкент—1969



Китобчада Улуг Октябрь инқилобигача Самарқандда яшаб араб, форс, ўзбек ва тожик тилларида ижод этган кўпгина самарқандлик олимларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади. Муаллифлар бу китобчани ёзишда ҳар бир олимнинг бизгача етиб келган қўлёзма асарларидан, совет ва чет эл олимларининг улар ҳақида ёзган китобларидан кенг ва самарали фойдаланганлар.

Рисола Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи ва маданияти билан қизиқувчилар, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
тарих фанлари кандидати
Б. АҲМЕДОВ

Абдуллаев И. ва Ҳикматуллаев Ҳ.

Самарқандлик олимлар. Масъул муҳаррир тарих
фани. канд. Б. Аҳмедов. Т., «Фан», 1969.

104 бет.

Тиражи 5000.

1. Соавт.

Абдуллаев И. и Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандские
ученые.

001(09) +9(С 52)

На узбекском языке

И. АБДУЛЛАЕВ,
Х. ҲИКМАТУЛЛАЕВ

САМАРКАНДСКИЕ
УЧЕНЫЕ

Издательство „ФАН“ УзССР
Ташкент · 1969

Муҳаррир *A. Мансур ӯйжаева*
Техмуҳаррир *Ҳ. Қорабоева*
Корректор *O. Абдуллаева*

Р07615. Теришига берилди 28/III 69 й. Босинига рухсат этилди 27/V 69 й.
Формат 84×108^{1/4}=1,62 қозоз л.—5,46 босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 5,3
Нашриёт № 3026. Тиражи 5000. Баҳоси 18 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси. Тошкент, Черданцев
кўчаси, 21. Заказ 73.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

МУҚАДДИМА

Тарихда ер юзининг сайқали деб аталған муаззам ва мұътабар Самарқанднинг 2500 йиллик түйини 1969 йылда барча совет халқы, бутун тараққийпарвар инсият кенг ишиштайды. 2500 йиллик Самарқанд тарихга, ақолининг Улуг Октябрь инқилобигача бўлган ўтмиш ҳаётига, фани ва маданиятининг тараққиёти жароёнинг назар ташлар эканмиз, бундай умумхалқ шодиёнарининг биринчи бор гувоҳи бўламиз. Чунки Самарқанд вояга етказган ва олим сифатида бутун дунёга танитган олимлари, ҳунармандлари ва хаттолари Октябрь инқилобига қадар етарли қадрланмади.

Фақатгина Улуг Октябрь социалистик инқилобининг ғалабаси қадимги Чор Россиясининг чекка ўлкаларида яшовчи барча халқларининг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун лозим бўлган имкониятларни яратиб берди. Ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши шатижасида Совет Шарқи халқлари, шу жумладан, ўзбеклар маданий қурилиш соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришдилар.

Бизнинг мамлакатимизда барча халқларниң, жумладан, Самарқандда яшаб ижод этган олим ва хаттоларнинг қадимги қўллэзмалари эҳтиётлик билан сақлаиб келимоқда ва жуда зўр қизиқиш билан илмий жиҳатдан ўрганилмоқда. Бизгача етиб келган қадимги маданий ва илмий меросларни ленинча принцип асосида ўрганиш ва уларни танқидий ишлаш кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон олимлари томонидан Самарқанд тарихи ва фан, маданият тараққиёти билан боғлиқ бўлган бир қанча илмий асарлар нашр этилди. Бунга мисол қилиб академик Қори-Ниёзийнинг «Улугбекнинг астрономия

мактаби» (рус тилида, М.—Л., 1950) китоби, олимлар колективи яратган «Улугбек даври тарихидан» (рус тилида, Тошкент, 1965) тўплами, академик В. Абдуллаевнинг «Навоий Самарқандда» (Тошкент, 1968) рисоласи, А. Ўринбоевнинг «Абдурраззоқ Самарқандийнинг «Хиндистон сафарномаси» (Тошкент, 1960) китоби, Б. Аҳмедовнинг «Давлатшоҳ Самарқандий» (Тошкент, 1967) рисоласини кўрсатиш мумкин.

Кейинги вақтларда Самарқанд тарихи бўйича яна бир неча асарлар кенг китобхонларга тақдим этилди. Улар орасида академик И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли»¹ номли китобчаси, «Темур тузуклари»нинг 1894 йили Қозонда Н. Остроумов томонидан рус тилига қилинган таржимасининг факсимиile нашри ва унга ёзилган сўз боши², Али Қушчининг «Астрономияга оид рисола»сининг³ академик И. Мўминов таҳрири, кириш мақоласи ва изоҳлари билан тайёрланган ўзбекча нашри, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

Эндиликда тарихчи олимлар Самарқанднинг иккى жилдан иборат муфассал ва мукаммал тарихини яратиш ишига киришдилар. Самарқанд Давлат университети олимлари «Самарқанд — олимлар, шоирлар шаҳри»⁴ номли иккита йирик асар яратишни ўзларининг иш режаларига киритдилар.

А. Ўринбоев машҳур тарихнавис ва сайёҳ Абдурраззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи Баҳрайн» номли йирик тарихий асарининг иккинчи жилди таржимасини сўз боши ва изоҳлари билан нашрга топширди.

Мазкур асарлар Самарқанд тарихини, айниқса, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва тутган ўрнини ёритишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунос-

¹ Иброҳим Мўминов, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (рус ва ўзбек тилларида), Тошкент, ўзССР «Фан» нашриёти, 1968.

² «Уложение Тимура», Ташкент, Изд-во «Фан», 1968 (сўз боши ўрнида — И. Мўминов. К изданию факсимиile «Уложение Тимура»).

³ Али Қушчи. Астрономияга оид рисола, ўзССР ФА академиги И. М. Мўминов томонидан таҳрир этилган ва сўз боши, кириш мақола ёзилган, Тошкент, ўзССР «Фан» нашриёти, 1968.

⁴ «Самарқанд — олимлар ва шоирлар шаҳри» (рўйхат), I. Самарқанд, 1967, 2-бет.

лик институтининг қўлёзмалар фондидаги араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги қўлёзмаларни илмий тавсиф қилиш ва Ўзбек Совет Қомусига материаллар тайёрлаш жараёнида Октябрь инқилобигача Самарқандда яшаб ижод этган, Ўрта Осиё фани ва маданият тараққиётига оид бирмунча қўлёзма асарлар ёзиб қолдирган жуда кўп самарқандлик олим ва хаттотларга⁵ дуч келган эдик. Бу олимларнинг ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган, ҳатто кўпчилиги китобхонларга маълум ҳам эмас. Шунинг учун Самарқанднинг олим ва хаттотларини ўзбек китобхонларига таништиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Биз Октябрь инқилобининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан уюштирилган илмий сессияда биринчи марта «Самарқанднинг кам ўрганилган олимлари, ёзувчилари, шоирлари ва хаттотлари (IX—XIX асрлар)»⁶ деган мавзуда доклад қилдик. Шундан кейин самарқандлик олим ва хаттотлар ҳақида Ўзбек Совет Энциклопедиясига мақолалар ёзиб бердик⁷. Бу соҳада тўплаган маълумотларимизни жамлаб, ушбу «Самарқандлик олимлар» номли рисолани китобхонларга тақдим этишга журъат этдик.

Самарқанднинг 2500 йиллик тарихий даврини бепоён бир гулистонга, ундаги ранго-ранг гулларни эса шу боғда тарбия топган олимлар, ҳунармандлар ва хаттотларга ташбиҳ этсак, у ҳолда биз бу китобча орқали муҳтарам китобхонларга шу гулистондан саралаб олинган кичик бир гулдаста тақдим этган бўламиз, холос. Ҳақиқатан ҳам шундай. Самарқандлик олимларнинг ҳар бирини муфассал ўрганиш, ҳатто баъзилари нинг битта асарини чуқур илмий тадқиқ қилиш учун бир неча йил вақт ва бир неча босма тобоқ қофоз керак бўлади. Октябрь инқилобигача яшаб ўтган самарқанд-

⁵ Хаттотлар ҳақида кейинчалик алоҳида рисола ёзиш ниятидамиз.

⁶ И. Абдуллаев, Х. Хикматуллаев. Малоизученные каллиграфы, поэты, писатели и учёные Самарканда IX—XIX вв., «Юбилейная научная сессия АН УзССР, посвященная 50-летию Советской власти» (тезисы докладов), Ташкент, Изд-во «Фан», 1967.

⁷ Ўзбек Совет Энциклопедияси, I-жилд, макети (А—Аҳурамазда), Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967, 16, 32, 35, 37, 53, 56, 275-бетлар.

лик олимлар ҳаёти ва ижодини тўла-тўқис ўрганиш учун икки-уч олимнинг билими ҳам, вақти ҳам етмайди. Самарқандлик олимлар ижодини ўрганишдек муҳим ва шарафли масала фанинг кўпгина соҳаларидан мутахассис бўлган республикамиз ва қардош республикалар олимларининг ҳамкорлигини талаб этади.

Рисолада Октябрь инқилобигача Самарқандда ва Шарқ мамлакатларининг бошқа шаҳарларида яшаб ижод этган 90 дан ортиқ самарқандлик олимлар берилган. Китобчада ҳаёти ва ижоди ҳақида кам маълумотга эга бўлсақ ҳам яшаган даври аниқ бўлган исломшунос олим Абу Али Фузайл иби Аёздан (803 йилнинг январида вафот этган) тортиб, таржимон — олим Мирза Самарқандийгача (1872 йили ҳаёт бўлган) бўлган олимлар хронологик тартибда баён қилинган. Яшаган давларини аниқлаш имкони бўлмаган олимлар эса китобча охирида берилган.

Самарқандлик олимлар ижтимоий фанлар билан бир қаторда аниқ фанлар билан ҳам шуғулланганлар ва фанинг мазкур ҳар икки соҳаси бўйича асарлар ёзиб қолдирганлар. Масалан, IX асрда Самарқанд Сўғдида яшаб ижод этган мусиқашунос ва араб аруз вазнида биринчи бўлиб форс-тожик тилида шеър айтган Абу Ҳафс Сўғдий; «Фақиҳ Абу Лайс маҳалласи»дан етишиб чиққан ва IX асрда яшаб ижод этган машҳур қонуншунос ва бир қанча тарбиявий асарларининг муаллифи Абу Лайс Самарқандий; XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб ижод этган, Самарқанд тарихи ҳақида араб тилида ёзилган «Қитоб ал-қанд фи тарих Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоби»)нинг муаллифи Нажмуддин Абу Ҳафс Самарқандий; Амир Темур шахсан Самарқандга таклиф қилган исломшунос олим Саъдуддин Тафтазоний; XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида яшаб ижод этган, овчиликка онд «Китоби сайдия» («Ов ҳақида китоб»)нинг муаллифлари Шайхалислом Ҳаравий Самарқандий ва Сайд иби Али Самарқандийлар ўз давларида ижтимоий фанлар билан ҳам шуғулланганлар.

Самарқандлик олимлар қадимдан астрономия, математика, табобат ва география каби аниқ фанларга қизиққанлар ва уни ўрганганлар. Рисолада Мирзо Үлуғбек астрономия мактабининг намояндадари: Қози-

зода Румий, Фиёсуддин Жамшид, Али Қүшчи, Биржандий ва Мирам⁸ Чалабийлар билан бир қаторда 865—866 йилда Мовароуннахрда юлдузлар илми билан шуғулланган Мұҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, Сулаймон ибн Исма Самарқандий ва 1362 йили ҳали ҳаёт бўлган астроном Абу Мұҳаммад Ато Самарқандийларинг ҳаёти ва ижоди қисқача ёритилган. Асарда XII асрништ иккинчи ярми ва XIII асрништ биринчи ярмида яшаб ижод этган математик олимлардан Шарафулдин Самарқандий ва 1291 йилгача ҳаёт бўлган Шамсуддин Самарқандийлар ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган.

Ўрта Осиёда, жумладан, Самарқандда табобат илми билан шугулланиш жуда эрта бошланган. Бунга мисол қилиб бутун Шарқ ва Ғарбга машҳур бўлган олим Ибн Сино (980—1037) ва Тошкент яқинидаги Овлиқ қишлоғидан етишиб чиққан Илоқий (1068 йили вафот этган)ларни келтириш мумкин. Рисолада XII асрништ машҳур табиби ва доришуноси «Қарободин» номли фармакопияга оид асарништ муаллифи Бадруддин Самарқандий ҳақида маълумотлар берилган. Бу табиб ва доришунос ўзининг мураккаб дориларга бағишлиланган мазкур асарини Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Абу Бакр ар-Розийнинг (865—925) «ал-Ховий», «ал-Комил» ва бошқа Шарқ олимларининг кўпгина тиббий китобларидан фойдаланиб ёзган.

Рисолада географияга оид асарларништ муаллифи Ҳожи Абдурраҳмон қсрий Самарқандий ва машҳур таржимон—олим Мирзо Самарқандийлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган китобчада айрим фиқх, ҳадис олимлари ҳақида сўз юритилади. Булар замона тақозосига кўра диний асарлар ёзиб қолдирган бўлсалар ҳам ўша даврда илм-фан ва маърифатни тарқатишга ўзларининг муносаб ҳиссаларини қўшганлар. Уларининг асарлари мактаб ва мадрасаларда қўлланма сифатида ўқитилган. Фиқх ва ҳадис олимлари яратган асарларда ахлоқ ва одобга оид насиҳатомуз ривоятлар, тарихий воқеалар ва ўша даврда яшаган тарихий шахслар, ислом динининг тарихи, унинг Ўрта Осиёда шаклланиши

⁸ Чалабий номи ҳозирги кундаги адабиётларда ҳар хил (Мерiem, Мирам каби) ёзилмоқда.

ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўйнаган роли ҳақида маълумотлар келтирилган. Фиқх ва ҳадис ҳақида ёзилган асарларни ўрганиш Ўрта Осиёда араб тилининг тарқалиши ва унинг маҳаллий тилларга кўрсатган таъсирини, умуман, ўша давр тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз рисолада баъзи бир фиқх ва ҳадис олимлари ҳақида баҳс юритар эканмиз, масаланинг худди мана шу томонларини кўзда тутдик. Чунки «Тарихда ўтган арбобларниң кўрсатган тарихий хизматлари тўгрисида ҳукм чиқарганда, уларниң ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларниң ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»⁹.

Самарқандлик олимлар ёзиб қолдирган бой илмий меросларни ҳар томонлама ўрганиш, уларниң фан ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаларини фактик материаллар билан илмий равишда исботлаш файласуф, тишлинос, тарихшунос, шарқшунос ва аниқ фанлар билан шуғулланувчи совет олимларининг бугунги кундаги шарафли вазифалари бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзи бир олимларнинг фақат^{*} асарларининг номигина бизгача етиб келган, асарлари эса бошқа мамлакатларниң кутубхоналарида сақланмоқда. Шунинг учун бундай олимлар асарларининг номинигина келтириб, уларниң қаерда сақлананаётганини кўрсатиб ўтиш билан чегараландик. XI—XIII асрда яшаган самарқандлик олимларнинг кўпчилиги ҳақида кам маълумотларга эгамиз. Шунинг учун бундай олимлар ҳақида манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни ўзича нақл қилдик. Китобчага киритилган олимларнинг араб имлосида ёзилган асарларининг номи қулайлик учун ҳозирги ўзбек ёзувида берилди.

Мазкур кичик рисолада Самарқанд олимларининг айримлари ҳақидагина қисқача маълумот берамиз. Рисоланинг рӯёбга чиқишида ўз маслаҳатлари билан кўмаклашган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходимлари У. И. Каримов, Б. А. Аҳмедов, А. Ўринбоев ва филология фанлари доктори Алибек Рустамовга миннатдорчилик изҳор этамиз.

⁹ В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 1950, 190-бет.

АБУ АЛИ ФУЗАЙЛ ИБН АЕЗ

Абивард ёки Самарқандда туғилиб, ёшлиги Абивардда ўтади. Йигитлик даврида йўлтўсар, қароқчи бўлган. Кейин бу касбдан воз кечиб, Куфа шаҳрига боради ва ҳадис илмини¹ ўрганади. Илмини камолотга етказгач, халифа Ҳоруц ар-Рашид (786—809) саройига зоҳидлик (тарқидунёчилик) тарғиботчиси сифатида таклиф этилади. Бу ерда бир неча вақт истиқомат қилганидан сўнг, Маккага кўчиб кетади ва ўша ерда ҳижрий сана ҳисоби билан 187 йили муҳаррам ойида (803 йил январь) вафот этиди.

Машҳур немис шарқшунос олими К. Броккељман (1868—1956) «Араб адабиёти тарихи» номли немис тиляда ёзилган асарида Абу Али Фузайлнинг «Кашф ал-маҳжуб» («Яширин нарсанинг ошкор бўлиши») номли асари мавжудлигини кўрсатиб ўтган². Бу асарни кўриб мутолаа қилишга биз ҳозирча мұяссар бўлолмадик, лекин асарнинг номига қараб айтиш мумкинки, Абу Али Фузайл фақат зоҳидлик тарғиботчисигина бўлиб қолмай, диний-фалсафий дунёқарашга эга бўлган шахс

¹ Ҳадис — арабча сўз бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг (вафоти 632 йил) айтган сўzlари ва қилган ишлари ҳақидаги ривоятdir. Пайғамбар вафотидан кейин диний, ижтимоий ҳаётда туғилган масалаларни ҳал қилиш учун пайғамбарга нисбат бериб, мусулмонларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, дин асослари ва қонун-қоидаларини ҳимоя қилиб тарғиб этиш учун зарурат тугилиши натижасида ҳадис илми пайдо бўлган. Бу илм билан шуғулланувчиларни муҳаддис, яъни ҳадис олимлари деб аталган. Ҳадис илмининг намояндлари ўз даври ижтимоий ҳаётидан ва тарихий шаронтидан яхши билимга эга бўлган кишилар бўлганлар.

² C. Broeckelman, Geschichte der Arabischen Literatur, Suppl. Bd. I, Leiden, 1937, S. 430. Бунидан кейин К. Броккељман, Араб адабиёти тарихи, деб кўрсатамиз.

ва мазкур асар ушинг бу соҳадаги уринишлари натижасида бунёдга келган, ўша даврнині диний, ижтимоий-фалсафий мағкурасини кўрсатиб берувчи ёзма ёлгорликлер.

АБУ МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ ДОРАМИЙ

Бу олимнинг тўла номи Абу Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Фазл ибн Баҳромдир. У 181/797—798 йили туғилиб, 255/868—869 йили Самарқандда вафот этган. Замонасининг машҳур ҳофизи³ ва муҳаддиси⁴ бўлган. Унинг «Саҳиҳ»⁵ номли китоби ўнта энг машҳур саҳиҳларниң бири ҳисобланади. Деҳхудонинг «Лугатнома» китобида ёзилишича, бу олим ўн бешта ҳадис ривоят қилган. Пайгамбар билан унинг ўртасида ўтган учта энг фозил қишишининг бири бўлган эмиш.

ИСҲОҚ ИБН ИСМОИЛ САМАРҚАНДИЙ

Деҳхудонинг «Лугатнома»сида бу олим ҳақида қисқача маълумот берилади. У маълумотларни Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») ва эрон олими Саид Нафисийнинг «Аҳвол ва ашъори Абу Абдуллоҳ Рудакий» («Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг таржимаи ҳоли ва ижоди») номли китобидан олганини айтиб ўтган. Булар қўйидагилар: «Исҳоқ ибн Исмоил ибн Жаъфар ибн Довуд ибн Юсуф (ё Сайф) ибн Жабла ибн Ҳусайн ибн Маад Зоҳид Бобикасий Самарқандий Боби Қас (Каш) маҳалласидандир. У замонасининг до-

³ Ҳофиз — шеър ёки бирор асарни ёд олган киши ёки ашулачи. Бу ўринда Қуръонини ёд билган ва уни араб тили талаффуз қоидаларига риоя қилган ҳолда қироат қилувчи қори кўзда тутилган. Ҳофизлик ўз даврига нисбатан маълум бир санъат бўлган.

⁴ Муҳаддис — ҳадисларни ризоят қилувчи, шарҳловчи ва ҳадис илми билан шуғулланувчи олим (І-изоҳга қаранг).

⁵ Саҳиҳ — арабча сўз бўлиб, ҳақиқий, бузнамаган ва рост каби маъноларни билдиради. Бу ўринда Муҳаммад пайгамбарнинг ўзигагина нисбат берилган ҳақиқий ҳадисларниң мажмуаси кўзда тутилган. Бухоролик машҳур олим Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810—870) саҳиҳ ҳадисларни биринчи бўлиб тўплаб, уч жилдан иборат «Китоб ал-жомъи ас-саҳиҳ» («Саҳиҳ ҳадислар мажмуаси») номли асарни ёзган.

нишманд кишиларидан бўлган. 259 йил рамазондан ўн бир кун қолганда жума куни асрдан кейин оламдан ўтди» (873 йил 19 август). Исҳоқ ибн Исмоил Самарқандий асарларининг номи ҳам бизгача етиб келмаган.

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ЯМОН САМАРҚАНДИЙ

Хожи Ҳалфанинг «Қашф аз-зунун»ида бу олимнинг 268/881 йили вафот этгани кўрсатилиб, «Маолим ад-дин» («Диннинг белгилари») номли асари мавжудлиги эслатиб ўтилган⁶. К. Броккельман «Араб адабиёти тарихи» номли китобида Абу Бакр Самарқандийни файласуф ва илоҳиёт олими деб атаб, «Маолим ад-дин» асаридан ташқари «аг-Тиб ар-руҳоний» («Рӯҳ табобати») номли фалсафий асарини ҳам кўрсатиб ўтган. К. Броккельманнинг ёзишича, бу китоб ар-Розийнинг (313/925 йили вафот этган Муҳаммад ибн Закариё ар-Розидан бошқа киши) фалсафий қарашларига қарши ёзилган.

МУҲАММАД ИБН АҲМАД САМАРҚАНДИЙ

Улугбеккача Мовароунинарда юлдузлар итми билан шуғулланган, ҳозирча бизга маълум бўлган ягона олим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ас-Самарқандийдир.

Муҳаммад Самарқандий 251/865—252/866 йиллар мобайнида Самарқандда астрономик кузатишлар олиб борган. Унинг жадваллари ибн Юнуснинг (399/1009 йили вафот этган) «Зиж ал-кабир ал-Ҳакимий» («ал-Ҳакимга бағишлиланган катта зиж») номли юлдузлар жадвалида бизгача етиб келган⁷.

⁶ Lexicon bibliographicum et encyclopaedicum a Mustafa ben Abdullah Katib Jelebi dicto et nomine Haji Khalifa celebrato compositum primum edidit... G. Flügel, I—VII, Leipzig—London, 1835—18 8. Бундан сўнг Ҳожи Ҳалфа, „Қашф аз-зунун“, деб қисқартириб ёзамиз.

⁷ Д. Г. Вороиовский, Астрономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Хаваразми до Улугбека. В кн: «Из истории эпохи Улугбека», Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1965, стр. 106.

МУҲАММАД ИБН ФАЗЛ

Бу фиқҳ олими фақат В. В. Бартольднинг «Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихи»⁸ номли асарида эслатиб ўтилган.

Муҳаммад ибн Фазл Балхда яшаб, машҳур шайх Аҳмад Ҳизруянинг (вафоти 240/854—55) шогирди бўлган. Кейин Балхдан ҳайдалиб, Самарқандда яшаган ва шу срда 319/931 йили вафот этган. Муҳаммад иби Фазл замонасининг машҳур олимлари Абу-л-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад Самарқандий (қар.) ва Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (қар.)ларнинг устози бўлган.

АБУ-Л-ФАЗЛ МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла номи Шайх Абу-л-Фазл Муҳаммад иби Солиҳ ал-Қаронсий ас-Самарқандий бўлиб, Ҳожи Ҳалфа «Қашф аз-зунун» китобида ёзишича, 322/933—934 йили вафот этган. Унинг «Фуруқ фи фуруъ ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳаби шоҳобчаларидаги фарқлар») номли асари бўлган («Қашф аз-зунун», IV, 418-бет). Ҳожи Ҳалфанинг бу маълумотларини К. Брекельман «Араб адабиёти» тарихи» (Қўшимча, I жилд, 295-бет) асарида яна такрорлайди.

АБУ ҲАФС СҮҒДИЙ ҲАҚИМ ИБН АҲВАС

IX асрда яшаган машҳур мусиқашунос ва шоир. Деҳхудонинг «Луғатнома» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, у Самарқанднинг Сўғдидан етишиб чиққан. Араб аruz вазнида биринчи марта форсча шеър айтган. «Луғатнома»да унинг қўйидаги байти келтирилган:

Оҳуи куҳи дар дашт чигуна давадо,
У надорад ёр, бе ёр чигуна равадо.

Мазмуни:

Тоғ оҳуси даштда нимага чопиб юрибди?
Унинг ёрий йўқ-ку, ёрсиз қандай юрибди?

Деҳхудо бошқа бир манбага суюнган ҳолда араб вазнида биринчи шеър айтган Абу Ҳавс Сўғдий Ҳаким ибн Аҳвас эмас, балки Муҳаммад Васиф Сижизий деган

⁸ В. В. Бартольд, Соч., т. II, ч. 1, М., 1963, стр. 230.

шоирдир, дейди. Мусиқий санъатида ҳам Абу Ҳафс Сўғдий ниҳоятда моҳир бўлган. Абу Наср Форобий ўз китобида у ҳақда маълумот бериб, у шоҳруд номли музика асбобини ихтиро қилганини ёзади. Абу Ҳафс Сўғдийдан кейин бу асбобдан ҳеч ким фойдалана олмаган.

СУЛАЙМОН ИБН ИСМА САМАРҚАНДИЙ

Ўрта оснёлик астроном бўлиб, IX асрда яшаган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Таҳдид ниҳоят ал-амокин ли тасҳиҳ масофот ал-масокин» («Одам яшайдиган жойлар орасидаги масофани аниқлаш учун жойлар чегарасини белгилаш») номли асарида Сулаймон ибн Исма Самарқандий Балхда дашт квадранти (астурлоби) ёрдамида астрономик кузатишлар олиб борганини ёзади. Унинг ҳақида бошқа маълумотларни учратмадик.

ИСҲОҚ ИБН ИБРОҲИМ ШОШИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг қисқача таржимаси ҳоли Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо ал-Қурашийнинг (775/1373 вафот этган) «Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия» («Ҳанафиялар авлодлари ҳақида ёрқин жавоҳирлар») номли китобида берилган. Китобда олимнинг куняси Абу, Яъқуб, нисбаси ал-Хуресоний аш-Шоший деб ёзилган, ас-Самарқандий нисбаси эса берилмаган. Бу маълумотларни ўз ҳолиша келтирамиз: «Исҳоқ ибн Иброҳим Абу Яъқуб ал-Хуресоний аш-Шоший, уни ибн Юнус [ўзининг] «Мисрга келиб қолган ғариблар ҳақида» номли [китобида] эслатади ва шундай дейди: «У Абу Ҳанафия мазҳаби қонунларини ўргангап. [Шу мазҳаб тарафдори бўлишига] қарамай, Миср қозихоналари ишига аралашиб, Миср вилоятларидан бирида қозилик қилган. Мен ундан ҳикоя ва ҳадисларни ёзиб олдим. У менга Муҳаммад ибн ал-Ҳасанинг «Жомиъ ал-кабир» [«Катта тўплам»] китобини Зайд ибн Усома тилидан, [у эса] Абу Сулаймон ал-Жузжоний тилидан, [у эса] Муҳаммад ал-Ҳасанинг [ўзидан эшитган] ривоят қилиб берган эди. У ишончли [киши] эди. Худо раҳмат қилгур 325 йили вафот этди» (Шарқшунослик институти қўллэзмаси, инв. № 91/II, варақ 75^б). Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакҳнавийнинг «Фавоид ал-баҳия» («Чиройли фойдалар») китобида ҳам олди.

біда Исҳоқ ибн Иброҳимнинг куня ва ишебаси -- Абу Иброҳим аш-Шоший ас-Самарқандий ал-Хатибий деб берилган («Фавоид ал-баҳия», Қозон, 1321/1903, 53-бет, № 67).

Бу айтилғанлардан маълум бўладики, Исҳоқ ибн Иброҳим Шәшда (Тошкент яқинидаги қадимги шаҳар) ёки Самарқандда туғилган. Эҳтимол, бу иккى шаҳарнинг бирда туғилиб, иккничишида таълим олган ёки яшагандир. Кейин Мисрга кетиб, ўша ерда яшаб ижод этган ва 325/937 йили Мисрда вафот этган.

Исҳоқ ас-Самарқандийнинг «Китоб ал-усул» («Асослар китоби») номли мусулмон қонуншунослиги усуларига оид араб тилида ёзилган асари бизгача етиб келган. Асар мазмани жиҳатидан уч баҳсга бўлинади. Ҳар қайси баҳс ўз навбатида бўлимлар (фасллар)га ажрапади ва қонуншуносликнинг битта қоидасига багишланади. «Китоб ал-усул»нинг 773/1371 йили Салруддин иби Алоуддин Ходидий деган хаттот томонидаи кўчирилган ноёб нусхаси УзССР ФА Шарқшунеслик институтида сақлаимоқла (инв. 3287/1). Бу қўлдэзма XV асрда Ҳўжа Муҳаммад Порсо (вафоти 822/1419)нинг вақғита тегишли экани ҳақида ҳамма саҳифаларга муҳр босилган.

АБУ-Л-ҚОСИМ ҲАҚИМ САМАРҚАНДИЙ

Замонасининг ориф ва мўътабар кишиси сифатида танилган бу олимнинг тўла исми Абу-л-Қосим Исҳоқ ибн Исмоил (ёки ибн Муҳаммад) ибн Иброҳим иби Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, Самарқанд халқи орасида шайх ва буюк олим сифатида жуда шуҳрат қозонган машҳур балхлик олим Абу Бакр Варроқнинг (вафоти 290/903) энг яқин суҳбатдоши ва дўсти бўлган. Ҳаким Самарқандий дўсти ҳақида «Агар Муҳаммад ийғамбардан кейин ийғамбарлик раво бўлганда, бизнинг замонимизда бундай киши ўзининг илми, ҳикмати, халққа меҳр-шафқати, адолатлилиги ва инсофилилиги туфайли буюк олим ва шайх Абу Бакр Варроқ бўлган бўларди», — деган экан.

Ҳаким Самарқандий Самарқандда туғилиб, бутун умрини шу ерда ўтказган ва 342 йили 10 муҳаррам ойида (28 май 953 й.) вафот этган. У илмга жуда қизиққан ва мадрасада мударрислик қилган. Унинг баён ва араб-

тилидан қылган таржималаридан кўпчилик талабалар ва аҳли Самарқанд баҳра олган. В. В. Бартольднинг ёзишича, Абу Мансур Мотуридий (вафоти 333/944—45 ёки 335/946—47) ва Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандийлар Самарқандлаги 17 мадрасани ўз қўлига олган исломга қарши кишилар деб саналган мутазалий ва карромийларга қарши курашганилар⁹. Бундан маълум бўлишича, Ҳаким Самарқандий исломнинг соғ ва поклиги учун курашувчи мусулмон руҳонийларининг намояндаларидан бириди.

Ҳожи Халфа «Каниф аз-зунун» китобида Ҳаким Самарқандийнинг «ас-Савод ал-аъзам фи-л-калом» («Калом илмид буюк асар») номли китоби Истамбул кутубхонасида мавжудлигини ёзган. Ҳожи Халфа бу асарининг 62 масалага бўлинганини ёзди («Каниф аз-зунун», III, 629-бет). Лекин К. Броккельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китоби (I-ж., 174-б.) да бу асарининг номи «ас-Суол ал-аъзам» («Буюк савол») деб кўрсатилган.

А. Т. Тоҳиржонов томонидан Ленинград университети кутубхонасида сақланяётгани қўллэзмалар учун ёзилган китобда Муҳаммад Порсо (746/1345—822/1420) Ҳаким Самарқандийнинг сунний мазҳаби ақидалари ҳақидаги китобидан олиб «Эътиқодод» («Эътиқодлар») номли асарни ёзган ва Ҳаким Самарқандий китобини Абу-л-Қосим Исҳоқ иби Исмоил иби Иброҳим иби Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий (вафоти 342/953) форс тилига таржима қилган деб ёзилган¹⁰. Бизнингча, бу ерда битта олим икки киши қилиб кўрсатилган.

МУҲАММАД МОТУРИДИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исеми Абу-Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, Самарқанднинг Мотурид деган жойида тугилган ва Самарқандда 333/944—945 ёки 335/946—947 йили вафот этган. В. В. Бартольднинг кўрсатишича, ал-Мотуридий Самарқандда яшаган олим Муҳаммад ибн Фазлнинг шогирди бўлган.

⁹ В. В. Бартольд, Сочинение, т. II, ч. I., М., 1963, стр. 226.

¹⁰ А. Т. Тагирджанов, Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ, Изд-во ЛГУ., 1962, стр. 305.

Ал-Мотуридий Абу-л-Ҳасан Али ал-Ашъарий (вафоти 260/873) каби Ҳанафия мазҳаби¹¹ учун бўлган ҳаракатларда иштирок этади. Унинг таълимоти Ҳиндистон, Мовароуннаҳр ва Туркияда кенг тарқалган. Ал-Ашъарий таълимоти билан ал-Мотуридий таълимоти ўртасида худди шофиӣ ва ҳанафия мазҳабидаги каби кескин фарқлар бўлмаган. Буларниг ҳар иккиси ҳам ҳанафия мазҳаби учун курашган кишилардир.

Ал-Мотуридий араб тилида фиқх илмига оид бир қанча асарлар ёзган. Бунга мисол қилиб «Қитоб ал-усул» («Асослар китоби»), «Қитоб тавилот ал-Қуръон» («Қуръон тафсири ҳақида китоб»), «Қитоб ат-тавҳид» («Худонинг ягоналиги ҳақида китоб»), «Қитоб ал-мақолот» («Мақолалар китоби»), «Ақида» кабиларни кўрса-тиш мумкин.

АБУ-Л-ФАТҲ САИД ИБН ХАФИФ САМАРҚАНДИЙ

К. Броккељманнинг ёзишича, бу олим 300/912 йили туғилиб, 390/1000 йили вафот этган ва замонасининг кўзга кўринган астрономи бўлган. Абу-л-Фатҳ Сайд ибн Хафиф Самарқандийнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар йўқ, асарлари ҳам ҳозирча топилган эмас.

Д. Г. Вороновский «Муҳаммад ал-Хоразмийдан Улугбеккача бўлган Ўрта Осиё астрономлари» номли мақоласида ёзишича, худди шу номли астроном олим XIV асрда ҳам ўтган.

АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ

Машҳур қонуншунос ва илоҳийёт олимининг тўла исми Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий бўлиб, Самарқандда шайхулисломлик қилган, замонасининг фозил ва шуфузли кишиси

¹¹ *Мазҳаб* — арабча сўз бўлиб, йўл-йўриқ ва таълимот деган маъноларни билдиради. Ислом динида тўртта асосий мазҳаб бор: 1. Абу Ҳанифа (вафоти 767) номи билан машҳур бўлган ҳанафия мазҳаби. 2. Имом Шофиъ (вафоти 820) номи билан аталган шофиӣ мазҳаби. 3. Молик ибн Анас (вафоти 795) асос соглан моликий мазҳаби. 4. Аҳмад ибн Ҳанбал (вафоти 855) номи билан юритилган ҳанбалий мазҳаби. Бу мазҳабларнинг асоси бир бўлса ҳам, айrim диний масалаларни талқин этишда бир-биридан фарқ қиласидилар.

бўлган. Олимнинг ёзиб қолдирган асарларида панд-насиҳат ва ҳикматомуз сўзлар кўп бўлиб, халқ орасида машҳурдир. Олим 375/985 ёки 383/993 ёки 993/1003 йили вафот этган. Абу Лайс асарларидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсири»). Бу тўрт жилдан иборат бўлиб, энг яхши тафсирлардан ҳисобланган.

2. «Хизонат ал-Фиқҳ» («Фиқҳ хазинаси»). Бу асарда ҳанафия мазҳаби ақидалари асосида мусулмон қонуншунослиги (фиқҳ)нинг қисқача таърифи берилган. Асар 40 «китобга» (бобга) бўлинади. Айрим китоблари ўз навбатида бир неча кичик бобга ажратилган. Асар «Китоб масоил ат-таҳорат» («Таҳоратга [оид] масалалар китоби») билан бошланиб, «Китоб ал-васоё» («Васиятлар китоби») билан тугайди. «Хизонат ал-Фиқҳ»нинг 1467 ва 1814 йиллари қўчирилган икки қўллэзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 5767/I, 3211/VIII).

3. «Ан-Навозил» («Воқеалар»). Бу фатволар ҳақидаги китобдир.

4. «Китоб мухталиф ар-ривоя» («Турли ривоятлар ҳақида китоб»).

5. «Ал-Муқаддима фи-с-салот» («Намознинг муқаддимаси»).

6. «Китоб баён ақоид ал-усул» («Асослар қоидалари баёни китоби»).

7. «Бўстон ал-орифин» («Орифлар бўстони»). Бу ахлоқий ва дидактик масалаларга оид асар бўлиб, унда жуда кўп таълим-тарбияга оид тарихий воқеалар, ҳикоялар ва ҳадислар келтирилган. Асар 159 бобдан иборат бўлиб, унинг «Илм ўрганиш», «Салом бериш», «Ақл ҳақида айтилган нарсалар», «Одоб», «Овқат ейиш қоидалари», «Ичкилик», «Табобат», «Касб», «Илм ва адаб фазилатлари» каби боблари, айниқса, диққатга сазовордир.

«Бўстон ал-орифин» жуда кенг тарқалган машҳур асар бўлиб, унинг босма ва қўллэзма нусхалари турли мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда. 1815 йили ёзиб тутатилган қўллэзма (инв. № 2436) ва 1814 йили ёзилган иккинчи бир қўллэзма (инв. № 10635/I) нусхалари Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

8. «Танбек ал-гофилин» («Ғофилларга танбек»). Бу асар 94 бобдан иборат бўлиб, «Ота-онанинг бола олди-даги ҳуқуқлари», «Боланинг ота-она олдидағи ҳуқуқла-ри», «Шароб ичишдан қайтариш», «Ёлғон сўзлашдан қайтариш», «Фийбатдан қайтариш», «Ҳасад», «Етимлар-га хайру эҳсон», «Раҳм-шафқатли бўлиш», «Қасбнинг фазилатлари», «Овқат ёниш қондалари ва яхши хулқли бўлиш», «Шарм-ҳаёли бўлиш» каби боблари ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. «Танбек ал-гофилин»нинг Бухоро амири Ҳайлар (1800—1826) топшириғи билан 1810 йили Бухорода кўчирилган (инв. № 2427/1) ва 1873 йили кўчирилган қўллэзмаси (инв. № 8708/1) ҳамда бир қанча тош боема нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда. Бу асарнинг бир неча қўллэзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № А 860, А 343, А 342, А 761, В 254, В 4434, С 1463).

9. «Қитоб асрор ал-ваҳий» («Ваҳий сирлари китоби»).

10. «Қитоб қуррат ал-уюн ва муфарриҳ ал-қалб ал-маҳзун» («Қўзлар қорачиғи ва ғамгин дилларни хурсанд қилиш китоби»).

11. «Минҳож ал-ибод» («Худонинг қуллари учун йўлланма»). Бу асарнинг иккита қўллэзмаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № В 2010, С 1184).

Абу Лайс ас-Самарқандий бошқа олимларнинг асарларига ҳам шарҳлар ёзған. Жумладан, ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собитнинг (61/680 ёки 80/699 туғилиб, 150/767 вафот этган) «Қитоб ал-фиқҳ ал-акбар» («Катта фиқҳ ҳақида қитоб») асарига шарҳ ёзганини К. Броккељман ўзининг «Араб адабиёти тарихи» китобида эслатиб ўтган (1-жилд, 170-бет).

Абу Лайс диний арбоб сифатида машҳур бўлиши билан бирга, ўз замонасида илм-фан ривожига ҳам катта ҳисса қўшган, бир қанча шогирдлар тайёрлаган ва машҳур олим сифатида тарихда ном қолдирган. Самарқандда Абу Лайс туғилган маҳалла ҳозир ҳам «Фақих Абу Лайс маҳалласи» деб юритилиб келмоқда¹².

¹² Бу олим ҳақида қаранг: Сомий, Қомус ал-аълом. I жилд, Истамбул, 1889, 756-бет; Деҳхудо, Лугатнома, «Алиф» ҳарфи, Техрон, 1946, 790—791-бетлар; «Ислом энциклопедияси», III, 137-

АБУ НАЗР САМАРҚАНДИЙ

Машҳур олим Абу Назр Мұхаммад ибн Масъуд ал-Аъёший ас-Суламий Х асрда яшаган. К. Броккельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китобида ёзилишича, 300/913 йиллари ҳаёт бўлиб, Хурросонда бош имомлик қилган ва ўз замонида фиқҳ илмида ягона киши бўлган. Деҳҳудонинг «Лугатнома» китобида келтирған маълумотларига кўра, Абу Назр шоир ва олимларни ўзига лўст тутган. Унинг меҳмонхонаси доимо олимлар билан гавжум бўлган. Уч юз минг динор жамғармасини илм ва адабиёт аҳдолари учун сарф қилган. Китоблари эса теварак-атрофга тарқалиб, жуда катта шуҳрат қозонган. Олим араб тилида 208 та асар ёзган. Булардан «Китоб сират абий» («Отаминг таржимаи ҳоли китоби»), «Китоб сират Умар» («Умарнинг таржимаи ҳоли китоби»), «Китоб сират Усмон» («Усмоннинг таржимаи ҳоли китоби»), «Китоб сират Муовия («Муовиянинг таржимаи ҳоли китоби»). «Китоб меъёр ал-ахёр» («Хайрли ишлар меъёри китоби»), «Китоб ал-муваззаҳ» («Изоҳланган нарсалар ҳақида китоб») кабиларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, унинг «Тафсир ас-Суламий» номли китоби жуда машҳур бўлган. К. Броккельманнинг ёзилишича, бу асарнинг Иброҳим ибн Аҳмад ал-Қуммий томонидан қайтадан ишланган нусхаси бизгача етиб келган¹³.

АБУ-Л-АББОС МУСТАГФИРИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Абу Али Мұхаммад ибн Абу Бакр Мустағфирий Насағий Самарқандийдир. У кўзга кўринган тарихчи, адаб, муҳаддис ва фиқиҳ бўлган. Деҳҳудонинг «Лугатнома» асарида ёзилишича, Абу-л-Аббос бир неча вақт Марв ва Сарахсда истиқомат қилган. Шу ерда бошланғич маълумотни олгандан кейин Бухорога бориб яшаган ва у ернинг

бет; К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, I, Ваймар, 1898, 195—196-бетлар; Қўшимчаси, I, Лайден, 1937, 347-бет; «Собрание восточных рукописей АН УзССР», III, № 2011, 2108; IV, № 3037—3038, 3054—3066. Бундан кейин СВР деб кўрсатамиз.

¹³ Қараңг: Деҳҳудо, Лугатнома, «А» ҳарфи, 912-бет; К. Броккельман, Араб адабиёти, тарихи, Қўшимчаси, I жилд, 334-бет.

бир неча олимларидан таълим олган. Олим Насаф (Қарши) шаҳрида яшаб, шу ерда 432/1040 йили вафот этган. Самарқандий нисбаси унинг Самарқандда яшагани ёки у ерда туғилганидан далолат беради.

Абу-л-Аббос тарих, адабиёт ва бошқа фанлар соҳасида «Китоб тарихи Самарқанд», «Китоб тарихи Насаф ва Кеш [Шаҳрисабз]», «Китоб аш-шеър ва-ш-шуаро» («Шеър ва шоирлар ҳақида китоб»), «Китоб ал-вафо», «Китоб далонл ан-нубувва» («Пайғамбарлик далиллари китоби»), «Китоб ад-даъвот» («Таргиботлар китоби»), «Китоб хутаб ан-набий» («Пайғамбар хутбалари китоби»), «Китоб тибби ан-набий» («Пайғамбар ҳоҳишлари китоби») каби асарларни ёзган. Булардан «Китоб тибби ан-набий» Төхронда нашр этилган, кўпчилиги ҳали то-пилгани йўқ.

АСИРУДДИН ФАЗЛ ИБН УМАР АБҲАРИЙ САМАРҚАНДИЙ

Ҳикмат, мантиқ ва фалсафа илмларида шуҳрат қозонган олим бўлиб, 475/1082—1083 йили вафот этган. Сомийнинг «Қомус ал-аълом» китобида ёзилишича, Асируддин Абҳарий «ал-Ҳидоя» («Қўлланма»), «ал-Қашф» («Қашфиёт»), «аз-Зубда» («Сараланган»), «Исоғучи» каби асарларнинг муаллифидир. Айниқса, унинг ҳикмат илмига оид «Исоғучи» асари ўз даврида шуҳрат қозонган.

БАҲОУДДИН САМАРҚАНДИЙ

535/1140 йили вафот этган. К. Броккељманнинг «Араб адабиёти тарихи» номли асарида ёзилишича, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовийнинг (229/843—321/933) «Ал-Мухтасар фи-л-Фиқҳ» («Фиқҳ илми ҳақида қисқа асар») номли асарига Баҳоуддин Самарқандий шарҳ ёзган ва бир нусхаси Истамбулнинг Жомий кутубхонасида сақланмоқда.

НАЖМУДДИН АБУ ҲАФС САМАРҚАНДИЙ

Тарихнавис, географ, тилшунос, шоир ва фиқҳ олимийнинг тўла исми Нажмуддин Абу Ҳафс ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Луқмон ан-Насафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Нажмуддиннинг назм ва насрда ёзилган бир қанча асарлари бизгача етиб келган. Булардан «Манзумат ан-Насафий фи-л-хилофийёт» («Келишмовчиликлар ҳақида ан-Насафийнинг шеърий эсари») ражаз вазнида, араб тилида ёзилган. Бу шеърий асар 10 бобдан иборат бўлиб, муаллиф унда катта имомларнинг мусулмон қонуншунослигига бўлган қарашларидаги келишмовчиликларни баён қилган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги бўлган музейда иккита нусхаси сақланмоқда (инв. №№ 3991, 2585/I).

Ҳанафия мазҳабидан бўлган мусулмон қонуншуноси Нажмуддиннинг бизгача етиб келган иккинчи асари «Ақоид ан-Насафий» («Ислом ақидатарига ан-Насафий шарҳи») бўлиб, бу асар ислом қонуншунослари орасида кенг тарқалгандир. Шунинг учун ҳам Темур даврининг машҳур олими Саъдулдин Масъуд ибн Умар ат-Тафтозний (792/1390 Самарқандда вафот этган) уни 768 йили шаъбон (1367 йили апрель) ойнда Хоразмда «Шарҳ ал-акоид ан-Насафийя» номи билан шарҳлайди. Бу шарҳ ўз даврида юқори баҳоланганди, мадраса мұхитига кенг тарқалган за ўзидан кейин бу шарҳга бир неча шарҳлар ёзилишига ҳамда ҳошиялар боғланишига сабабчи бўлган. Нажмуддиннинг мазкур асари ҳамда унга ёзилган шарҳ ва ҳошияларнинг кўпгина нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти инв. №№ 4111/I, 3434/I, 2401/I, 2430/II, 2430/IV ва ҳоказо).

«Ақоид ан-Насафий» аштархонийлардан бўлган Субхонқулихон (1091/1680—1114/1702) даврига келиб номаълум таржимон томонидан форс-тожик тилига таржима қилинган (инв. № 3044/II).

Нажмуддиннинг бизга етиб келган асари «ал-Явоқит фи-л-мавоқит» («Қулай вақтлар ҳақида ёқутлар») да дуонинг қачон ва қандай қилиб ўқилиши, намоз ўқиш учун йилнинг қулай даври, ойи ва соати ҳақида сўз боради (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти инв. №№ 3104, 3176). Булардан ташқари Нажмуддин «Қуръонга шарҳ» (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти инв. №№ 3150, 5265) ва Қуръонни тўгри ўқиш қоидалари ҳақида «Заллат ал-қорий» («Қорилар томонидан йўл қўйиладиган хатолар ҳақида») номли асарларнинг муаллифидир. Кейинги асар номаълум таржимон томонидан «Түхфайи хоқония» («Хоқон туҳфаси») номи

билин форс тилига таржима қилинган. Бу таржиманинг бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 7743/II). Нажмуддиннинг «Рисолайи Нажмийя» («Нажмуддиннинг рисоласи») номли тасаввуфга сид рисоласи ҳам бизгача етиб келган (инв. № 84/IV, 90/V).

Ўз даврининг машҳур олими ва тарихнависи Нажмуддин томонидан ёзилган асарларининг энг муҳими «Китоб ал-қанд фи тарих Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоби») ёки «Китоб ал-қанд фи маърифат уламоий Самарқанд» («Самарқанд олимларини таниш ҳақида қанд китоби») эди. Бу асар араб тилида ёзилган бўлиб, Абу Саъид Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (405/1015 вафот этган) Самарқанд тарихи ҳақида ёзилган «Китоб ал-комил ал-маърифат ар-рижол» («Машҳур кишиларни таниш ҳақида мукаммал китоб») асарининг давоми эди. Бироқ Самарқанднинг ўтмиш тарихи ёритилган Нажмуддин Самарқандий ва Идрисийларнинг мазкур китоблари бизгача етиб келмаган.

Шуниси қувонарлики, Нажмуддиннинг шогирди Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ис-Самарқандий ўз устозининг мазкур асари «Китоб ал-қанд фи тарих Самарқанд»нинг форс-тожик тилидаги қисқартмасини ёзади ва унга «Қандияйи хўрд» («Кичик қандия») деб ном беради. Бизгача етиб келган ва ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. №№ 5404/III, 5405, 1773/I, 6436/V) сақланаётган бу қисқартмалар Самарқанд тарихини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга. Нажмуддиннинг мазкур асари номаълум олим томонидан иккинчи марта форс-тожик тилига қисқартиб таржима қилинган ва унга «Қанд дар таърифи Самарқанд» («Самарқанд ҳақида қанд [китоби]») деб ном берилган¹⁴.

¹⁴ В. Бартольд, Сочинения, I, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, М., 1963, стр. 61, 136; К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, I жилд, 427—428-бетлар; Қўшимча, I жилд, 758—762-бетлар; В. Л. Вяткин, Кандия малая, Справочная книжка Самарканской обл., вып. VIII, Самарканд, 1906, стр. 235—290; СВР, VIII, № 5655.

ҲОҚИМ САМАРҚАНДИЙ

Бу қонунишунос ва фиқҳ олимнинг тўлиқ исми ал-Ҳоким Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий бўлиб, унинг таржими ҳоли ҳақида деярли маълумотга эга эмасиз. Ҳоким Самарқандийнинг вафот этган йили икки хил кўрсатилган: Деҳхудо ўзишининг «Луғатнома» асарида олим 321/933 йили вафот этган деса, Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун»да 550/1156—1157 йиллар деб кўрсатади. «Самарқанд — олимлар ва шоирлар шаҳри» рисоласининг муаллифлари эса биринчи фикрга қўшиладилар.

Шундай қилиб жуда кам ўрганилган самарқандлик олим Ҳокимининг фиқҳ итмига оид «Илм аш-шурут ва-с-сижжитот» («Хатга олиш ва шартлар илми») номли асар ёзганини маълум, холос.

АБУ-Л-ФАТҲ АЛОУДДИН МУХАММАД ИБН АБДУЛҲАМИД УСМАНДИЙ САМАРҚАНДИЙ

Фиқҳ олимларидан бўлиб, 552/1157 йили вафот этган. Унинг араб тилида ёзилган «Шарҳ ал-Жомиъ ал-кабир» («Жомиъ ал-кабир»нинг шарҳи) номли китоби бизгача етиб келган. Бу асар машҳур имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (189/804 вафот этган) «Жомиъ ал-кабир» («Катта тўплам») номли китобига ёзилган шарҳдир. Турк олими Ҳожи Халфанинг ёзишича, бу шарҳ бир неча жилдан иборат. Аммо бизгача фақат биринчи жилди етиб келган, холос. Бу биринчи жилд «Китоб ас-салот» («Намоз ҳақида китоб»), «Китоб ал-имон» («Имон ҳақида китоб»), «Китоб ан-никоҳ» («Никоҳ ҳақида китоб»), «Китоб аш-шаҳодат» («Шаҳодат китоби»), «Китоб ат-талоқ» («Талоқ китоби»), «Китоб ал-масоил» («Диний масалалар китоби»), «Китоб аз-замон» («Йўқолган нарсани қайтариб бериш китоби»), «Китоб ал-қазо» («Ҳукм китоби») каби саккиз бобга бўлинади. Ҳар қайси боб ўз навбатида бир неча майдага қисмларга ажралади.

Абу-л-Фатҳ Самарқандий мазкур шарҳининг Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Самарқандий де-

ган котиб томонидан 762/1361 йили кўчирилган нодир-қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 5558) сақланмоқда.

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРҚАНДИЙ

Шоир ва олим бўлиб, таржимаи ҳоли ҳақида бальзи бир маълумотларни фақат унинг асари «Чаҳор мақола» дан топиш мумкин. Унинг асл оти Аҳмад иби Умар иби Алидир. Низомий эса адабий тахаллуси, лекин ўзига замондош бўлган Низомий тахаллуси иккита шоирдан фарқ қилиш учун унга Арузий (аруз мутахассиси) тахаллусини ҳам қўшиб айтилади.

Низомий Арузий Самарқандда туғилган. Қандайдир сабаб билан Марказий Афғонистоннинг Ғур ва Бомиён вилоятларига бориб, у ерда Шансабийлар сулоласидан бўлган подшоҳлар хизматига кириб, умрининг охиригагча ўша ерда истиқомат қилган. Унинг туғилган ва вафот этган йили маълум эмас. Лекин «Чаҳор мақола» китобини 1156 йилнинг охири ва 1157 йилнинг бошларида ёзганилиги аниқланган.

Низомий Арузий «Чаҳор мақола»ни ёзаётган пайтларида 45 йил Ғур ва Бомиён подшоҳларига хизмат қилганини китобда эслатиб ўтган. Демак, 1112 йилдан бошлаб Ғур, кейинчалиқ Бомиён подшоҳлари саройида лабир ва шоир сифатида хизмат қилган. Ғурга келган пайтларида 20—25 ёшларда бўлса, у XI асрнинг 90 йилларида туғилган бўлиб чиқади. Лекин «Чаҳор мақола»да одим 1116—1117 йиллари Ҳиротда тирикчиликнинг қийинлигидан оғир ҳаёт кечирганини ёзади. Кейинчалик тўрт йил Нишонурда яшаган бўлса керак. Шундай қилиб, Шансабийларга қилган 45 йил хизматининг беш йили дарбадарликда ўтган.

Шансабийлар сулоласи Шимолий Афғонистон тоғли вилоятининг гарбий ва марказий қисми бўлган Ғур ва Бомиёнда ҳукм сурган. Шансаб қабиласининг катта бир қисми Ғурда, кичик қисми эса Бомиёнда подшоҳлик қилган. Ғур подшоҳларининг пойтахти аввал Варшад, кейин ҳозирги Афғонистоннинг гарбидаги Фирузкуҳ шаҳри бўлган. Улар ўзларини «Малик ал-жабал» («Тоғ подшоси») номи билан юритиб, 1150 йилдан бошлаб «султон» лақаби билан атала бошлаганлар.

Бомиён сув сатҳидан 2500 метр баландликдаги кичик водий бўлиб, пойтахти Фулғула номли қалъа-шаҳар бўлган. Бу шаҳар 1222 йили мӯғуллар томонидан тамоман вайрон этилиб, ҳозир унинг фақат харобалариғина қолган, холос. Фулғула билан Фирузкуҳ ораси 500 чақиримдан ортиқ бўлиб, юриш қийин бўлган тоғли йўлдан иборат. Худди ана шу шаҳарда Низомий Арузий ўзининг ягона асари «Чаҳор мақола»ни ёзиб тугатган.

«Чаҳор мақола»нинг эронлик олим М. Казваний томонидан аниқланган асл номи «Мажмаъ ан-наводир» («Нодир иарсалар мажмуаси») бўлиб, кейинчалик «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола») номи билан аталган.

Китоб Абу-л-Ҳасан Али ибн Фахруддин Масъул деган подшоҳга бағишлиланган. Лекин на Фур ва на Бомиён подшоҳларидан ёки Низомий Арузийга замондош бўлган бошқа подшоҳлардан бирортаси бундай ном билан аталмаган¹⁵.

«Чаҳор мақола» кириш сўзи билан бошланиб, тўрт боб (мақола)га бўлинади ва хотима билан тугайди. Низомий Арузий кириш сўзида подшоҳлик нима, подшоҳ ким бўлиши керак, қандай қилиб олий мартаба эгаси бўлиш мумкинлигини ёзади¹⁶. Хотимада эса «Бу рисолани ёзишдан ва ана шу бобларни баён этишдан мақсад [ўз] маълумотимни кўрсатиш эмас ва ўз хизматларимни эслатиб ўтиш ҳам эмас, балки энг даставвал [менинг] хожам улуг ҳукмдор Ҳусом ад-давла ва-д-дин, ислом ва мусулмонлар ёрдамчиси, дунё қўшинларининг таянчи, подшоҳ ва сultonлар фахри, даҳрий ва худога шерик келтирувчиларни даф этувчи, бидъатчи ва бузғунчиларни маглуб этувчи, давримиз ҳомийси, инсоният учун ҳозир турувчи, халифаликнинг куч-қудрати, ҳалқнинг ҳусни, жамиятинг улуги, араб ва форсларни йўлга солувчи, дунёда энг олижаноб, фозиллар қуёши, амирлар шоҳи, мӯъминлар амирининг сафдоши, худо унинг шоншуҳрати ва баҳт [йўлида] гуллаб-яшинашини давом эттирсин ва кўпайтирсин, Абу-л-Ҳасан Али ибн Масъуд ибн ал-Ҳусайнга йўл-йўриқ ва камолотдан иборатдир»¹⁷

¹⁵ Низомий Арузий ҳаётига онд маълумотлар А. Н. Бодировнинг «Чаҳор мақола»нинг русча таржимасига ёзилган сўз бошиси асосида ёзилди (Низами Арузи Самарканди, Собрание редкостей или четыре беседы, М., 1963).

¹⁶ Кўрсатилган китоб, 26-бет.

¹⁷ Кўрсатилган китоб, 127-бет.

дейди. Демак, «Чаҳор мақола» энди тахтга ўтирган ёш подшоҳлар учун панд-насиҳат ва йўл-йўриқлардан иборат бўлган китобдир.

Киришнинг кейинги тўрт қисмида табиат, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, одам ва унинг яратилиши ҳақида сўз боради. Инесониятга бағишлиланган қисм шоҳликни абадийлаштириш билан якунланади: «Демак, подшоҳ — имомнинг иёби, имом — пайғамбарнинг ионби, пайғамбар эса буюк ва олий тангрининг ионбидир»¹⁸. Шундан кейин китобнинг асосий тўрт боби (тўрт мақола) бошланади:

Биринчи мақола. Дабирликнинг¹⁹ моҳияти, етук дабирларнинг фазилатлари ва бу билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида.

Иккинчи мақола. Шеъриятга оид фаннинг табнати ва шоирнинг фазилатлари ҳақида.

Учинчи мақола. Юлдузлар ҳақидаги фан (астрономия) ва бу фанда мунажжимнинг билимлари ҳақида.

Тўртинчи мақола. Табобат фани ҳақида ва табибларга маслаҳат.

Ҳар бир боб аввал ўша фан ҳақида қисқача назарий кириш сўз билан бошланиб, шу фаннинг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушунчалар берилади. Кейин ўша фан соҳасида доңг таратган машҳур кишилар ҳақида ҳикоялар — тарихий латифалар, улар ҳаётида содир бўлган ажойиб воқеалар баён қилинади.

«Чаҳор мақола»нинг ҳар бир ҳикояси орқали зиёлилар ва доно кишиларсиз давлатни бошқариш мумкин эмаслиги, уларсиз шоҳлик ҳаёти қуруқ бир нарса бўлиб, тахтни бошқариш мумкин эмаслигини шаҳзодага тушунишириш ва уни бу фикрга ишонтиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам подшоҳ ўз қўли остидаги илм-фан аҳлларини қадрлаши, уларни оч-яланғоч қолдирмаслиги, бекордан-бекорга хафа қилмаслиги, ҳақоратламаслиги ва айбенз зинданга солмаслиги лозим.

Низомий Арузий илм-фан аҳллари ва шоирларнинг шоҳ олдидаги вазифалари ҳақида тўхтаб, уларнинг бутун фаолияти фақат бир кишига — подшоҳга хизмат қилишга қаратилиши, хоҳ юзаки, хоҳ амалий бўлсин

¹⁸ Кўрсатилган китоб, 36-бет.

¹⁹ Дабир—мунший, китоб, шоҳ саройидаги ёзув ишларини бошқарувчи.

шоҳ билан бир тан, бир жон бўлиши, унинг иши ҳақ эканини қўллаб-қувватлаши керак, деган фикрни ўртага ташлайли. Китобнинг шеърият ҳақидаги бобида поэтик қобилиятини ўстириш ҳақида гапириб, шоирдан юксак бадиий моҳирликни талаб қиласди ва уни қўлга киритиш йўлларини кўрсатиб беради ва «антреалистик концепцияни» олдинга суради. «Энг чиройли шеър — бу энг ёлгон исъедир» деган араб мақолини ўз фикрига хулоса қилиб олади. Лекин Низомий Арузий дунёқарашида ана шундай очиқдан-очиқ реакцион ғоялар битан бир қаторда ўз замонасига нисбатан илғор фикрлар ҳам учрайди. У Умар Хайём билан бир неча марта учрашиб, унинг ижодий фаолиятига юксак баҳо беради, уни ўз устози ва насиҳатгўйи деб ҳисобланади ва Ибн Синони буюк табиб сифатида тилга олади. Газнавийларнинг зулми туфайли 18 йил ҳибсда ётган шоир Масъуд иби Саъд иби Салмон ҳақида ачиниб ҳикоя қиласди.

«Чаҳор мақола»нинг тўрт бобида 42 та ҳикоя берилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги муҳим тарихий-адабий қимматга ҳадир. Айниқса, Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайёмлар ҳақидаги ривоятлар бизгача етиб келган энг қадимги маълумотлар бўлиб ҳисобланади. Лекин Низомий Арузий келтирган ривоятларда баъзи бир чалкашликлар ва жиддий нуқсонлар ҳам учрайди.

«Чаҳор мақола» муаллифи дунёқарашидаги қарамакаршилик тардан қатъий назар, бу асар ўз даври маданияти ва тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Бизга «Чаҳор мақола»нинг 12 та қўлёзмаси етиб келган. Булардан иккитаси XIV асрга оид бўлиб, қолганлари кейинги асрларда кўчирилган нусхалардир. Асар 1887—1888 йили Эронда тошбосмада нашр этилди. Машҳур немис шарқшунос олими Эдуард Браун 1899 йили унинг инглизча таржимасини ҳам нашр этган. 1909 йили эрон олими Мирзо Муҳаммад Казвений «Чаҳор мақола»нинг танқидий матнини Лейденда нашр этирди. Бу нашрга илмий-тадқиқий сўз боши ва изоҳлар ҳам илова қилинган. Сўз бошида Низомий Арузийнинг таржиман ҳоли илмий асосда ёритиб берилган. М. Казвений асарнинг ҳақиқий номи «Мажмаъ ан-наводир» («Нодир нарсалар мажмуаси») эканини ҳам илмин асосда исботлаб берган. «Чаҳор мақола» мазкур нашр асосида кейинчалик Эронда бир неча марта қайта нашр

этилди. М. Қазвиний вафотидан кейин Низомий Арузий асари устида Эрон олими Мұхаммад Мұғъмин илмий иш слив бориб, уни түрт марта нашр эттири.

«Чаҳор мақола» биринчи маротаба рус тилига С. И. Баевский ва З. Н. Ворожейкинадар томонидан таржима қилиниб, профессор А. Н. Болдирев таҳрири стида 1963 йили Москвада нашр этти. Бу нашрга А. Н. Болдирев сўз боши ёзган. З. Н. Ворожейкина тузган изоҳлар ҳам иловава қилинган.

Ш. Сомий «Қомус ал-аълам»да Низомий Арузий ҳақида қисқача маълумотлар бериб, унинг «Висо ва Ромин» номли шеърий поэмаси ҳам бўлганини ёзади. Лекин бундай фикр бошқа ҳеч бир манбада кўрсатилмаган. «Қомус ал-аълам»да Низомий Арузийнинг қўйидағи шеъри берилган:

Дили дорам, ки дар фармони ман нест,
Ту пиндори, ки он дил з-они ман нест.
Маро модар дуо карда аст, гўйи:
Ки аз ту дур бодо ҳар чи жўйи.
(Шундай бир юрак [орзулар] им борки, менга
итоат этмайди,
Сен ўйлайсанки, бу юрак [орзулари] сеники эмас
[деб].
«Нимаики истасант, сендин йироқлашсин» [деб],
Гўё онам мени дуо қилгандек)²⁰.

НОСИРУДДИН МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Носируддин Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Юсуф ас-Самарқандий ал-Ҳусайний ал-Мадиний бўлиб, замонасининг машҳур қонуншунос олимидир. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳали маълумотларга эга эмасмиз (556/1161 йили вафот этган) Ҳожи Халфанинг «Кашф аз-зунун»ида (IV, 291-бет, № 13254) ва К. Броккельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китобида (Қўшимчаси, I-жилд, 655-бет) Носируддин Муҳаммад Самарқандий 656/1258 йили вафот этган деб кўрсатил-

²⁰ Низомий Арузий ҳақида қаранг: Ш. Сомий, Қомус ал-аълам, VI жилд, Истамбул, 1898, 4589-бет; «Чаҳор мақола», таълифи Низомий Арузий Самарқандий, бакушиши доктор Мұхаммад Мұғъмин, чопи севвум, Техрон, 1957 (форс тилида); Низами Арузий Самарқандий, Собрание редкостей или четыре беседы, Издательство Восточной литературы, М., 1963.

ган. Бу фикр түғри эмас, чунки «Мултақати Носирий» житобиининг ёзилиш йили бунга мутлақо түғри келмайди. Ал-Мадиний нисбаси унинг Мадинада ҳам яшаганлигидан далолат беради. Олим күпроқ шу нисба билан юритилган.

Ал-Мадиний ёзіан асарларидан бизга маълум бўлгани «ал-Жамиъ ал-кабир» («Қатта тўплам») фиқҳ масалаларига оид фатволар тўпламидир. Бу асар 548/1153 йили ёзиб гугатилган. Ал-Мадиний бир йилдан кейин 549 йил шаъбоннинг охири (1153 йил октябрь) да «ал-Жамиъ ал-кабир»дан муҳим масалаларни танлаб олиб, «Мултақати Носирий» («Носирнинг тацлаб олганлари») номли китоб ёзади. Бу асар «Китоб ал-мултақати фи-л-фатови ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳабига оид танлаб олинган фатволар китоби») номи билан аталса ҳам, қисқартилган ҳолда «Мултақати Носирий» деб юритилган. Бу китоб ҳижрий 603 йили шаъбон ойида (1207 йил октябрь) Усрушана (ҳозирги Ўратепа) шаҳрида Жалолуддин Муҳаммад ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Усрушаний деган киши томонидан қайтадан таҳрир қилингган. 13 йилдан кейин 616 йилнинг сафар ойида (1219 йил апрель) ал-Усрушаний бу асарни Самарқанд мадрасаларидан бирида талабаларга талқин қиласди. Шу вақтдан бошлаб «Мултақати Носирий» Шарқда кенг тарқалиб кетди.

«Мултақати Носирий» 40 китоб (боб)га, ҳар қайси китоб ўз навбатида фасл ва масалаларга бўлингган. Биринчи китоб «Китоб ат-таҳорат» деб айтилиб, охиргиси «Китоб ал-фавоид ва-л-ҳикоят» («Фойдали нарсалар ва ҳикоялар китоби») деб аталади. Бу асарнинг қалин қозғозга сулс хати билан Шайх ибн Ҳиббатуллоҳ ан-Нурий деган котиб томонидан 798/1395 йил (инв. № 4828), но маълум котиблар томонидан 1208/1793 йил (инв. № 2990) ва 1218/1802 йил (инв. № 2977) кўчирилган нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўллөзмалар фондида сақланмоқда.

Ал-Мадинийнинг «Китоб ал-фиқҳ ан-нофиъ» («Фиқҳ ҳақида фойдали китоб») асари ҳам маълумдир. Бу ҳам мусулмон қонуншунослигига оид бўлиб, боб ва фаслларга бўлингган. Бу асарнинг 773 йил ражаб ойида (1372 йил январда) номаълум котиб томонидан чиройли насх хати ва XIV асрда кўчирилган бошқа нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда

(инв. № 4704. 3038). Дэххудонинг «Луғатнома»сида ал-Мадинийнинг «Китоб ал-иҳқоқ» («Ҳақиқат қилиш китоби»), «Китоб ал-мансур фи фуруъ ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳаби шохобчалари ҳақида насрй китоб»), «Китоб хулосат ал-муфти фи фуруъ» («Шохобчалар ҳақида муфтийнинг хулосалари китоби») каби асарлари ҳам бўлгани эслатиб ўтилган. Ал-Мадиний асарларининг ҳаммаси араб тилида ёзилган²¹.

АБУ-Л-ФАЗЛ МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ

XII асрда яшаган моҳир таржимон ва тарихнавис слим бўлиб, унинг тўла иеми И мом Абу-л-Фазл Муҳаммад иби Абдулжалил иби Абдулмалик иби Али иби Ҳайдардир. Олим Самарқандда туғилиб, Нажмуддин Абу Ҳафе Умар иби Муҳаммад иби Аҳмад ап-Насафий ас-Самарқандийнинг (қар.) шогирди бўлган. Шогирд ўз устозининг «Китоб ал-қанд фи тарих Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоби») номли араб тилидаги асарининг форс-тожик тилидаги қисқартмасини ёзган ва унга «Қандияни хўрд» («Кичик қандия») деб ном берган. Бизгача Нажмуддиннинг «Китоб ал-қанд фи тарих Самарқанд» номли асари етиб келмаган, фақатгина бир неча нусхада унинг форс-тожикча қисқартмаси етиб келган. Шунинг учун ҳам бу қисқартма асар муҳим илмий аҳамиятга эга.

«Қандияни хўрд» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Самарқанд тарихи ва ундаги мозорлар тасвирланган. Бу қисмда муаллиф фойдаланган манбалар («Тарихи Самарқанд», «Баён ал-маориф», «Тажрибанома», «Таворихи Самарқанд», «Қисаси нишопуриён») эслатилади. Кейин «Зикри пирони Ҳиндистон» («Ҳиндистон пирларини элаш») деган боб бошланиб, фойдаланилган манбалар кўрсатилади. А. Т. Тоҳиржонов бу қисм асарининг охирги боби деб, В. В. Бартольднинг бу қисм эҳтимол Саййид Аҳмад иби Мир Вали деган олим томонидан киритилгандир деган фикрини келтиради.

Қисқартманинг мазмунига қараб, исломгача бўлган ярим афсона маълумотлар, араб истилоси ва унга қар-

²¹ Олим ҳақида қаранг: Д ө ҳ у д о, Луғатнома, «Алиф» ҳарфи, 741-бет; К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, I, 381, 413-бетлар; Қўшимчги, I, 655-бет; СВР, IV, № 3075.

ши кураш. Самарқанднинг қурилиши, сүғориш системаси ва сүғориладиган ерлардан олинадиган солиқларни билиб олиш мумкин. Асарда Самарқанд ва унинг атрофига яшаган азиз-авлиёларнинг таржимаи ҳоли. Самарқанд мозорлари ва уларни зиёрат қилиш ҳамда сиғиниш йўлларининг баёнига ҳам анча ўрин берилган.

«Қандияйи хўрд»нинг қиммати яна шундаки, унда Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларнинг қариёб 1000 йил илғариги сүғориш системалари ҳақида маълумотлар, Самарқанд мозорлари тавсиф этилаётган қисмida эса Самарқанд атрофидаги қишлоқларнинг бошқа асарларда учрамайдиган номлари келтирилган.

«Қандияйи хўрд» қўллэзмалари ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Тожикистон ФА ва ЛДУ кутубхоналарида сақланмоқда. У Самарқандда 1327/1909 йили, Текронда 1334/1953 йили тошбосма усулида нашр этилган. Лекин ҳозиргача бу асар илмий асосда тўла ўрганилмаган²².

БАДРУДДИН САМАРҚАНДИЙ

XII асрнинг машҳур табибларидан бирни бўлган, тўлиқ исми Бадруддин Муҳаммад ибн Баҳром ал-Қалонисий ас-Самарқандийдир. Унинг тўлиқ таржимаи ҳоли бизгача етиб келмаган.

Ибн Сино ва Абу Бакр Розий (вафоти 313/925) каби Шарқнинг буюк табибларининг илмий асарларини мутолаа қилган. Бадруддин Самарқандийнинг 590/1194 йил атрофига ёзган «Қарободин» («Мураккаб дорилар ҳақида китоб», яъни «Фармакопея») номли қўллэзма асари бизгача етиб келган. Унинг бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 3925). 49 бобдан иборат бўлган бу асар «Қарободин Қалонисий» номи билан ҳам машҳурdir.

Ибн Абу Үсайбиъа «Табиблар тарихи» номли асарида ёзишича, Бадруддин Самарқандий «Қарободин» асарини ёзишда Ибн Синонинг «Қонун», Абу Бакр

²² СВР, I, №№ 693—697; СВР, V, №№ 3965—3970; В. Л. Вяткин, Кандия малая, Справочная книжка Самаркандской обл., вып. VIII, Самарканд, 1906, стр. 235—290; бунга ёзилган тақриз: В. В. Бартольд, ЗВО, т. XVIII, стр. 0181—0191; А. Т. Тагирджанов, Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела ЛГУ, Издательство ЛГУ, 1962. *

ар-Розийнинг «ал-Ҳовий», «ал-Комил» ва бошқа шарқ слимларининг табобатга оид кўпгина китобларидан фойдаланганлигини айтади. «Қарободин Қалонисий»-нинг иккинчи бир нусхаси Берлин кутубхонасида сақланмоқда. Бу нусханинг тўлиқ шарҳи Альвардт каталогигида берилган бўлиб²³, 49 бобда мураккаб дорилар тайёрлаш учун ҳозирланган содда доривор нарсаларни ювиш, қуритиш, қовуришдан тортиб уларни ҳархил касалликларни даволашда ишлатиладиган талқондори, кулча дори, хамир дори, ҳаб дорилар тайёрлашгача бўлган жараён шарҳ қилинганди. Булардан ташқари Бадруддин Самарқандий ўз асарида заҳарларнинг даволик хусусиятлари, бир дори топилмагандага унинг ўрнига ўтувчи иккинчи бир дорилар, ҳашаротларга қарши қўлланадиган дорилар ва тиббий ўлчов вазнлари ҳақида муфассал гапиради. Бу асар муаллиф яшаган даврда ва ундан сўнг ҳам табиблар, айниқса, доришунос табибларнинг эътиборини ўзига жалб этган ва улар учун дастуриламал — қўлланма вазифасини ўтаган. Эндиликда эса шарқ доришунослик тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди²⁴.

МУҲАММАД ЗАҲИРИЙ САМАРҚАНДИЙ

XII асрда яшаган бу адид ва олимнинг тўла исми Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Котиб аз-Заҳирий ас-Самарқандийдир. Деҳҳудонинг «Лутғатнома»сида Заҳириддин куняси билан аталган («Лутғатнома», «З» ҳарфи, 22-бет). Унинг таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Муҳаммад Заҳирий Самарқандий қораҳонийлар сулоласидан бўлган Қилич Тамғоч хоқон ибн Қилич Қораҳон (1163—1178) даврида яшаган ва шу хон саройида соҳиби девони ишшо (ёзишмалар девонининг бошлиғи) бўлиб ишлаган.

²³ Verzeichniss der arabischen Handschriften von W. Ahlwardt, Bd.—de I—X, Berlin, 1887—1899. Бундан кейин Альвардт, деб ёзамиз.

²⁴ Тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Иби Абу Усайбиҳа Үюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо (араб тилида), II жилд, Миср, 1882, 31-бет; К. Брокке ман, Араб адабиётни тарихи, I жилд, 489-бет; Қўшимча, I жилд, 873-бет; СВР, V, № 3955; СВР, VIII, № 5688.

«Ағраз ас-сиёса фи араз ар-риёса» («Ҳукмронликни бошқаришда сиёсатнинг вазифалари») аз-Заҳирийнинг дастлабки асари бўлиб, унда афсонавий Жамшид (подшо) дан то Солжуқий Султон Санжар (1118—1157) гача ўтган шоҳларнинг давлатни бошқариш масаласида айтган ҳикматли сўзлари жамланган. Муаллиф шоҳларнинг ҳикматли сўзларини турли изоҳлар билан тўлдиради ва асарда жуда кўп қизиқарли тарихий воқеалар ҳақида сўз юритади. Академик В. В. Бартольд бу асар қўлёзмаси билан қизиқкан ва «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» номли асарининг русча нашрига илова қилиб ундан парча бостирган.

Заҳирий номини Шарққа танитган асари унинг «Синдбоднома» китобидир. «Синдбоднома» асосида ҳинд тилида машҳур бўлган қадимги «Сиддхапати» («Донолар ҳақида бсб») китоби ётади. «Сиддхапати» сосонийлар даврида паҳлавий тилига таржима қилинган. Лекин асарнинг ҳиндча варианти ҳам, паҳлавий тилидаги таржимаси ҳам ҳали топилган эмас. Аббосий ҳалифаларидан Мансур (754—775), Маҳдий (775—785) ва Ҳорун ар-Рашид (786—809) даврида «Хватай-Намак», «Қалила ва Димна», «Ардашир саргузашти», «Анушервон саргузашти», «Маздак ҳақида китоб» каби асарлар паҳлавий тилидан араб тилига афдарилди. Худди шу даврда «Синдбоднома» ҳам уч марта араб тилига таржима қилинди.

Асбаға Сижистоний «Синдбоднома»ни «Катта синдбод», Муса Кисравий (ваф. 850 йил атрофи) эса «Кичик синдбод» номи билан таржима қилди. Абан Лаҳиқий (ваф. 815 йил атрофи) Асбаға Сижистонийнинг таржимасини қайта ишлаган. Мусо Кисравийнинг «Кичик синдбод» таржимаси асосида «Синдбоднома»нинг сурений, қадимги яҳудий, испан ва янги араб тилидаги таржималари пайдо бўлди. Кейинчалик «Кичик синдбод» «Синдбоднома» асарининг лотин, француз, итальян, немис, швед, венгер, арман, словак тилларидаги таржималарига ҳам асос бўлди. Асбаға Сижистонийнинг таржимаси «Катта синдбод» эса «Минг бир кеча» эртакларидаги синдбод ҳикояларига асос бўлди.

950—951 йили сомонийлар амири Нуҳ ибн Насрнинг (943—954) амири билан «Синдбоднома» хожа Амид Абу-л-Фаворис Фанорўзий томонидан паҳлавий тилидан дарий тилига таржима қилинди. Бу таржима бадиий

қимматга эга бўлмагани учун унчалик шуҳрат қозона олмади.

«Синдбоднома»ни форс-тожик тилида қайтадан тирилтирган Мұхаммад Заҳирий бўлди. У бу асарни замона дидига мос қилиб қайтадан ишлади, унга бадиий тус берди ва Қилич Тамғоч ҳоқонга тақдим этди. Заҳирий асар тилтига алоҳида эътибор бериб, унга замонаси услубига хос бадиий тус берди ва форс-тожик шоирларидан Анварий, Имод; араб шоирларидан ал-Мутаббий (915—965), Иброҳим ал-Ғаззийнинг шеърларидан парчалар ҳамда Умар Хайём ва бошқаларнинг рубоийларини ҳам киритди. «Синдбоднома» Заҳирий томонидан қайта ишланиб, янги асар тусини олди, шуҳрат қозониб, бизгача етиб келди.

Заҳирий асарининг бир қўллөзмаси Британия музейида, иккинчиен қиролликка қарашли Осиё уюшмаси кутубхонасида сақланади. Бу нусхалар яхши сақланмагани туфайли унинг танқидий текстини тайёрлаш имкони бўлмади. Кейинчалик, Туркияда «Синдбоднома»нинг бир қанча қўллөзма нусхалари мавжудлиги 1948 йилда аниқланди. Гурк олими Аҳмад «Синдбоднома»нинг форс тилидаги танқидий матнини кириш сўз ва изоҳлари билан нашр этди.

Асарнинг мазмуни асосида «Синдбод ва аёллар макри» номи билан Ўрта ва Яқин Шарқда машҳур бўлган ривоят ётади. Бу «Синдбоднома»да бир оз бошқачароқ мазмунда берилди. Синдбод бу ерда доно ва билимдон олим. Подшоҳ ўз ўғлини таълим олиш учун Синдбоднинг қўлига топширади. Лекин подшоҳнинг чўриси томонидан уюштирилган бўғтон туфайли шаҳзоданинг ҳаёти таҳлика остида қолади. Синдбод шаҳзоданинг бир ҳафтагача ҳеч гапирмаслиги кераклигини, агар гапириб юборса, ҳалок бўлиши муқаррарлигини болага таъкидлайди. Шаҳзода сўзлаши мумкин бўлмагани учун чўрининг тухматларидан ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмайди. Буни сезган етти вазир шаҳзодани оқлаш учун подшога ҳар куни хотинлар макр-ҳийласи ҳақида ҳикоялар айтиб берадилар ва бу билан шаҳзода ўлимини орқага сурадилар. Ўз сўзини далиллар билан исботлаш учун чўри ҳам, вазирлар ҳам, шаҳзода ҳам турли ҳикоя ва масаллар келтирадилар. Асада 35 та ҳикоя ва масаллар берилган. Булар «Синдбоднома» асосини ташкил этади.

Китобнинг асосий мақсади эҳтиёткорлик, бирор ҳукмни чиқаришда шошмаслик ва ўйлаб иш кўриш, атрофдаги доно маслаҳатчиларнинг сўзига қулоқ солиш кераклигини подшога тушунтиришдир. Асардаги ҳикоялар қизиқарли ва жонли бўлиши учун ундаги кўпчилик қаҳрамонлар (тулки, бўри, тую, чумоли, ари каби) ҳайвонлардир. Булар орқали инсон характеристида учрайдиган ижобий ва салбий хусусиятлар ифода этилган.

Асарнинг охирида адолат ғалаба қозонади, шаҳзода айборд эмаслигини исботлайди, маккор чўри жазоланади. Шоҳнинг бир қанча саволларига Синдбод доноларча жавоб беради. Шаҳзода отасининг тахтини эгаллади. Муаллиф асарнинг охирида Қилич Тамгоч хоқоннинг донёлиги ва куч-қудрати олдида «Синдбоднома»даги қаҳрамонлар ҳаёт бўлишганда, унинг олдида тиз чўккан бўлишарди деган холоса чиқаради. «Синдбоднома» мамлакатни бошқариш ва ўз ворисларини тарбиялаш учун шоҳларга қўлланма тариқасида ёзилган асардир.

«Синдбоднома» билан Совет шарқшунос олимларидан дастлаб Е. Э. Бертельс қизиқиб, «ХІІ аср тоҷик прозаси намунаси»²⁵ номли мақолани ёзган. Қейинчалик китоб рус тилига таржима қилиниб, сўз боши ва изоҳлари билан нашр этилди²⁶.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг кекса илмий ходими Ҳакимжонов Юнусхон ота томонидан «Синдбоднома» ўзбек тилига ҳам ағдарилди ва нашрга тайёрланди.

«Синдбоднома» қўлёзмаларининг бир нускаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 9318), яна бир нускаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида (инв. Д 352) сақланмоқда.

РУҚНУДДИН АБУ ҲОМИД САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Руқнуддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Амидий ас-Самарқандий ал-Ҳанафийдир. К. Броккељманнинг ёзишича, олим Сул

²⁵ Е. Э. Бертельс, Образец таджикской художественной прозы XIІ века, Краткие сообщения института Востоковедения АН СССР, вып. IX, М., 1956.

²⁶ Муҳаммад аз-Захири, ас-Самарқанди, Синдбад-наме, перевод М. Н. Османова, М., ИВЛ, 1960.

тон Алоуддин Мардон I (605/1208—608/1211) даврида Бенгалияning пойтахти Лаҳнати Favр (ҳозирги Favрах бўлиши керак) шаҳрида қозилик қилган. 615 йили жумод ал-охир (1218 йил сентябрь) ойида Бухорода вафот этган.

Ҳожи Халфа бу олимнинг «Иршод фи илм ал-хилоф ва-л-жадал» («Ихтилоф ва диалектика учун қўлланма»), «ан-Нафоис фи-л-жадал» («Диалектикадаги нафосатлар») каби араб тилидаги китобларини тилга олиб, Руқнуддин Абу Ҳомид биринчи бўлиб диалектика бўйича асар ёзган олим деб таъкидлайди. Унинг «Ихтилоф ва диалектика учун қўлланма» асари Шарқда жуда машҳур бўлиб, бир қанча олимлар бу китобга шарҳ ёзганлар.

МУҲАММАД ИБН АБУ БАКР САМАРҚАНДИЙ

XII аср қонуншунос олими Муҳаммад ибн Абу Бакр нинг Ўрта Осиёга кенг тарқалган «Шаръат ал-ислом ила дор ас-салом» («Саломатлик уйига [жаннатга] олиб борувчи ислом дини») номли араб тилида ёзилган қўллэзма асарнинг бир неча нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, уларнинг баъзиларида муаллифга Самарқандий, Бухорий, Шарқий ва Қуммий деб нисба берилган. Аммо ҳамма қўллэзма нусхаларда ҳам муаллиф «Имомзода» деган лақабга эга бўлган. Имомзода Муҳаммад ибн Абу Бакр Ўрта Осиё ва Хурсоннинг йирик маданият ва маърифат ўчоқлари бўлган Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда яшаб, ижод этгани учун Самарқандий, Бухорий ва Қуммий каби нисбий номларни олган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида олим ёзган мазкур асарнинг тўртта нусхаси (инв. № 2459/I, 3735/I, 5588 ва 4803/IV) сақланмоқда. Улардан бирида, яъни котиб Амир عبدالлоҳ Самарқандий томонидан 998/1590 йили кўчирилган нусхада ёзилишича, Имомзода Муҳаммад ибн Абу Бакр 593/1197 йили вафот этган. Бошқа манбаларда унинг 573/1177 йили вафот этганлиги ёзилган. Муҳаммад ибн Абу Бакр Самарқандий «Ҳидоя» номли асарнинг муаллифи, Бухорога дағн этилган Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг халифаларидан бири бўлган.

АЛОУДДИН АБУ БАКР ҲАСАН ДИНОРИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг исми турли манбаларда турлича берилган. Ўнинг бизгача етиб келган ягона асари «Аъжубат ал-фатово» («Энг яхши фатволар») китобининг бир нусхаси ҳошиясига «Алоуддин Абу Бакр ал-Ахсикати Динорий лақабли» деб ёзиб қўйилган (Шарқшунослик институти қўллэзмаси, инв. № 4833/I, вар. 1a). Худди шу қўллэзманинг За варагида Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Каффовийнинг (вафоти 990/1582 йил) «Иълом ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нуъмон ал-Мухтор» («Нуъмон ал-Мухтор мазҳабидаги фақиҳлардан бўлган энг яхши муаллифлар ҳақида хабарлар») китобига ишора қилиб: «Шайх ал-И мом Алоуддин Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос ад-Динорий Абу Наср 517/1123 йили туғилиб, 593/1197 йили вафот этган, Ҳирzonияга дафи этилган...»²⁷ деб ёзиб қўйилган. Лекин бу ерда айнан шу олим ёки бошқа шахс ҳақида гап кетаяптими, аниқ айтиш қийин. Ад-Динорий асарининг номи «Аъжубат ал-фатово»даги ҳарфлар қимматини абжад ҳисоби билан қўйиб чиқсан («ал» артиклисиз), 584/1158 йил келиб чиқади. Шуларга суюнган ҳолда ад-Динорий XII асрда яшаб ижод этган, Самарқандда ёки Астробод яқинидаги Дино қишлоғида туғилиб, Самарқандда яшаган деб айтиш мумкин.

Ад-Динорийнинг бизгача фақат «Аъжубат ал-фатово» номли асари етиб келган, холос. Бу китоб кўпроқ «Фатовойи Динорий» («Динорий фатволари») номи билан юритилади. Асар бизга маълум бўлган қўллэзмалар каталогларидан фақат Ҳожи Халфанинг «Кашф аз-зунун» (IV, 357-бет, № 8759) китобида эслатиб ўтилади.

Асарда Ҳанафия мазҳабининг мусулмон қонуншунослиги асослари форс тилида қисқа саволлар ва мисоллар тартибида тушунирилади ҳамда мисол ва саволларга изоҳлар берилади. Муаллиф китобни ёзишда ўзидан олдин ўтган жуда кўп фиқҳ олимларининг асарларидан фойдаланган бўлса ҳам, кўп масалаларда ўз номидан гапириб, аҳён-аҳёнда бошқа фақиҳларга ишора қиласи.

²⁷ Шу асарнинг УзССР ФА Шарқшунослик институтида сақла наётган қўллэзмаси, инв. № 91/III, 165-варақ.

«Аъжубат ал-фатово» кириш, 39 «китоб» ва 8 бобдан иборат. Асар таҳорат «китоби»дан бошланиб, «Масоил ал-мутафарриқа» («Ҳар хил масалалар») деган «китоб» билан тугайди. Кичикроқ масалалар эса «боб» деб кўрсатилган.

«Аъжубат ал-фатово»нинг XVI асрда Али Қамол ибн Мавлоно Дарвеши Муҳаммад Ҳисорий кўчиригган нусхаси (инв. № 3189) ва Исломил ибн Иброҳим Халил Абу-л-Хоний деган котиб томонидан 993/1585 йили кўчирилган нусхаси (инв. № 4833/I) ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

АЛОУДДИН ШАМСУЛИСЛОМ АБУ БАҚР МУҲАММАД ИБН АҲМАД САМАРҚАНДИЙ

Қонуншунос, тиљшунос ва фиқҳ олимни Алоуддин XII асрда яшаб, машҳур олим ал-Макхулий (вафоти 508/1114 йил) ва ал-Баздавий (вафоти 482/1089 йил)ларнинг шогирди бўлган. Алоуддин Қуръон шарҳи ва фиқҳга оид «Китоб туҳфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар учун туҳфа китоби») ва «Мухталиф ар-ривоя» («Ихтилофли ривоятлар») номли асарларнинг муаллифидир. «Китоб туҳфат ал-фуқаҳо»га Абдулқодир ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Кошоний (вафоти 587/1191 йил) шарҳ ёзган.

Алоуддиннинг 540/1145 йил атрофида фиқҳ методологиясига ёид араб тилида ёзган «Мизон ал-усул фи на тоиж ал-уқул» («Ақллар чиқарган хуносалари бўйича асослар мезони») номли асарининг XIII аср охирларида кўчирилган иккита нодир қўллёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда²⁸.

ШАМСУДДИН МУҲАММАД ИБН МАҲМУД САМАРҚАНДИЙ

Бу олим Шариф Ҳамадоний номи билан машҳурдир. Ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақила етарли маълумотга эга эмасмиз, фақат 600/1203 йили ҳаёт бўлгани аниқ, холос. Унинг иккита диний асаригина бизга маълум.

²⁸ Қаранг: СВР, IV, 198—201-бетлар, № 3062—3063; К. Б о к-кельман, Араб адабиёти тарихи, I жилд, 374-бет; Қўшимча, I жилд, 640-бет.

Шамсуддин ас-Самарқандийнинг Қуръонни қироат билан ўқишилмига оид «Йқд ал-фариғ фи илм ат-тажвид» («Тажвид илми ҳақида ягона жавоҳир») номли асарига Ҳасан ибн Шужоъ ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хофиз ат-Туний томонидан форс тилида ёзилган «Шарҳи қасидан Йқд ал-фариғ» номли қасидаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда (инв. № В2389).

Иккинчи асари — «Қитоб таҳқиқ қалимат аш-шаҳодат» («Қалиман шаҳодатни ўрганиш») китобидир.

ШАРОФУДДИН САМАРҚАНДИЙ

XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган математик олим Шарофуддин ал-Ҳусайн иби ал-Ҳасан ас-Самарқандийнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. К. Броккељманнинг «Араб адабиёти тарихи» асарида кўрсатилишича, Шарофуддин Самарқандий 632/1235 йили вафот этган ва ўзидан кейинги авлодларга «Фи тариқ ал-масоил ал-ададия» («Сон масалалари йўли ҳақида») номли асарни ёзиб қолдирган.

Ҳозирча кам ўрганилган самарқандлик олим Шарофуддин Самарқандийнинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганиш Урта Осиё математикаси тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

ШАМСУДДИН САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Шамсуддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайнин ас-Самарқандийдир. К. Броккељманнинг кўрсатилишича, бу олим 690/1291 йилларгача ҳаёт бўлган.

Шамсуддин Самарқандий риёзиёт, ҳандаса ва фалсафа каби илмларни ўз даврига нисбатан яхши эгаллаган ва бу фанларга оид бир қанча асарлар ёзган. Бизга унинг баъзи асарларигина етиб келган, холос. Жумладан, муаллифнинг «Ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса илмида шакллар асоси») номли асарида Эвклид (милодгача IV—III аср)нинг геометрияга оид асаридаи 35 та шакл келтирилган. Бу геометрияга оид асарнинг қўллўзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 3373/III) сақланмоқда.

Самарқандийнинг бу асарига Қозизода ар-Румий (қар.) «Шарҳ ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса илмида шакллар асосига шарҳ») номли шарҳ ёзган. Бу шарҳ 1851 ва 1857 йилларда Истамбулда иккى марта нашр қилингани. Шарҳининг ҳар икката ишри ҳам Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шамсуддин Самарқандийнинг мантиққа оид «Рисола фи одоб ал-баҳс» («Баҳс одоби ҳақида рисола») номли иккимичи асари Шарқда жуда кең тарқалган бўлиб, 830/1427 йил атрофида Қутбuddин Гилоний, 840/1436 йил атрофида эса Масъуд ибн Ҳусайн аш-Шервоний ар-Румий ва бошқа ўндан ортиқ олимлар тарафидан шарҳ қилингани²⁹.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари Шамсуддин Самарқандий мантиқ илмига оид «ал-Қустос» («Торози»), «Китоб ас-саҳоиф» («Сафҳалар китоби») ва «Айн ан-назар фи-л-мантиқ» («Мантиқ илмида узоқни кўриш») каби араб классик тилида ёзилган асарларнинг муаллифидир.

НАЖИБУДДИН САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўлиқ исми Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Умар Нажибуддин ас-Самарқандийдир. Самарқандлик машҳур табиб Нажибуддин Фаҳруддин Розийнинг замондоши бўлган. «Табиблар тарихи китоби» нинг муаллифи Ибн Абу Усайбиъанинг ёзишича, Нажибуддин Самарқандий Ҳиротда ҳам яшаган ва 619/1222 йили Чингизхон бошлиқ мўғул истилочиларининг Ҳиротни забт этишига қарши курашда қатл этилган. У табобат илмини юонон олими Гиппократ (эрамизгача бўлган 460—377 йиллар), арабийнавис Али ибн ал-Аббос ал-Мажусий (384/994—995 йили вафот этган) ва Ибн Сино асарларини мутолаа қилиш билан ўрганган эди.

Нажибуддин Самарқандий табобат илмига доир бир неча асарларнинг муаллифидир. Жумладан, муаллиф

²⁹ Бу асарлар қаерларда сақланаётганлиги ҳақида тўла маълумотлар олиш учун қаранг: К. Брокке манн, I жилд, 468-бет; Ҳожи Ҳалфа, Қашф аз-зунун, I жилд, 322-бет; Альвардт, IV жилд, 519—521-бетлар.

«Ағзият ал-марзо» («Қасаллар истеъмол қиладиган овқатлар») номли китобида ҳар бир қасаллик учун қандай таом истеъмол қилиниши ва қандайларидан эҳтиёт бўлиш лозимлигини ёзди. Шунингдек, овқатларнинг дорилик хусусияти ҳақида ҳам гапиради.

Олим киши аъзоларининг ҳар бирiga хос айрим-айрим қасалликларга бағишлиланган иккинчи бир тиббий ясари «ал-Асбоб ва-л-аломот» («Қасаллик сабаблари ва аломатлари»)ни Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Гиппократнинг «ал-Муолижот ал-буқротия» («Гиппократ даволашлари»), Мажусийнинг «Қомил ас-синоъя» («Такомил санъат»), «Ақрабодин ал-кабир» («Мураккаб дориларга бағишлиланган катта китоб») ва «Ақрабодин ас-сағир» («Мураккаб дориларга бағишлиланган кичик китоб») каби китоблардан фойдаланиб ёзган. Бу асар Шарқ табиблари орасида катта эътиборга эга бўлган. Муаллиф замонасида ҳам, ундан кейин ҳам табиблар бу китобдан кенг фойдаланганлар ва унга шарҳ ёзганлар. Шундай шарҳлардан бирини Мирзо Улугбек таклифига биноал Кирмондан Самарқандга хизматга келган таниқли табиб Нафис иби Эваз ал-Кирмоний (қар.) ёзган. «Шарҳ ал-асбоб ва-л-аломат» («Қасаллик сабаблари ва аломатлари шарҳи») деб аталган. Бу асарнинг қўллўзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги (инв. № 2872) сақланмоқда. Шарҳнинг кириш қисмида ёзилишича, ал-Кирмоний бу асарини Самарқандда тутатган ва уни 827/1424 йили Үлугбекка тақдим этган. Бу асар XVIII асрда Муҳаммад Акбар иби Мирҳожи Муҳаммад томонидан форс тилига таржима қилинган. Унинг иккита қўллўзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда (инв. № Д344, С1833).

Нажибуддин Самарқандийнинг учинчи асари «Усул ат-тарокиб» («Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари») деб комланган бўлиб, унда муаллиф табобатга оид китобларнинг озлиги ва ўша давр талабига жавоб берса олмаслик даражасида қисқа эканлигини уқтириб ўтади. Шубилаи бирга мураккаб дориларни тайёрлашда кўпгина чалкашликлар борлигини ва ўз асари билан бу камчиликларни бартараф қилмоқчи эканлигини айтади:

«Ҳақиқатан ҳам мен бу ҳунар ҳақида шу ҳунарни ўргатувчи ва ушбу билан шугулданувчи кишиларни бундаги қоронғу йўлларни ёритиш ва ундан фойдаланув-

чиларга енгиллик туғдериш учун дориларни тайёрлаш усуллари ҳақида тибга оид китоблардан вақт ва ҳол талабига кўра кичик бир тўплам жамлашга ўзимда ҳис пайдо қилдим, чунки мен худо сақлагур Тинчлик шаҳри [Бағдод]даги касалхона табибларини кўрган эдим. Улар мураккаб дориларга оид кам варақли озгина асарлар билан чегаралашган эдилар»³⁰.

Муаллиф кўзда тутган мақсадини асарни ташкил қилган ўн тўққиз бобда ифодалайди. Ҳар бир бобда толқон дори, кулча дори, шарбат дори, ични сурадиган дори ёки қайт қилдирадиган дорилар баён қилинган. Бу қўлёзма асарининг ҳам иккита нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 227/III, 7225).

Шарқда Ибн Сино яратган табобат мактабининг забардаст олимларидан бири бўлган Нажибуддин Самарқандийшинг 8 та тиббий асар ёзганлиги маълум. Шарқ қўлёзма фонdlарида кўз қорачигидай сақланаётган бу асарлар Шарқ табобати тарихини ўрганишда, қолаверса ўзбек табобати тарихини ўрганиш ва яратишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга³¹.

ҚАМОЛУДДИН АБДУРРАЗЗОҚ КОШОНИЙ САМАРҚАНДИЙ

Шайх Қамолуддин номи билан машҳур бўлган олим ал-Кошоний баъзан Коший деб ҳам аталади. Ал-Кошоний Нуруддин Абдуссамад ан-Натаанзий (XIII аср) деган машҳур суфий шайхнинг муриди бўлган ва 730/1329—1330 йили ёки 735/1335 йили вафот этган.

Абдурраззоқ ал-Кошоний бир қанча асарларнинг муаллифидир. Булардан бизгача бир нечаси стиб келган.

«Китоб ал-истилоҳот» («Истилоҳлар китоби») суфийликка оид терминларининг мукаммал қомуси бўлиб,

³⁰ Ҳ. Ҳикматуллаев, Ибн Синочини «Аладвиятул қалбия» номли асарини ўз ичига олган қўлёзманинг тавсифи, ТошДУ, Илмий ишлар, 214-чиқиши, Шарқ филологияси масалалари, Тошкент, 1962, 43—49-бетлар.

³¹ Нажибуддин Самарқандий ҳақида қаранг: Ибн Абу Усайбиъа, II, 31-бет; К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, I, 490—491-бетлар. Қўшимча, I-жилд, 895-бет; СВР, I, № 568; VI, № 4362.

форс тилида ёзилган. Асарда тасаввуфга оид адабиётда қўлланадиган терминларнинг изоҳи берилган. Муаллиф бу ерда кўпроқ Абу Исмоил ал-Ансорийнинг «Манозил ас-соирии ила-л-ҳақ» («Ҳақиқатга интилувчиларнинг манзиллари») номли китобида учрайдиган терминларни изоҳлайди. Асар икки қисмга бўлинниб, биринчи қисмда абжад тартиби билан суфийликка оид терминларга изоҳ берилади. Иккинчи қисмда эса «суфийлик тариқати»га эришишга оид босқичлар тущунтирилади. Бунда боблар Ансорий асаридағидек тартибда берилади. «Китоб ал-истилоҳот»нинг муаллиф вафотидан 50 йилча кейин 783/1381 йили кўчирилган иодир қўллёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 508/II). Бу асарнинг бешта қўллёзмаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № A873, B1805, B2675, B3466, C1151). Асарнинг биринчи қисми Калькуттада 1845 йили А. Шпренгер томонидан инглиз тилига таржима қилингани.

«Тасфият ал-қалб» («Қалбни тозалаш») ҳам тасаввуфга оид рисоладир. Асарнинг номи қўллёзмада «Тасаввуф тасфият ал-қалб» («Қалбни тасаввуф йўли билан тозалаш») деб аталган. Бу китобнинг Саййид Боқир иби Жаъфархўжа деган котиб томонидан 1255/1839 йили настаълиқ хати билан кўчирилган қўллёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 8419/I). «Тасфият ал-қалб» форс-тожик тилида ёзилган.

«Рисола фи қазо ва-л-қадр» («Қазо ва қадр сўзлари ҳақида рисола») помли рисола 10 варақдан иборат. Бошқа бир асарида ал-Қошоний баъзи замондошларининг талабига биноан синоним сўзлар бўлмиш «қазо» ва «қадр» сўзларига ҳамда илм, куч ва қудрат тушунчаларига изоҳ бериб, шу соҳадаги таълимот тарафдорлари билан баҳс юритади. Бу асарнинг 783/1381 йили кўчирилган қадимги қўллёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 508/III). Асар форс-тожик тилида ёзилган.

Булардан ташқари, Абдурраззоқ ал-Қошоний юқорида эслатиб ўтилган ҳиротлик машҳур шайх Абу Исмоил Абдуллоҳ иби Абу Мансур Мұҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳиравийнинг (396/1006—481/1088) «Манозил ас-соирии ила-л-ҳақ» («Ҳақиқатга интилувчилар манзиллари»)

номли китобига «Шарқ манозил ас-соирин ила-л-ҳақ» номи билан шарҳ ёзган. 192 варақдан иборат бу арабтилидаги шарҳда изоҳланаётган сўзлар «м» (мусаниф, яъни муаллиф), шарҳлар эса «ш» (шориҳ — шарҳловчи) ҳарфи билан берилади. Шарҳда асосий асарнинг ўзи ҳам тўла киритилган. Шарҳнинг 783/1381 йили кўчирилган қадимги қўллёзма нусхаси УзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда (инв. № 508/1). Юқорида эслатиб ўтганимиз Абдураззоқ Кошонийнинг учта асарини ўз ичига олган 508 рақамли қўллёзма тўплам Бухорошинг машҳур шайхи Муҳаммад Порсо (вафоти 822/1419 йил) вақфига тегишли бўлган.

Абдураззоқ ал-Кошоний ўз замонасида жуда нуфузли ва фозил киши бўлган. Унинг асарлари ҳали илмий таҳлил қилинганича йўқ³².

АБУ МУҲАММАД АТО САМАРҚАНДИЙ

Абу Муҳаммад Ато ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Хўжа Ғозий ас-Самарқандий ўз илмий фаолиятини Шарқнинг турли мамлакатларида олиб борган ўрта осиёлик астрономлар жумласидандир.

Асли самарқандлик бўлган Ато Самарқандий ўзватанидан йироқда, Ҳиндистоннинг Шарқий чегарасида илмий текшириш ишлари билан шуғулланди. Унинг 764/1362 йили Юан Тченн Хси Ву Тsing сулоласидан бўлган шаҳзодалар учун тузган астрономик жадваллари бизгача етиб келган. Париж миллий кутубхонасида бу жадвалларнинг асл нусхаси (автографи) сақланмоқда (инв. № 6040)³³.

САҶДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ

Бу олимнинг тўла исми Саҷдуддин Масъуд ибн Умар бўлиб, Тафтазоний нисбаси билан машҳурдир.

³² Бу олим ҳақида қаранг: К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, I жилд, 433-бет, Қўшимчаси I, 774-бет; Ислом энциклопедияси (инглиз тилида). 2-жилд, 88—90-бетлар; СВР, III, № 2128—2129; СВР, VIII, № 5899, 5935.

³³ Астрономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Хаваразми до Улугбека, стр 114—116.

Ислом дунёсида жуда машҳур бўлган бу олим 722/1322 йили Хурсонда Нисо шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилади. Сарахс мадрасасида мударрислик қиласи. Эронда мўғуллар давлати инқирозга учрагандан сўнг бошланган таҳт учун курашлар даври кулфатларини бошидан кечириб, Амир Темур давлати вужудга келгандан кейин Темурнинг ўзи олимни Самарқандга таклиф этади. Тафтазонийнинг кўп умри Самарқандда ўтиб, Амир Темур ҳузурида катта ҳурмат ва обрў қозонади ва 792 йилнинг бошларида (1390 йили) вафот этади. Олимнинг Хоразмда ҳам яшагани ва у ерда ўзининг иккита асарини ёзгани маълум.

Тафтазоний мантиқ [логика], қалом [риторика], ислом ақидалари, тафсир, фиқх ва бошқа илмларда замонасининг ягона кишини бўлган. Бу фанлар соҳасида ёзган асарлари катта шуҳрат қозонади. Замонасида ва ундан кейин яшаган олимларнинг кўпчилиги унинг асарларига шарҳ ва ҳошиялар ёзганлар. Унинг асарлари мадрасаларда асосий қўлланма сифатида ўқитиб келинган. Тафтазоний шунчалик катта шуҳрат қозонадики, унинг номи билан мусулмон олимлари икки катта гурӯҳга ажратилиб Тафтазонийдан олдин ўтганлар «Мутаққадимиш» («Илгари ўтганлар»), ундан кейин ўтганлар эса «Мутааххирин» («Кейин ўтганлар») деб юритилди. Мўғуллар истилосидан кейин то Тафтазоний давригача унингдек исломшуносликда донг чиқарган бирорта олим учрамайди. Тафтазоний бу соҳада янги бир давр очган олим эди. У Туркияга ҳам сафар қилиб, у ерда ислом илми соҳасидаги кўзга кўришган олимлар билан баҳслашади, ҳаммасининг устидан ғолиб чиқиб, ўз илмини намойиш қиласи ва шу вақтдан бошлаб унинг асарлари Туркия мадрасаларида ҳам ўқитила бошланади.

Тафтазоний асарларидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-қалом» («Мантиқ ва риториканинг тақиидий баёни»). Логика ва риторика илмларига оид бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, Шарқда катта шуҳрат қозонган. «Таҳзиб ал-мантиқ...»қа бир қанча шарҳлар ёзилган. Бунга мисол қилиб Тафтазонийнинг эвараси Аҳмад ибн Яҳё (882/1477—1478 йили), Жалолуддин Муҳаммад ад-Давроний (вафоти 907/1501 йили), Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Исфароний (вафоти 944/1537 йили), Юсуф ал-Қаробоғий (вафоти 1055/1645

йили) лар томонидан ёзилган шарҳларни кўрсатиш мумкин. Тафтазонийнинг бу асари ва унга ёзилган шарҳларнинг бир неча қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

2. «Иршод ал-ҳодий» («Ягона қўлланма»). Бу грамматикага оид асар бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир.

3. «Ат-Таркиб ал-жалил» («Муҳим таркиб»). Бу асар ҳам грамматикага оид бўлса керак.

4. «Таркиб ғариб ва тартиб ажиб» («Ғаройиб таркиб ва ажойиб тартиб»).

5. «Шарҳ» Талхис ал-мифтоҳ» («Талхис ал-мифтоҳ» шарҳи). Бу Жалолуддин Маҳмуд ал-Қазвинийнинг (вафоти 739/1338—1339) «Талхис ал-мифтоҳ» («Илм қалидиининг қисқа баёни») номли риторика ва баёнга оид машҳур асарига ёзилган шарҳдир.

6. «Баҳс ал-муштарак» («Муштарак баҳс»), «Шарҳ «ар-рисола аш-шамсийя» («Шамсийя» рисоласи шарҳи). Бу Нажмуддин Умар ал-Қазвинийнинг (вафоти 693/1293—94 йили) мантиқ илмига оид «Шамсия» номли машҳур асарига ёзилган шарҳ бўлиб, Тафтазоний уни ҳижрий 762 йил жумод ал-охир (1360 йил апрель) ойида ёзиб тугатган.

7. «Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин» («Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари»).

8. «Шарҳ Ақоид ан-Насафий» («ан-Насафий Ақоиди» нинг шарҳи). Бу Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг (вафоти 537/1142 йил) «Ақоид ан-Насафий» номли ислом ақидаларига бағишиланган, Шарқда кенг тарқалган асарига ёзилган шарҳдир. Тафтазоний бу асарини 768 йили шаъbon (1367 йил апрель) ойида Хоразмда ёзиб тугатган. Шу шарҳ энг машҳур шарҳлардан бўлиб, мактаб ва мадрасаларда кенг кўламда ўқитилган. Бу шарҳга кейинчалик бир неча олимлар ҳошиялар ёзганлар. «Шарҳ Ақоид ан-Насафий»нинг 8 та қўл-ёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу асар тошбосмада нашр қилинган.

9. «Шарҳ «ал-Қашшоф» («ал-Қашшоф» шарҳи). Бу Абу-л-Қосим Замахшарийнинг «ал-Қашшоф» номли машҳур асарига ёзилган шарҳ бўлиб, Самарқандда 789/1387 йили ёзиб тугатилган. Буюк олим Замахшарий асарига ёзилган шарҳлар ичida энг мўътабари Тафтазонийнинг ана шу шарҳи ҳисобланади.

10. «Ат-Талвиҳ фи кашф ҳақоиқ ат-танқиҳ» («Тўғриланган ҳақиқатларни очиш учун изоҳлар»). Бу асар 758 йили зулқаъда (1367 йили ноябрь) ойида Туркистоннинг Гулистон деган жойида ёзилган.

11. Ҳадис илмига оид «Китоб ал-арбайн» («Қирқ китоб»).

12. «Китоб ал-фатовий ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳаби фатволари китоби»).

13. «Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр» («Сирларнинг кашф этилиши ва яхши кишилар қуроли»). Бу асар Қуръон тафсири бўлиб, форс тилида ёзилган. Тафтазонийнинг бошқа асарлари эса араб тилида ёзилган. Юқорида қайд этилганлардан ташқари Тафтазонийнинг яна бошқа бир неча олимларнинг асарларига ёзган шарҳлари ҳам мавжуддир³⁴.

АЛОУДДИН АЛИ ИБН ЯҲЕ САМАРҚАНДИЙ ҚАРОМОНИИ

Хожи Халфанинг «Кашф аз-зунун» китобида келтирган қисқа маълумотида айтилишича, бу олим 860/1456 йили вафот этган, Бухорийнинг шогирди бўлган. Олимнинг араб тилида ёзилган «Баҳр ал-улум фи-т-тафсир» («Тафсирда илмлар денгизи») номли асарини ёзишда Алоуддин тафсирга оид кўпгина китоблардан фойдаланган ва ўзидан анча фасиҳ ва фойдали нарсаларни қўшган. Бу китоб тўрт жилдан иборат бўлган.

КАБИР ИБН ҚАБИР ДИЗАҚИЙ САМАРҚАНДИЙ

XIV асрда яшаган қонуншунос олим. Шарқшунос Д. Г. Вороновский (1908 йил туғилган) бу олимнинг исми ҳақида гапириб, Қабир оти унинг отаси ва бобосидан ўтиб келиши, унинг бой табақадан келиб чиққанидан далолат беришини айтади. Эҳтимол, бу Мовароуннаҳрнинг мӯғуллар истилосигача бўлган

³⁴ Тафтазоний ҳақида қаранг: Ш. Сомий, Қомус ас-аълом, III жилд; К. Броккельман, Араб адабиёти тарихи, II жилд, 215-бет; СВР, III, № 1971—1972; СВР, IV, № 3268—3275; СВР, VI, № 4238, 4744—4752.

бирорта ҳукмроннинг лақабидир, деб ёзади у. Яна бу олимнинг кўрсатишича, Кабир иби Кабирнинг фаолияти Амир Темурнинг (771/1370—807/1404) тахтга чиқишидан олдинги даврга тўғри келади. Олим Мовароуннаҳр ҳукмдори Туглуқ Темур (748/1348—764/1362) ва унинг ўғли Илесхўжа иби Туғлуқ Темур (764/1362—791/1389) замонида ёки Темур ҳукмронлигининг илк давларида яшаган бўлиши ҳам мумкин³⁵.

Кабир иби Кабир Жиззахда туғилиб ўсган ва кейинчилик Самарқандда илмий фаолиятини давом эттирган бўлиши керак. Кабирнинг ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланашётган қўлёзмасининг биринчи бетида унинг исми Кабируддин деб кўрсатилган (инв. № 1544/II, 213-варақ).

Кабир иби Кабир асарларидан бизгача унинг «Фатово ал-Кабирий» («Кабирнинг фатволари») номли китоби етиб келган.

Асарда муаллиф ўзидан олдин ўтган бир қанча фиқҳ олимлари қитобларидан фойдаланган ва уларни зикр қилиб ўтган. Масалан, Аҳмад иби Муҳаммад иби Салома (вафоти 239/854) ёки Али иби Аҳмад иби Муҳаммад ат-Таҳовийнинг (вафоти 350/962) «Мухтасар ат-Таҳовий» (ат-Таҳовий қисқартмаси), Абу Лайс ас-Самарқандий, Умар иби Абдулазиз «Садр аш-Шаҳид» (вафоти 536/1141), Муҳаммад иби Юсуф ас-Самарқандий, Алоуддин Абу Бақр ал-Ҳасан ас-Самарқандий, ал-Қози ал-имом Заҳируддин Марғиноний (вафоти 600/1203 йил атрофи) ларнинг асарларидан мисоллар келтиради.

«Фатово ал-Қабирий» форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унда жуда кўп арабча парчалар, турли қитоблардан олинган мисоллар келтирилган. Бу фиқҳ илмига оид масалалар тўплами ҳисобланади. Асар сўз бошидан бошланиб, 30 та қитоб (боб)га бўлиниди. Биринчиси «Қитоб ат-таҳорат» («Таҳорат ҳақида қитоб»). охиргиси «Қитоб ал-васоё» («Васиятлар қитоби»).

«Фатово ал-Кабирий»нинг иккита котиб томонидан 795/1393 ва 1125/1713 йили кўчирилган нусхаси (инв. № 3185/III), 1055/1596 йили номаълум котиб томони-

³⁵ Собрание восточных рукописей, VIII, Ташкент, 1967, стр. 282—283.

дан кўчирилган нусхаси (инв. № 2574/III), Муҳаммад Котиб томонидан 1046/1636 йили кўчирилган нусхаси (инв. № 3132/II) ва тахминан XVII асрда кўчирилган қўлёзма (инв. № 1544/II)лар ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу асарнинг бизга маълум бўлган бошқа кутубхоналарда мавжудлиги аниқланмади.

Кабир Самарқандийнинг «Масоил насири» («Ёрдам берувчи масалалар») номли китоби СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № 4047). Бу китоб ҳам мусулмон диний қонуншунослигининг бир қанча масалаларига багишланган бўлиб, 35 китоб (бўлим)дан иборат. Асар Самарқандда ёзилган. Эҳтимол, бу «Фатово ал-Кабирий» нинг ўзга ном билан аталган нусхасидир.

ФИЁСУДДИН ЖАМШИД

Асли кошонлик (Эрон) бўлиб, кейинчалик Самарқандга келиб турғун бўлиб қолган. Фиёсуддин Жамшид ибн Масъуд ал-Қоший, академик Қори-Ниёзийнинг айтишича, Улуғбек мактаби тарихида муҳим ўринни эгаллаган. Олим 1416 йилиёқ астрономияга оид асбоблар ҳақида рисола ёзган. Бу рисолада баён қилинган асбобларниң кўплари Улуғбек расадхонасида бўлган.

Математика, геометрия, тригонометрия, механика ва астрономия каби фанларни чуқур билган Фиёсуддин Жамшид Улуғбекнинг эътибори ва ҳурматига сазовор бўлган. Мирзо Улуғбек расадхонани қуришдан олдин бу масалада Мавлоно Муъинуддин Кошифий, Қозизода Румий ва Фиёсуддин Жамшидлар билан маслаҳатлашиб олган.

Самарқандда яшаб ижод этган ва Улуғбек расадхонасининг пешқадам астроном олими Фиёсуддин Жамшид қўйидаги асарларнинг муаллифидир:

1. «Зижи Хоқоний дар такмили зижи Илхоний» («Илхон зижини такомиллаштиришда Хоқон зижи»). Бу асар астрономия жадвалларини тузишда Марога расадхонасида Насируддин Тусий (597/1200—672/1274) раҳбарлигига тузилган жадвалларга асос қилиб олинган. Ишга асос қилиб олинган жадваллар Фиёсуддин Жамшид томонидан таққидий ўрганиб чиқилган, камчиликлари тузатилган ва фан соҳасида эришилган янги

маълумотлар билан бойитилган. Фиёсуддин Жамшиднинг форс-тожиқ тилида ёзилган «Зижи Хоқоний дар такмили зижи Илхоний» асари бизгача етиб келган.

2. «Рисола ал-муҳития» («Доира ҳақида рисола»). Бу асар араб тилида ёзилган.

3. «Суллом ас-самовот» («Осмонлар нарвони»). Араб тилида ёзилган бу асар осмон жисмларини ўлчаш масаласига бағишланган.

4. «Нузҳат ал-ҳадойиқ» («Боғлар сайри»). Бу асарда муаллиф Улуғбек расадхонаси учун ўзи ихтиро қилган астрономияга оид асбобларни шарҳлаган.

5. «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоб калити») 1427 йили ёзилган бўлиб, у арифметика ва алгебранинг мухим масалаларига бағишланган. Асарда бу масалаларга оид бир қанча мураккаб мисоллар очилган.

6. «Рисола ал-ватар ал-жайб» («Хорда ва синуслар ҳақида рисола»). Олимнинг бу сўнгги асарида ўз даврига нисбатан янги ҳисоблаш методлари берилган³⁶.

Фиёсуддин Жамшид мазкур илмий асарлари, мадраса ва расадхонада олиб борган амалий фаолияти билан Улуғбек даврида Самарқандда олиб борилган астрономияга оид илмий кузатишларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олим эди. У астрономик жадваллар битмасданоқ тақрибан XV асрнинг 30-йилларида вафоғ этди.

«Улуғбек мактабининг математик ишлари ҳақида» номли мақоланинг муаллифлари³⁷ Фиёсуддин Жамшид астроном бўлиш билан бир қаторда математика олими бўлган ва табобат илми билан ҳам шуғулланган деб маълумот берадилар.

Фиёсуддин Жамшиднинг ижоди В. В. Бартольд, Г. Жалолов, Т. Н. Қори-Ниёзий, Б. А. Розенфельд, А. П. Юшкевич, С. Ҳ. Сирожиддинов ва Г. П. Матвиевская каби олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, кейинги иккى олим Фиёсуддин Жамшиднинг «Мифтоҳ ал-ҳисоб» ва «Рисола фи муҳития» номли асарларининг

³⁶ Бу методлар академик Қори-Ниёзий томонидан «Астрономическая школа Улугбека» (М.—Л., 1950) номли асарнинг З-боб, З-параграфида ўрганилган. Бундан кейин асарнинг номи берилади.

³⁷ С. Ҳ. Сирожитдинов, Г. П. Матвиевская. О математических работах школы Улугбека. В кн. «Из истории эпохи Улугбека», Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1965, стр. 173—199. Бундан кейин мақоланинг номинигина келтирамиз, холосе.

арабчадан рус тилига қилингани таржимасини лозим бўлган изоҳлари билан оммалаштирганлар.

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ

Мирзо Улугбек даврида Самарқандда яшаб ижод этган бу олимнинг тўлиқ исми Мусо ибн Мавлоно Мұхаммад ибн Қози Маҳмуд бўлиб, ўз даврида ва ундан кейин ҳам Қозизода Румий номи билан шуҳрат қозонгани.

У тақрибан 1360 йил түғилган. Асти Бруssa (Кичик Осиё) шаҳаридан бўлган. Қозизода Румийнинг илмий фаолияти асосан Самарқандда ўтган. У Самарқандга ўз илмини такомиллаштириш учун келган. Темурнинг сарой олими Мавлоно Аҳмад унинг бу ердаги муаллими эди³⁸.

Қозизода Румий илмга бўлган муҳаббати ва садоқати билан Улугбек ҳурматига сазовор бўлган математик ва астроном олимлардан бири эди. Астроном олим Қозизода Румий Ғиёсуддин Жамшид вафотидан сўнг (тақрибан 1430 йил атрофлари) Самарқандда олиб борилгаётган астрономик кузатишларга бошчилик қилган. 1420 йили Улугбекнинг Самарқанддаги мадрасаси қурилиб битгач, Қозизода Румий шу мадрасада аниқ фанлардан астрономия бўйича биринчи мударрис қилиб тайинланади. Барча талабалар сингари Абдураҳмон Жомий, ҳатто Улугбек ҳам шу мадрасага келиб Қозизода Румийнинг дарсларини тинглаганларни ҳақида маълумотлар бор.

1424 йили Мирзо Улугбек Самарқандда расадхона қуриш ишига киришишдан олдин юқорида айтганимиздек, бу масалада самарқандлик йирик олимлар—Ғиёсуддин Жамшид, Мавлоно Муъинуддин Кошифий ва Қозизода Румийлар билан келишиб олади. Бу ҳол «Афлотуни замон» (Ўз даврининг Афлотуни) деб аталган Қозизода Румийнинг ўз замонаси билимларидан тўла фойдаланганлигини ва ўша давр олимлари томонидан тўла тақдирланганлигини кўрсатади.

Қозизода Румий мударрислик қилиш ва расадхонада астрономик кузатишлар олиб бориш билан бир қаторда ҳисоб ва юлдузлар илмига оид бир қанча илмий

³⁸ «О математических работах школы Улугбека», стр. 176.

рисолаларни ёзишга ҳам вақт топган. Қуйидаги асарлар унинг қаламига мансубдир:

1. «Рисола фи-л-ҳисоб» («Арифметикага оид рисола»). Бу рисолага номаълум муаллиф томонидан шарҳ ҳам ёзилган.

2. «Шарҳ мулаххас фил-ҳайъа» («Астрономия асосларига шарҳ»). Шарҳ қилинган асосий асарни Маҳмуд ибн Мұхаммад ибн Умар ал-Чағминий (745/1344 йили вафот этган) ёзган. Бу шарҳ астрономия фанини ўрганивчилар орасида кеңг тарқалган ва талабалар қўлида энг зарур қўлланма бўлиб қолган эди. Араб тилида ёзилган бу асарнинг бир қўллэзма нусхаси УзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 1341) сақланмоқда.

3. Шамсуддин Самарқандийнинг (қар.) «Ашкол аттаъсис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса илмида шакллар асоси») номли асарига шарҳ. Бу шарҳ 1851 ва 1857 йилларда Истамбулда икки марта нашр қилинган. Шарҳнинг ҳар иккала нашри ҳам Шарқшунослик институтида мавжуддир.

4. «Рисолат ал-жайб» («Синус ҳақида рисола»).

5. Ат-Тафтазонийнинг «Мифтоҳ ал-улум» («Илмлар қалити») номли асарига ёзилган батафсил шарҳ.

Қозизода Румий Фиёсүддин Жамшиддан бир оз кейин, астрономик жадвалларни тузиш иши тугамасданоқ (яъни 1437 йилгача) вафот этди. Қозизода Румийнинг қадрдон дўсти ва касбдоши Улуғбек олимнинг қабрига мақбара қурдирган. Бу мақбара Самарқандда «Шоҳи Зинда»даги бир гуруҳ мақбаралар ёнидан жой олган³⁹.

УЛУҒБЕК

Мұхаммад Тарағой (Улугбек) машҳур давлат арбоби ва буюк олим эди. Академик В. В. Бартольд (1869—1930) Улугбекка баҳо берар экан, тахт эгаси бўлган олим, мусулмон дунёси унгача бундай кишини кўрмаган, деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам Улугбек халқ бошига турли-туман мусибатларни келтирувчи, инсонлар қўли билан неча ўн йиллар давомида яратилган фан

³⁹ История Узбекской ССР. I жилд, 472—473-бетлар; Астрономическая школа Улугбека, стр. 54, 60, 94, 96, 97, 152, 154.

ва маданият ўчоқларини хароб қилувчи талон-торождан иборат бўлган урушлардан кўра, халқнинг нисбатан тинч яшаши, унинг илм-матърифатининг ошиши, фан ва маданият тараққиётини кўзлагаш давлат арбоби ва буюк олим эди.

Улуғбек ҳижрий 796 йили 19 жумод ал-увло (1394 йили 22 март)да туғилди. Отаси Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо эди. Улуғбек Темурнинг барча ўғиллари ва набиралари каби ёшлигидан илм ўрганади. Уч ёшлик Улуғбекни тарбия қилиш учун машҳур олим ва шоир, бирмунча асарларнинг муаллифи Шайх Ориф Озарий тайинланган эди. У Улуғбек билан тўрт йилга яқин бирга бўлиб, уни тарбиялади, ўқитди. Улуғбек ўзининг бу биринчи ўқитувчисини шундай эсила сақлаб қолган эдик, 46 йилдан кейин Исфароинда сайёр дарвиш кийимида юрган устозини бемалол танийди. Улуғбек билан ҳамкорлик қилган улуг астроном олимлар Қозизода Румий (қар.) ва Фиёсуддин Жамшид (қар.) лар ҳам унинг устозларида бўлганлар.

Улуғбек 1427 йилдан сўнг ҳарбий ишлар билан шуғулланмай, бутунлай илмга берилиб кетди. 820/1417—823/1420 йиллар мобайнида Самарқандла қурилган Улуғбек мадрасаси биринчи маданият ўчоғи бўлди. Унда диний фанлардан ташқари дунёвий фанлар ҳам ўқитила бошланди. Юқорида айтганимиздек, Улуғбек бу мадрасага астрономия фанидан биринчи ўқитувчи қилиб Қозизода Румийни тайинлаган эди. Уша вақтларда Самарқандла яшаган Абдураззок Самарқандий (қар.) Регистонда Улуғбек мадрасаси ёнида Улуғбек томонидан хонақоҳ қурдирилганligини ёзди. Бобир эса мадраса билан хонақоҳдан жануброқда Улуғбек масжид ҳам қурдирилганligини ёзди. Баъзи бир олимларнинг фикрича, Улуғбек расадхонаси қурилгунгача юлдузларни кузатиш иши шу хонақоҳ ва масжидда олиб борилган.

XV асрда Мовароуннаҳрда фан тараққиётининг маркази бўлган Улуғбек расадхонаси Улуғбек бошлигига Қозизода Румий, Фиёсуддин Жамшид, Муъиннуддин Кошифий, Али Қушчи (қар.) ва Саъид Имодуддин каби астроном ва математик олимларнинг маслаҳати ҳамда бевосита иштирокида Куҳак деган тепалик устига қурилади. Бу расадхонада бизнинг давримизгача ўз илмий қимматини сақлаб келаётган, ўз даврига

нисбатан ажойиб «мўъжиза» хисобланган «Юлдузлар жадвали» яратилди. «Зижи Кўрагоний» ёки «Зижи Улуғбек» деб аталган бу жадвалда 1018 та юлдузлар ўрни кўрсатилган. Бу асарнинг битта қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 2214).

«Юлдузлар жадвали» кириш ва асосий қисм-жадваллардан иборат. Кириш ўз навбатида тўрт қисмга бўлинади. Биринчи қисм турли Шарқ халқлари томонидан қабул қилинган йил ҳисобига, иккинчиси — амалий астрономия масалалариiga, учничиси — сайёralар назариясининг баёнига ва унча катта бўлмаган тўртичиси — астрономияга багишланган. Улуғбекнинг бу жадвали 1665 йили Оксфордда (Англия,) 1767 ва 1843 йиллари Лондонда, 1853 йили Парижда, 1917 йили Америкада нашр этилган. Улугбек географик жадваллар ҳам тузган бўлиб, 1652 йили Лондонда Насируддин Тусийнинг географик жадваллари билан бирга нашр этилган.

«Зижи Улуғбек» муаллиф яшаган даврдаёқ Шарқ астроном олимлари ўртасида кенг тарқалган машҳур ва мақбул асар эди. Бу «Зиж»ни астроном олимлар ўрганибгина қолмай, ундан фойдаланишни енгиллаштириш ва бошқа соҳа олимлариiga ҳам тушунарли бўлсин учун унга шарҳлар ёзганлар. Шундай шарҳлардан бирини Али Қушчи (қар.), иккинчисини эса Абдуали ибн Муҳаммад Биржандий (қар.) ёзган. Ўз даврининг истеъоддли астрономи бўлган Биржандий форс-тожик тилида ёзилган бу асарига «Шарҳи «Зижи Кўрагоний» («Кўрагоний зижи»га шарҳ) деб ном берган. Бу шарҳнинг 929/1522 йили муаллиф томонидан ёзилган ва бир қанча шакллар чизилган ноёб дастхат нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 704).

Улугбек «Зиж»ининг муваффақиятли чиқишидаги асосий омиллардан бири Самарқанд расадхонаси ва ундаги астрономик асбоблар эди. Бу масаланинг таҳсинга сазовор ўринларидан бири шуки, «Юлдузлар жадвали»ни тузиш учун дастлаб муаллифининг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Самарқанд расадхонаси қурилди, сўнг унга асбоблар ишланди ва ниҳоят кузатишлар олиб борилди. «Зиж»нинг ёзилишгача бўлган ана шу мashaқатли ва фахрли йўлни босиб ўтиш жараёнида Улугбек астрономия мактаби вужудга келди.

Бу мактаб кўплаб истеъдолли астроном ва математикларни етиштириди. Унинг таъсирида Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ҳиндистонда расадхоналар бино қилинди. Үларда астрономик кузатишлар олиб борилди ва кузатишлар самараси ўлароқ янги илмий асарлар яратилди.

Улугбек астрономиядан ташқари геометрия, тригонометрия ва математика билан шуғулланган. У ўзининг илмий текшириш ишларида ўз билими ва кузатишларига асосланиб қолмай, Афлотун, Арасту каби юони олимлари, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий ва шуларга ўхшаш ўзидан олдин ўрганишда Берунийнинг «Қонуни Маъудий» асаридаи фойдаланган. Улугбек аниқ фанларни ўрганиш ва уларга ҳомийлик қилиш билан чегараланиб қолмай тарих, адабиёт, мусиқа ва шеърнот билан ҳам қизиққан, шеърлар ёзган⁴⁰, мусиқашунос сифатида янги кўйлар яратган, шоир ва ёзувчиларга ҳомийлик қилиш йўли билан ўзбек ва тоҷик классик адабиёти тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган⁴¹. Улугбек Ўрта Осиё халқлари тарихига оид «Улус арбаайи чингизий» номли асарнинг ҳам муаллифидир. Бу асарнинг Британия музейида сақланаётган қисқартма бир қўллэзма нусхасини полковник Мейлс 1838 йили Лондонда «Шажарат ат-турк» номи билан инглиз тилига таржима қилиб нашр қилдирган.

Улугбек Мовароуннаҳрда, айниқса, Самарқандда соғлиқни сақлаш ишларини ва табиблар фаолиятини яхшилашда анча иш қилган. Маҳаллий табиблардан ташқари, Самарқандга хорижий Шарқ мамлакатларидан, чунончи, Эрондан келган Бурҳонуддин Нафис ибн Эваз ал-Кирмоний (қар.) кабиларга ўз билимларини орттириш ва ижод этишлари учун шароит яратиб берган. Натижада Кирмоний бир қанча тиббий асарлар ёзди ва уларни Улугбекка тақдим этди.

Улугбек Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида ҳам ободончилик ишларига катта аҳа-

⁴⁰ А. Навоий, Мажолисун нафонс (танқидий матни), Тошкент, 1961, 199-бет.

⁴¹ Бу ҳақда қаранг: Э. Р. Рустамов, Узбекская поэзия в первой половине XV в., М., 1963, стр. 29—35.

мият берди. Темур даврида қурила бошлаган, аммо битмай қолган Шоҳи Зинда ва Гўри Амир каби иморатлар Улугбек даврида битказилди. Шаҳарда ажойиб болгар барпо қилинди. Бобирниң «Бобирнома» асарида ёзилишича, Улугбек замонида бунёд қилинган, Боги майдон деб аталувчи боғ Темурниң Боги дилкушо деб аталувчи боғидан афзал бўлган. Бобир Улугбекниң Куҳак тепалигида барпо этган «Чиннихона» номли чиройли ва хушҳаво богини ҳам мақтайди. Улугбек Самарқандда булардан ташқари кўприклар, карвон саройлар, бозорлар, ҳаммомлар қурдирган.

Ҳаётининг кўп қисмини мамлакат ободончилиги, ҳалқ фаровонлигини ошириш, илм-маърифатни кенг йўлга қўйиш ишига сарф қилган Улугбек ҳалқ оммаси орасида катта ҳурматга, муҳаббатга сазовор бўлган бўлса, сарой аҳли, дин пешволари ва талон-торож эвазига мол-мулк ортиришга, ҳаром томоққа ўрганиб қолган амирлар наздида эса бундай юксак эътиборга эга бўла олмади.

Аксинча, бу қора кучлар — жоҳиллар ҳалқпарвар ҳукмрон, таҳт устидаги олим — Улугбекни ўзларининг ашаддий душманлари бўлмиш меҳнаткаш ҳалққа, уининг орзу-умидларига яқин деб билдилар. Шунинг учун ҳам жаҳолат қурбонлари тил бириктириб падаркуш Абдуллатиф бошчилигида 853/1449 йили тақрибан октябрь ойларида улуғ ўзбек олими ва давлат арбоби Улугбек жонига қасд қилиб, уни фожиали ҳалок этдилар.

Улугбек ўлимидаи сўнг мадраса ва расадхонада олиб борилаётган таълим-тарбия ва илмий текшириш ишлари бирмунча оқсаб қолди. Мутаассиб руҳонийлар, жоҳил амирлар дунёвий фанларга, ҳақиқий маърифатга қарши курашларини тўхтатмадилар, аксинча, мадраса ва расадхонада ишлаб турган олимларни, Улугбекниң дўстлари ва шогирдларини таъқиб остига олдилар.

XVI асрниң бошларида феодал урушлар натижасида Мовароуннаҳрда ҳокимият Темурийлардан Шайбонийлар қўлига ўтгач, мамлакат хўжалигига, фан ва маданият тараққиётига яна путур етди. Расадхона молдий ва мъянавий ёрдамсиз қолди, ҳатто 1501 йили мутаассиб руҳонийлар уни қасдан бузиб ташламоқчи бўладилар. Улар машъум ниятларига қисман етган бўл-

салар хам, тарих тараққиётiga ғов бўла олмадилар. Самарқандда фан ва маданият олға қараб тараққий этаверди. Гоҳ барқ уриб гулласа, гоҳида сусайди, аммо ҳеч тўхтамади.

50 йилдан кўпроқ вақт бўлдиким, Самарқандда фан ва маданият кундан-кунга ўсмоқда ва ривожланмоқда. Бу баҳти кунларга ета олмаган Улугбек каби Самарқанднинг ўтмиш олимлари эндиликда совет давридаги Самарқанд олимлари билан ўз илмий асарлари воситасида ҳамкор бўлмоқдалар. Улар ўзлари ёзиб қолдирган илмий асарлари орқали 2500 ёшга кирган қадим ва навқирон Самарқанд фани ва маданияти ҳақида ҳикоя қўлмоқдалар⁴².

АЛИ ҚУШЧИ

Бу машҳур астроном олимнинг тўлиқ исми Алоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи бўлган. Али Қушчи 1404 йили Самарқандда туғилган. Унинг отаси Мулло Муҳаммад темурийлар хонадонига яқин бўлиб, кўп вақт Шоҳруҳ (1409—1447) саройида хизмат қилган. У ов қушларига қарайдиган ходимларга бошлиқ эди. Али қушчи отаси сингари ёшлигидан овга қизиқади, Улугбекнинг қарчигайларини тарбия қиласди ва ниҳоят моҳир овчи бўлиб етишади. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Қушчининг ўғли Али «Қушчи» деган лақаб билан шуҳрат топган. Али Қушчи қуш боқиш ва ов қилиш билан чегараланиб қолмади. Унинг Улугбек саройида ҳалол хизмат қилиши, илм-фанга бўлган ихлоси Улугбекда Алига нисбатан муҳаббат уйғотди. Бу муҳаббат шу даражада кучли бўлган эдики, Улугбек Алини «ўғлим» деб атар ва унинг илм олишида ва олим бўлиб камолотга етишида оталик вазифасини ўтаган эди.

⁴² Муфассал маълумот олиш учун қаранг Т. Н. Кары-Ниязов, Астрономическая школа Улугбека, М.—Л., 1950; Из истории эпохи Улугбека, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1965. Бу тўпламга қўйидаги мақолалар киритилган: Б. А. Ахмедов, Улугбек и политическая жизнь Мавараунахра XV в.; Т. Н. Кары-Ниязов, Улугбек—великий астроном XV в.; Д. Г. Вороновский, Астрономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Хаваразми до Улугбека и его школы (IX—XVI вв.); С. Х. Сиражитдинов, Г. П. Матвиевская, О математических работах школы Улугбека.

Али Қушчи Улуғбек мадрасасида толиби илмлик давридаёқ диний илмлардан дунёвий фанларнинг ағзал эканлигини тушунди. Шу сабабдан у буюк ўзбек олимлари Мұхаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби илм осмонининг юлдузлари яратган асарларни, астрономия, математика ва табобатга оид китобларни қунт билан ўқиди, ўрганди. У Самарқанд мадрасасида Қозизода Румий (қар.), Ғиёсүддин Жамшид (қар.), Улуғбек, Мұхаммад Ҳавофий сингари машҳур олимлардан дарс олди.

Али Қушчи Самарқанд мадрасасини битиргач, Улуғбекнинг рухсати билан бир неча йил Эроннинг Кирмон вилоятида истиқомат қилди ва ижод этди. Бу ерлаги олимлар ва шоирларнинг илмий мажлисларида иштирок этди, кўпгина китобларни мутолаа қилди, шарҳлар ва мустақил асарлар ёзди. Жумладан, Али Қушчи у ерда Насируддин Тусийнинг «Тажрид» номли асарига шарҳ ва «Рисолайи ашкол ал-қамар» («Ойнинг шакллари ҳақида рисола») номли асарини ёзди. Мазкур «Тажрид»га ёзилган шарҳнинг бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 5896/1).

Али Қушчи табиб ҳам эди ва табобатга оид «ал-Муъжиз фи-т-тибб» («Табобатнинг қисқа баёни») номли асар ёзган.

Улуғбек расадхонасини қуришда ва унда олиб борилган кейинги кузатиш ишларида Али Қушчи фаол иштирок этди. Қуҳак тепалигига қурилаётган расадхонанинг томи ёпилмасданоқ Қозизода Румий, орадан кўп ўтмай Ғиёсүддин Жамшид вафот этди. Бу ҳол Али Қушчи ва унинг устози Улуғбек учун оғир жудолик бўлди. Шу даврдан бошлаб расадхонани қуриш ва уни зарур кузатиш асбоблари билан жиҳозлаш каби барча ишлар Улуғбекнинг зиммасига тушди. Али Қушчи бу ишда ҳам устози Улуғбекнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолди.

Расадхона битгач, у жой катта бир илм ўчоги ва тажриба майдонига айланди. Унда 100 дан ортиқ илм аҳллари астрономия ва математика каби аниқ фанларни ўрганиш билан банд бўлдилар. Бу олимлар расадхона ҳузуридаги икки катта кутубхона (бири расадхонага қарашли, иккинчиси—Улуғбекнинг шахсий мулки) дан

Бемалол фойдаланар әдилар. Улуғбек расадхонаси Үрта Осиёда астрономия фанининг ривожтанишига жула катта ҳисса қўшди.

1451 йили бир вақтлар Улугбек тарбиясида бўлган Темурийлардан Султон Абу Саид Самарқанд таҳтини эгаллади. У Улуғбекнинг яқинларига, жумладан, Али Қушчиға ҳам ҳомийлик қилди. Бу даврда Самарқанддаги маданий ҳаёт бирмунча тартибга келди. Шу даврда Али Қушчи Насируддин Тусийнинг «Тажрид» номли китобига илгари ёзган шарҳини туғатиб, Султон Абу Саидга тақдим қилди.

Абу Саид ўлимидан сўнг (1469) реакция ва хурофот янада кучлироқ бош кўтаради. «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» китобида муаллифнинг ёзишича, кунлардан бир куни Али Қушчи 9 та шогирди ҳамроҳлигига Хўжа Аҳорор ҳузурига келаётганида, уни узоқдан кўрган Хўжа Аҳорор ўз ҳузуридагиларга шундай деган экан: «Ана, ит 9 та итваччаси билан мен томон келаяпти». Дўстлари ва ҳомийларидан ажраган кекса олим Али Қушчи бундай шароитга бардош беролмай ўз ватанини тарк этиб, ўзга әлларга кетишга мажбур бўлган. У 1471 йили кўптина қариндош-уруглари ва Самарқандда ёзилган асарларнинг анча қисмини олиб, ҳаж қилиш баҳонасида Самарқанддан Табризга қараб йўл олади ва Оққуюнлилар сулоласидан бўлган Узун Ҳасан (857/1453—883/1479) ҳузурига боради. Олимни бу ерда зўр ҳурмат билан қарши оладилар. Али Қушчи икки йил чамаси Узун Ҳасан ҳузурида бўлгач, уни Туркия султони Мұҳаммад Фотиҳ (855/1457—886/1481—82) Истамбулга таклиф қиласиди. Олим Узун Ҳасаннинг розилиги билан 1472 йили Султон Мұҳаммад Фотиҳ ҳузурига — Истамбулга боради ва Аё Сўфия мадрасасида бош мударрислик қиласиди. Али Қушчи Истамбулда З йилча яшаб, 1474 йили 71 ёшида вафот этади.

Али Қушчи 30 га яқин илмий асарлар ёзган бўлиб, кўпчилиги шу кунгача жаҳондаги турли қўллэзма фонdlарида сақланиб келмоқда. Жумладан, «Рисола фи ҳалл ашкол ал-қамар» («Ой шаклларининг таҳлили ҳақида рисола»). Олим бу асарини Кермон шаҳрида ёзган бўлиб, Самарқандга қайтгач, Улугбекка тақдим қилган. Улуғбек бу асарни ўқиб чиқиб, Али Қушчининг билимига ва қобилиятига таҳсин ўқиган.

Олимнинг «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономия илми ҳақида рисола») асари форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унинг бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда (инв. № 3356). «Рисола дар илми ҳайъат» Абдулла Афанди (1571 йили вафот этган) томонидан турк тилига таржима қилинган.

Олим «Рисолайи фатҳия» («Фалаба рисоласи») асарида турли воқеалар, жумладан, Муҳаммад Фотиҳнинг 1472 йили Узун Ҳасан билан қилган жашги ва унинг устидан қозонгани ғалабасини шарҳлайди. Бу рисолага машҳур турк олими Мирам Чалабий шарҳ ёзган.

«Рисолайи Муҳаммадия» («Муҳаммад рисоласи») фэрс-тожик тилида ёзилган рисола бўлиб, ҳинд математикаси ва астрономиясига багишиланган. Бу асарни Али Қушчи араб тилига таржима қилган. Олим бу асарини Самарқандда ёзгац ва Истамбулда бўлган вақтида уни Муҳаммад Фотиҳга тақдим қилган. Рисоланинг форсча бир қўллётмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда (инв. № 3356).

Али Қушчи тарих, география, маданият ва фан тарихига оид бир қаинча асарлар ёзган бўлиб, улардан баъзиларини келтирамиз. «Тарихи хоқони Чин» («Чин хоқонининг тарихи») асарида XV асрда Темурйлар давлатининг қўшни Шарқ мамлакатлари, айниқса, Хитой билан маданий ва иқтисодий-сиёсий муносабатлариниң кенгайтириш йўлида олиб борган ишлари ҳикоя қилинади. Асарда Хитойга бориб келиш йўлидаги мамлакатларининг географияси, тарихи ва халқининг ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Мазкур асар XVI асрнинг охиrlарида турк тилига номаълум таржимон томонидан таржима қилинган. Унинг иккичи тўла бўлмаган туркча таржимаси 1863 йили Истамбулда нашр қилинган. Бу асарнинг айрим қисмлари 1851 йили Флишер томонидан немис тилида, 1876 йили эса Зенгер томонидан француз тилида нашр этилган.

Али Қушчининг «Маҳбуб ал-ҳамоъил фи кашф ал-масоъил» («Масалаларни ечишда қўлланиладиган мақбул ён дафтари») номли асарида 20 га яқин фанлар (астрономия, математика, фалсафа, тарих, география, грамматика, стилистика, тафсир, ахлоқ ва шунга ўхшаш) нинг моҳияти кўрсатилган. Айтишларича, Али Қушчи бу асарини ҳамма вақт ўзи билан бирга олиб

юрган. Булардан ташқари, олимнинг ўз давридаги фанларнинг таснифи ҳақида «Рисола фи- мавзуот ал-улум» («Илмларнинг мавзулари ҳақида рисола») номли асарни ёзганлиги ҳам маълум.

Кўпгина мустақил асарлар ёзган Али Қушчи замонасидаги олимларнинг асарларини чуқур ўрганди, уларга эргашди ва шарҳлар ёзди. Масалан, унинг Улуғбекнинг «Зижи Улуғбек», Насируддин Тусийнинг «Зижи Элхоний» ва Қутбуддин Шерозийнинг «Тұхфат аш-шоҳия фи-л-ҳайъат» номли астрономия ва математикага оид асарларига, шунингдек, Насируддин Тусий, Тафтазоний (қар.) ва Қози Азуддинларнинг фалсафа, ҳуқуқ ва тиљшуносликка оид асарларига ёзган шарҳлари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, Али Қушчи XV асрда Самарқандда туғилиб камол топган, илмий асарларини араб ва форс-тожик тилларида ёзган буюк олимдир. У астрономия, математика, география, геометрия, фалсафа, тарих ва тил каби фанларни мукаммал эгаллаган устоз ва бу фанларни ўрганишни тарғиб ва ташвиқ қилган маърифатпарвар мутафаккир ва зиёли киши эди.

Али Қушчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига қизиқиш ва уни ўрганиш иши кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида олим ҳаёти ва ижодига оид манбаларни жамлаш ва уларни тадқиқ қилиш иши бошланганига анча вақт бўлди⁴³. Академик Иброҳим Мўминов яқинда фан тарихи билан шуғулланувчи олимлар, астрономия ва фалсафа фани мутахассисларини кўп вақтлардан бери қизиқтириб келган Али Қушчи «Астрономияга оид рисола»нинг ўзбекча таржимасини кириш ва изоҳлари билан нашр эттирди⁴⁴.

⁴³ Али Қушчи ҳаёти ва ижоди ҳақида қаранг: «Ислом энциклопедияси» (инглиз тилида), янги нашри, VII жилд, 393-бет; К. Брокельман, Араб адабиёти тарихи, I жилд, 509; II ж. 208, 212, 234; Қўшимча II жилд, 329-бет; СВР, IV, 3309, 3310, 3311; История Узбекской ССР, I ж., 473 ва 488-бетлар; Т. Н. Карайонязов, Астрономическая школа Улугбека, стр. 54, 95—96; А. Носиров. Али Қушчи, Тошкент, 1964; «О математических работах школы Улугбека», стр. 173—199.

⁴⁴ Али Қушчи. Астрономияга оид рисола, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов томонидан таҳрир этилган ва сўз боши, кириш мақола ёзилган, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1968.

БИРЖАНДИЙ

Улугбек мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан яна бири астроном ва математик Абдулали ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандий эди.

Биржандийнинг таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумотлар йўқ. Академик Т. Н. Қори-Ниёзийининг ёзишича, у Улугбек мактабининг намояндаларидан Муъинуддининг ўғли Мансур Кошийининг шогирди бўлган⁴⁵. Биржандийнинг илмий фаолияти унинг бизгача етиб келган илмий асарлари билан анча ойдилашган. У қўйидаги асарларининг муаллифидир.

1. «Шарҳ «Зижи Кўрагоний» («Кўрагоний зижига шарҳ»). Бу асар Улугбекниң астрономия жадвалига ёзилган мукаммал шарҳ бўлиб, Биржандий уни 929/1522 йили форс-тожик тилида ёзган. Бу шарҳнинг Биржандий ўз қўли билан ёзган, кўпгина шакллар чизилган дастхат қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 704.)

2. Қозизода Румийининг (қар.) «Чагминий астрономик рисоласи»га ёзган шарҳларини изоҳлаган. Бу асарнинг бир қанча қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, жумладан, бир нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтиниң Ленинград бўлимида сақланмоқда (№ 126,2°).

3. «Шарҳ «ат-Таҳрир Мажастий» («Мажастий таҳрири»га шарҳ). Биржандий бу шарҳининг кириш қисмида ёзишича, Батлимусининг (милодгача бўлган II асрнинг биринчи ярми) «Мажастий» номли асарини Насируддин Тусий (672/1274 вафот этган) «Таҳрир ал-Мажастий» номи билан араб тилида баён қилган. Бу таҳрирда ва унга Низомуддин ал-Ҳасан ан-Нисобурий (Нишопурий)нинг ёзган шарҳида кўпгина изоҳ талаб сирли, қоронғи истилоҳ ва иборалар борлиги учун Биржандий уни қайта шарҳ қилган. Араб тилида қилинган Биржандий шарҳининг бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 464).

4. «Шарҳи китоби бист боби устурлоб дар маърифати аъмол устурлоб» («Устурлоб ишларини билиш ҳақида 20 бобли устурлоб китобига шарҳ»). Биржан-

⁴⁵ «Астрономическая школа Улугбека», стр. 54, 96—97.

дий бу асарида устурлоб (астролябия) ни батафсил шарҳлайди ва уни астрономиянинг турли масалаларига қўллаш лозимлиги баён этилган. Бу асар бир неча қўллэзма нусхада бизгача етиб келган бўлиб, улардан бири ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 1854).

5. «Рисола дар маърифати тақвим» («Йил ҳисоби ҳақида рисола»). Бизгача етиб келган бу асар форс-тожик тилида ёзилган.

6. Тожик тилида астрономия ҳақида ёзилган рисоланинг ягона нусхаси Оксфордда сақланмоқда⁴⁶.

МУҲАММАД СОЛИҲ НИДОИИ САМАРҚАНДИЙ

Шоир ва олим. Таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Униш сўфиликка оид «Хужжат ал-анзор» («Назарлар ҳужжати») номли шеър билан ёзилган бир асари сақланиб қолган. Бу китобнинг XV асрда Навоий замондоши машҳур хаттот Мир Али Котиб томонидан Ҳиротда қўчирилган ажойиб ноңир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 346). Демак, Муҳаммад Солиҳ Нидоий XV асрда ёки ундан илгари яшаган.

«Қомус-ал-аълом»да ҳам бу шоир эслатилиб, қуйидаги бир байт шеъри келтирилган:

Жавру жафо макун, бикун меҳру вафо, нигори ман,
Ҳандайи худ мабин, бибин гирийи зор-зори ман
(Мазмуни: Эй нигорим, жабру жафо қилмагин, меҳру вафо
қилгин.
Ўзингнинг кулишиннга қарамай, менинг зор-зор йиғлашимга
боққин).

АБДУРРАЗЗОҚ ИБН ИСҲОҚ САМАРҚАНДИЙ

Асли самарқандлик машҳур сайёҳ, элчи ва тарихнавис олим. Абдурраззоқ Самарқандий 1413 йил

⁴⁶ Тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: «Астрономическая школа Улугбека», стр. 96, 97 и др; О математических работах школы Улугбека, 175; Астрономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Хаваразми до Улугбека, стр. 134; СВР, VI, № 4241.

7-ноябрда Ҳирот шаҳрида туғилган ва 1482 йили 69 ёшида шу шаҳарда вафот этган. Унинг отаси самарқандлик бўлган, ўзи ҳам Самарқандда бир қанча вақт яшагани учун ҳам ўзига «Самарқандий» деган нисбани қабул қилган. Абдурраззоқ Самарқандийнинг ёзиб қолдирган асарларидан маълум бўлишича, у тафсир, ҳадис ҳамда тарих ва тил-адабиёт фанларидан етарли маълумотга эга бўлган. 24 ёшигача отаси, сўнгра акаларининг қўлида тарбияланган. Абдурраззоқ Самарқандийнинг Жамолуддин ва Шараффуддин исмли акалари бўлиб, булардан биринчиси ўткир арабшунос олим, иккинчиси эса адаб ва кимёгар бўлган. Умумап олганда, Абдурраззоқ Самарқандий туғилиб ўсиан оила аъзолари XV асрдаги Ҳирот зиёлилари табақасига мансуб кишилардан бўлганлар.

Абдурраззоқ Самарқандий 24 ёшида Темурийлар саройига хизматга киради. Бу давргача у араб тилини ўрганиш билан банд эди. Шу машғулотининг якуни сифатида «Рисолайи Азудия» номли араб тили грамматикасига шарҳ ёзиб, уни Шоҳрухга багишлайди. Қандайдир бир муносабат билан бу шарҳ Шоҳрухга тақдим этилиш маросимида Абдурраззоқ Самарқандийнинг ўзи дебочани ўқиб беради. Дебоча Шоҳруҳга маъқул бўлгач, ўша мажлисдаги олимлар иштирокида яна ундан баъзи бир масалаларни сўраб, гўё имтиҳон қиласи ва ёш олимнинг билимига қониқиши ҳосил қиласи, уни сарой хизматига ўтишга даъват этади.

Абдурраззоқ Самарқандий Шоҳрух саройида «мулозимлик» қиласи даврида асосий машғулоти дипломатик ёзишмаларини олиб боришда қатнашиб, шахсан элчи сифатида хизмат қиласи. 1442 йили Шоҳрух Жанубий Ҳиндистонга элчилик тайинлайди ва бунга Абдурраззоқ Самарқандий бошчилик қиласи. Элчилик 1442 йилнинг 13 январида Ҳиротдан йўлга чиқиб, Эрон замини орқали Хурмуз бандари томон йўл олади. У бошчилик қиласи элчилик 1444 йилнинг 27 декабрида Ҳиндистон сафаридан Ҳиротга қайтиб келади. Эртаси куни Абдурраззоқ Самарқандий ва у билан бирга Ҳиндистондан келган элчилар Шоҳрух қабулида бўладилар. Бу маросимда Абдурраззоқ Самарқандий Ҳиндистонга қиласи сафарлари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Шоҳрух 1445 йили 25 марта Ҳиндистондан келган элчиларга ўз совға-саломларини топшириб, уларнинг Ҳиндистонга қайтишла-

ри учун рухсат беради ва яна ўзи тарафидан Насруллоҳ Жанобадийни Ҳиндистонга элчи қилиб юборади.

Абдурраззоқ Самарқандий сафардан кейин ҳам музозимлик қилишда давом этади. Ў ҳаётининг кейинги даврларида Абу-л-Қосим Бобир саройида ҳам хизмат қилади. Абу-л-Қосимнинг 1453 йили Мозандаронга, сўнгра 1454 йили Самарқандга қилган юришларида қатнашади. Самарқандга қилинган юриш Абу-л-Қосим ва Мовароунаҳр ҳукмрони Абу Сайд ўртасида сулҳ тузилиши билан тугайди. Бу юришда самарқандлик лўстлари билан кўришиш имконига эга бўлган Абдурраззоқ Самарқандий Абу-л-Қосим билан Ҳиротга қайтади.

Абдурраззоқ Самарқандий 1463 йили 50 ёшида давлат ишларида қатнашишдан воз кечади ва Ҳиротдаги Шоҳрухия хонақоҳига шайхлик лавозимига тайинланади. Олимнинг давлат ишларидан воз кечиши унинг тинимсиз содир бўлиб турган сиёсий курашлар ва қонли юришлар натижасида обод қилинган ерларнинг харобаликка айланиши, халқнинг бошига қанчадан-қанча қайғу ва офат келтиришига бефарқ қараб тура олмаслиги оқибатидир.

Абдурраззоқ Самарқандий Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV—XV асрлардаги тарихига оид бой маълумотлари билан тарихшунослар орасида шуҳрат топган «Матлаъи ас-саъдайн ва мажмаъи ал-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки дентизнинг қўшилиши») номли йирик тарихий асарнинг муаллифиdir. Абдурраззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек шарқшунос олими Асомиддин Үринбоев томонидан бир неча йиллардан бери чуқур илмий тадқиқ қилинмоқда. Ҳозирча бу тадқиқотчи Абдурраззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва ижодига оид иккита асарни босмадан чиқарди⁴⁷.

БУРҲОНУДДИН НАФИС ИБН ЭВАЗ КИРМОНИЙ

Мирзо Улугбек даврида Самарқандга хорижий Шарқ мамлакатларидан бир қанча олимлар келиб, маҳаллий

⁴⁷ А. Үринбоев, Абдурраззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси, Тошкент, 1960; А. Үринбоев, Абдурраззоқ Самарқандий, Тошкент, 1965.

ҳамкасб дўстлари билан ҳамкорлик қилганлар. Табобат илмининг шундай намояндаларидан бири Бурҳонуддин Нафис ибн Эваз ҳаким ал-Кирмоний эди.

Фан ва маданият ҳомийси бўлган Улуғбек Эроннинг Кирмон шаҳридан бўлган Бурҳонуддин Нафис ибн Эвазни Самарқандга хизматга чақириради. Табиб оиласидан етишиб чиққан Бурҳонуддин Самарқандда ҳам табиблик касбини давом эттиради. У касалларни бевосита даволаш билан бир қаторда ўзи ҳам Ибн Сино ва Нажибуддин Самарқандий (қар.) сингари табибларининг ёзиб қолдиган асарларини ўқииди, ўрганади ҳамда ўз билимини шу китобларни мутолаа қилиш билан бойитади. Бурҳонуддин Нафис ибн Эваз бу билан чегараланиб қолмай, машҳур ўзбек табиби Нажибуддин Самарқандий (қар.)нинг «ал-Асбоб ва-л-аломат» («Касаллик сабаблари ва аломатлари») номли асарига «Шарҳ «ал-Асбоб ва-л-аломот» («Касаллик сабаблари ва аломатлари» шарҳи)» номли шарҳини ёзади. Самарқандда тугатилган бу шарҳни Бурҳонуддин 827/1424 йили Улуғбекка тақдим этади. Нафис ибн Эваз ёзган шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 2872) сақланмоқда. Нажибуддин Самарқандийнинг шарҳ қилинган асосий асари бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Аммо Бурҳонуддиннинг ана шу шарҳи туфайлигина «ал-Асбоб ва-л-аломот» номли асар ёзилганлигини биламиз. Бу жиҳатдан ҳам шарҳнинг аҳамияти буюkdir. Бурҳонуддин Нафис ибн Эвазнинг шарҳи услугуб жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Унда аввал шарҳ қилинаётган асарнинг матни кичик-кичик парчаларда келтирилган ва улар устига қизил чизик қўйилган. Ҳар бир келтирилган матн парчаси кетидан унинг шарҳи берилган.

Бурҳонуддин Нафис ибн Эвазнинг яна бир бизгача етиб келган ва ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақлананаётган (инв. № 3320, 7636) қўлёзма асари «Шарҳ «ал-Муъжаз» («Қисқартма»нинг шарҳи)» Шарқ табобати тарихини, айниқса, Ибн Синонинг ўзидан кейинги табибларга кўрсатган таъсирини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга.

Бурҳонуддиннинг бу асари Алоуддин Али Абу-л-Хазм ал-Қарший (696/1296 йили вафот этган) томонидан Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг қисқартмаси — «Муъжаз ал-қонун»га араб тилида ёзилган шарҳ бўлиб, у тўрт

қисмдан иборат. Биринчи қисми пазарий ва амалий табобат ҳақида. Иккинчи қисми оддий ва мураккаб дорилар ҳақида. Учинчи қисми бадан аъзоларининг айрим-айрим касалликларини аниқлаш ва даволаш ҳақида. Тўртинчи қисми бедан аъзоларининг барчасига умумий бўлган касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш ҳақида. Бурҳонуддиннинг ўз олдига қўйга вазифаси «Муъжаз ал-қонун»даги унча тушунарли бўлмаган ўринлари изоҳлашдан, шарҳлашдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам у асарни шарҳлашдан олдин Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» ва бошқа бир қанча эътиборли тиббий асарларини ўрганиб чиққан. Ҳожи Халфанинг ёзишича, «Муъжаз ал-қонун» шарҳларининг орасида мукаммали ана шу Бурҳонуддин тарафидан ёзилган шарҳdir⁴⁸.

Бурҳонуддин Нафис иби Эваз Ибн Сино «Тиб қонунлари» қисқартмасига ёзган бу шарҳини Улугбек ҳузурида — Самарқандда тутгатган ва 841/1438 йили май ойида дунёвий илмлар мухиби, олимлар ҳомийси Улугбекка багишлаган. Бу «шарҳ» муаллиф даврида ҳам, ундан кейин ҳам севиб ўқилган ва оммалаштирилган. Лакҳнав (1855 ва 1895 йиллари), Техрон (1855 ва 1886 йиллари) каби шаҳарларда тош босмада нашр эттирилган.

Бурҳонуддиннинг ҳаёти ва ижоди эндиғина ўрганилмоқда. Бу истеъододли олим ижодини чуқур ўрганиш, шарқ табобати тарихини ёритиш билан бир қаторда. Темурийларнинг, айниқса, Улуғбекнинг хорижий Шарқ мамлакатлари билан қандай маданий ва иқтисодий алоқада бўлганлигини билишда ҳам катта илмий аҳамиятга эга⁴⁹.

ҲОЖА ЖАЛОУДДИН ФАЗЛУЛЛОҲ АБУ-Л-ЛАЙСИЙ

Олим ва шоир, Алишер Навоийнинг устози. Навоий «Мажолис ун-нафсис»да ўз устози ҳақида шундай ёзали: «Самарқанд акобиридиндур. Фақиҳ Абу-л-Лайс авлодидиндир. Фиқҳда они Абу Ҳанифа соний дерлар эди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида туторлар эрди Саййид Шарифнинг шогирди эрди ва Саййид ўз хатлар била умуми дарс айтурга ижозатномалар анинг учун

⁴⁸ Ҳожи Ҳалфа, Қашф аз-зунун, VI жилд, 252-бет.

⁴⁹ Тўлароқ маълумот олиш учун қаранг; СВР, I, № 550.

битиб эрди. Фақир икки йил анинг қошида сабоқ ўқудум. Ончи илтифоти бор эдиким, фарзанд дер эрди. Бовужудким, Самарқанднинг аълам уламоси эрди. Шеър ва муаммоға доги мойил эрди. Бу матлаъ аларнинг дурким:

Қадди чун сарви ту жонаст маро балки равон,
Сўйм, эй сарв, равон шавки, фидо созам жон
(Сенинг сарвдай қаддинг мен учун жон, балки қондир,
Эй сарв, мен томонга келгин, мен сенга жонимни фидо қиласай).

Ва ҳоким отига бу муаммо анингдурким:

Чун биҳишт ояд ба фатҳ аз рўйи боғ,
Булбулаш гар гум шавад ёбад шикаст
(Богнинг кўринишидан кўз ўнгингда жаннат очилгандай бўлади,
Агар бу боғнинг булбули бўлмаса, унинг кўринишига шикаст
етади).

Хожа Самарқандда тангри таоло раҳматига борди ва ўз хонақоҳида жаддининг [бобосининг] кунбадида мадфунидур».

Улуғ Навоий берган бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий замонасиининг машҳур олими бўлиш билан бирга шоирликдан ҳам хабардор бўлган. Фалсафа, фиқҳ ва араб тили борасида Самарқанд олимларининг пешқадами ҳисобланган. Академик В. Абдуллаев Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий мадрасасида фақат Алишер Навоийгина эмас, балки Юсуф Анзижоний, Юсуф Сафоий, Ҳаримий Қаландар, марвлик Нодир, хоразмлик Бақоий, қундузлик Муҳаммад Бадаҳший каби неча ўнлаб шогирдлар бўлганини қайд қиласди⁵⁰.

Навоий эса Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий учун фақат шогирд эмас, балки энг яқин киши, фарзандек бўлган. Навоий Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсийда 1465—1467 йиллар орасида икки йил таълим олган. Фақат мадрасадагина таълим олмай, устозининг оиласи ҳам шоир учун тарбия макони бўлган, шоир кўп вақтини ана шу оиласада ўтказган. Бу яқинлик кейинчалик ҳам давом этган. Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсийнинг ўғиллари Хожа Ҳоқанд Абу-л-Лайсий ва Хожа Абу-л-Қосим Абу-л-Лайсийлар Ҳиротга бориб, Алишер Навоийнинг ҳимояси ва тарбиясида вояга етдилар.

⁵⁰ В. Абдуллаев, Навоий Самарқандда, Тошкент, 1968, 51-бет.

Хожа Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсийнинг қабри ҳозиргача Самарқандда халқ зиёратгоҳи бўлиб келмоқда⁵¹.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

Олимнинг тўла номи Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Фозий ас-Самарқандийдир. Унинг таржи-маи ҳоли ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, булар асосан унинг «Тазкират аш-шуаро» номли асаридан олишган маълумотлардир. Алишер Навонӣ «Мажолис аи-нафоис» номли асарида Давлатшоҳ ҳақида қисқача маълумот берниб, унинг бир байт шеърини ҳам келтирган.

Давлатшоҳ асли самарқандлик бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506) замонида Ҳиротда яшайди. Унинг отаси Бахтишоҳ ал-Фозий Шоҳрухнинг (1409—1447) амирларидан бўлиб, кўпгина урушларда қатнашгани ва баҳодирликлар кўрсатгани учун «ал-Фозий» лақабини олган. Тазкирада Давлатшоҳ ўз биродари амир Разиуддин Али ҳам султонларнинг энг яқин кишиси ва амирларидан, султон Абу-л-Қосим Бобирнинг яқин кишиси ва Муҳаммад Худойдоднинг амири бўлганини ёzádi.

Давлатшоҳнинг туғилган йили маълум бўлмаса ҳам, 50 ёшга кирганида «Тазкират аш-шуаро» асарини ёза бошлаганини асарда қайд қилиб ўтган. Тазкира 892/1486—87 йили ёзиб тутатилган. Агар муаллиф бу асарни ёзишга икки, уч йил сарфлаган бўлса, у тахминан 839—840/1436—1437 йиллари туғилган бўлиб чиқади. Давлатшоҳ Самарқандда ўқиб, машҳур олим ва шоир Фазлуллоҳ Самарқандийдан (қар.) таълим олади. У ўқимишли киши бўлиб етишишига қарамай, илм-фан билан фақат умрининг сўнгги йилларидагина шуғулланган. Давлатшоҳ ота-боболари каби сарой хизматига, ҳарбий ишларга жалб қилинади, Шоҳрух ва Ҳусайн Бойқаро олиб борган кўпгина урушларда қатнашади. У сўнгги марта Султон Ҳусайн билан Султон Маҳмуд (Абу Саиднинг ўғли) ўртасида Чакмансарой деган жойда бўлган жангда қатнашган. Хондамирнинг кўрсатишича, бу уруш 875/1471 йили содир бўлган⁵². Бундан

⁵¹ Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий ҳақида мукаммал маълумот олиш учун академик В. Абдуллаевнинг юқорида кўрсатилган китобига қаралсин.

⁵² Қаранг: Б. Аҳмедов, Давлатшоҳ Самарқандий, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967, 6-бет.

маълум бўлишича, Давлатшоҳ 1471 йилларгача ҳарбий иш билан банд бўлган. У 60 йилга яқин умр кўриб, 900/1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ умрининг кўпи ҳарбий хизматларда ўтиб кетганига ачинади. Шунинг учун умрининг охирида бутун амаллардан воз жекиб, деҳқончилик билан шуғулланади. У бўш вақтини тамоман илм-фаний ўрганишга, камолотини оширишга сарфлайди. Ана шундай ният билан илмга бел боғлаган олим ўзидан олдин ва ўз замонасида яшаган шоирларга оид материалларни тўплайди ва улар ҳақида форс-тожик тилида «Тазкират аш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») номли машҳур асарини ёзиб қолдиради. Бу тазкира «Тазкираи Давлатшоҳий» («Давлатшоҳ тазкираси») номи билан ҳам юритилади. Давлатшоҳ тазкирани ёзишда ўзидан олдин ўтган жуда кўп олимларнинг асарлари ва тазкираларидан фойдаланган.

«Тазкираи Давлатшоҳий» Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоийга багишлаб ёзилган. Тазкирада асосан IX—XIV асрларда яшаган 150 та шоир ҳақида маълумот берилиб, уларнинг шеърларидан парчалар келтирилган. Булардан тўққизтаси машҳур араб шоирларидан Лабид (VII асрда вафот этган), Абу Нувос (вафоти тахминан 814 й.), Абу Тайиб ал-Мутанаббий (вафоти 963 й.), Абу Аъю ал-Мааррий (973—1058) кабилардир. Қолган шоирлар форс-тожик ва ўзбек тилида ижод этгандар.

«Тазкират аш-шуаро» Шарқ олимларининг кўпчилигига хос бўлгаи усулга мансуб ўлароқ етти табақага⁵³ (бобга) ажратилган. Ҳар қайси табақага тахминан йигирматадан шоир ва бошқа шахслар киритилган. Асарининг бошида муқаддима берилиб, унда Давлатшоҳнинг шоирлик санъати, унинг фазилатлари ҳақида ёzáди ва юқорида айтиб ўтилган тўққизта араб адиллари ҳақида маълумот беради.

Тазкиранинг биринчи ва иккинчи табақалари Эрон ва Ўрта Осиёда X—XI асрларда яшаган 21 шоирнинг ҳаёти ва ижодига багишланган. Учинчи, тўртинчи ва бе-

⁵³ Шарқ олимлари ўртасида ўз асарларини «етти иқлим» (срнинг етти иқлимга бўлингани каби) ёки «етти табақа» (осмоннинг етти табақадан иборат бўлгани каби)га ажратниш одат туснiga киринб қолган.

шинчи табақаларида Хоразмшоҳлар (1077—1231), Элхонийлар (1258—1349) ва Музafferийлар (1315—1393) даврида яшаб ижод этган 53 шоир ҳақида маълумот берилган. Олтинчи ва еттинчи табақалар Темур ва Тимурийлар замонида ўтган 41 шоирга бағишиланган.

Тазкира хотимасида Давлатшоҳ билан замондош буюк шоирлар Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа яна тўртта шоир ҳақида сўз юритилади.

«Тазкират аш-шуаро» фақат шоирлар ҳақида маълумот беруб қолмай, унда муаллиф яшагаш замоннинг подшоҳ ва вазирлари, машҳур кишилари ҳамда XIV—XV асрларда Ўрта Осиё ва Хурросонда содир бўлган сиёсий воқеалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Тазкирадаги тарихий воқеаларга оид маълумотлар ичиде Эрондаги сарбадорлар ҳаракатига оид хабарлар, айниқса, мұхим аҳамиятга эгадир.

Давлатшоҳ ўз замонида юз берастган воқеалар ҳақида ёзар экан, замонидаги баъзи олим ва шоирларининг ҳақ гапни айтишдан қўрқиб, ҳоким табақаларга насиҳат қилишдан тилларини тийиб юрганликлари учун айблайди (Бомбай нашри, 423-бет; Деҳҳудо, «Луғатнома», «F» ҳарфи, 47-бет). Асарнинг бошқа бир жойида эса амалдорларнинг тошибагирлиги, мутакаббирлиги, қонхўрлиги, қиласиган иши мусулмонларнинг молига тамагирлик, ёлғон сўзлаш ва бўхтондан иборат эканидан шикоят қиласиди (Бомбай нашри, 291—292 ва 437-бетлар; «Луғатнома», «F» ҳарфи, 47-бет).

Шундай қилиб, «Тазкират аш-шуаро» фақат адабий асар бўлиб қолмай, мұхим тарихий манбадир. «Тазкират аш-шуаро» кўпдан бери Шарқ ва Еарбининг маданият ва адабиёт ихлоосманедларини ўзига жалб этиб келмоқда. Ундан кўплаб олимлар мұхим илмий манба сифатида фойдаланмоқдалар. Ўрта Осиё тарихи ва адабиётини ўрганишда бу тазкира атоҳида илмий қимматга эгадир.

«Тазкират аш-шуаро»нинг қўллэзмалари дунёнинг кўпгина кутубхоналарида сақланмоқда. Жумладан, ЎзССР ФА Шарқшуносилик институтида 11 та нусха бўлиб, 972/1565 йили Мунажжим ан-Нишопурӣ (инв. № 4352), 979/1571 йили Иброҳим ибн Ҳофиз Раҳимдол (инв. № 53), 983/1575—76 йили номаълум котиб (инв. № 5666), 988/1580 йили Муҳаммад Боқий Самарқандий (инв. № 2262) ва 1025/1616 йили Муҳаммад Муҳсин

ал-Ҳиравий томонидан (инв. № 2119) кўчирилган бу қўл-ёзмалар қадимийлиги ва чиройли безаклари билан катта аҳамиятга эгадир.

«Тазкират аш-шуаро»нинг тўла форсча матни тош босма ҳамда типография усули билан 1259/1843 йили Истамбулда, 1305/1887 йили Бомбайда, 1901 йили Лондонда ва 1958 йили Теҳронда босиб чиқарилди. Асардан олинган айрим парчалар турли мамлакатларда кўплаб нашр этилган. Тазкираининг тўла инглизча таржимаси 1900 йили машҳур инглиз олимни Эдуард Броун томонидан Лейденда нашр этилади. 1318/1900 йили Хивада Муҳаммад Рағиъ томонидан эски ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Бу қўлёзма тарзида ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 7016).

ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Б. Аҳмедов «Давлатшоҳ Самарқандий» номли китобчани нашр этирди (Тошкент, 1964). Асарда Давлатшоҳ ящаган давр, унинг таржимаи ҳоли ҳақида қисқача маълумотлар берилган ва «Тазкират аш-шуаро»даги адиблардан 35 таси ҳақида маълумотлар илова қилинган, холос. Бу катта (1958 йилги Теҳрон нашрида 569 бетдан иборат) асарни тўла илмий ўрганиш, ўзбек тилига таржима қилиш ва кенг китобхонлар оммасини таништириш олимларимиз олди-даги муҳим вазифадир⁵⁴.

РУҚНУДДИН МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ

«Қомус ал-аълом»нинг муаллифи Сомийнинг берган маълумотларига қараганда, Рукнуддин Самарқандий машҳур олим бўлиб, Ҳусайн Бойқаро замонида яшаган ва Ҳандак Қунуж шаҳрида қози ва имомлик қилган, ҳинд тилини яхши билган. Ҳинд браҳманларидан Баҳргир Браҳман Жўжий билан қилган баҳсларини ёзib қолдирган. Бундан ташқари Рукнуддин Самарқандий «Ҳавз ал-ҳаёт» («Ҳаёт ҳовузи») номли китобни ҳинд тилидан форс тилига таржима қилган. Сомий бу китобнинг

⁵⁴ Давлатшоҳ ва унинг тазкираси ҳақида қараинг: Алишер Навоий, Мажолисун нафоис, Тошкент, 1961, 171-бет; Сомий, Қомус ал-аълом, III ж., Истамбул, 1891, 2183-бет; Деҳхудо, Йуғатнома, «F» ҳарфи, 46—47-бетлар; Ислом энциклопедияси (инглиз тилида), 25-ж., 179-бет, СВР, I, № 292—300; СВР, V, № 3571—3577.

форс вилоят кутубхонасида 927-рақам билан мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Бу олим ҳақида бошқа маълумотларни учратмадик.

СОЛИМ САМАРҚАНДИЙ

«Қомус ал-аълом»даги маълумотларга қараганда, Солим Самарқандий XV асрда Самарқандда яшаб ижод этган машҳур олим ва шоир. Унинг қандай илмий асарларни ёзганлиги ҳозирча бизга маълум эмас. Солим Самарқандий Мирзо Улуғбекнинг суҳбатдоши ва ҳаммактаби бўлган.

Солим Самарқандий умрининг кейинги даврини Ҳиротда ўтказади. «Қомус ал-аълом»да келтирилган тушкунлик руҳида ёзилган бир байт шеърнинг мазмунига қараганда, олим Ҳиротдан Самарқандни афзал кўрган, баъзи бир сабабларга кўра Самарқанддан кетиб қолганлигини баҳтиқаролик деб ҳисоблайди; умрида мақсад шамъи бир марта ҳам унинг қоронғу тунини ёритмаганлигидан зорланади.

Улуғбекнинг ватандоши, ҳаммактаби ва ҳамсуҳбати бўлган Солим Самарқандийнинг ижоди ва ҳаётини ўрганиш Темурийлар давридаги Самарқанд фани ва маданияти тарихини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга. Бунинг учун эндиликда Солим Самарқандийнинг олим бўлганлигини исботлайдиган яна ҳам ишонарли далилларни топмоқ керак⁵⁵.

АБУ-Л-ҚОСИМ ИБН АБУ БАКР ЛАЙСИИ САМАРҚАНДИЙ

XV асринг иккинчи ярмида яшаган бу машҳур тилшунос ва адабнинг араб тилида ёзилган «Рисола фи-л-истиъора» («Истиора ҳақида рисола») номли китоби Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, унинг бешта қўллэзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. №№ 2434/1, 2979/IX, 4070/XII, 4070/XII). Абу-л-Қосимнинг бу асари 888/1483 йиллар атрофида ёзилган бўлиб, «ал-Истиъорот ас-Самарқанд-

⁵⁵ Солим Самарқандийнинг олим ва шоир бўлганлигини «Самарқанд — олимлар ва шоирлар шаҳри»да (25-бет) ҳам уқтириб ўтилган.

дийя» («Истиоралар ҳақида Самарқандий рисоласи») ёки «Фароид ал-фавоид ли-таҳқиқ маоний ал-истиъора» («Истиора маъноларини аниқлашда фойдалар дурлари») деб ҳам юритилади. У уч қисм — «иқд» (маржон) дан иборат бўлиб, ҳар бир «иқд» ўз иавбатида бир неча «фарида» (дурjlардан ташкил топган. Мазкур асарнинг битта нусхаси (инв. № 2434/I) 1227/1812 йили Бухоро амири Ҳайдар (1215/1800—1242/1826) учун тайёрланган.

Абу-л-Қосимнинг «Истиора ҳақида рисола» номли бу асари муаллиф яшаган даврда ҳам ва ундан сўнг ҳам севиб ўқилган, ўрганилган ва унга бир қанча тишлинос олим ва адиллар томонидан шарҳлар ёзилган. Жумладан, 944/1537 йили Самарқандда вафот этган Исомуддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ ал-Исфаровий «Шарҳ «ал-Истиорот ас-Самарқандий» («ас-Самарқандий истиоралари»га шарҳ) ва Мулла Муҳаммад Содиқ «Шарҳ «ар-Рисолат ас-Самарқандий» («ас-Самарқандий рисоласи»га шарҳ) номли араб тилида ёзилган асарлари адаб Абу-л-Қосим «Истисра»ларини шарҳлашга багишлангандир. Бу шарҳларнинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. №№ 1395/III—IV, 2434/III, 8949/X).

Абу-л-Қосим Самарқандийнинг «Рисола фи-л-истиор» номли асари ва унга ёзилган шарҳларнинг қўлёзмалари Шарқ ва Farb мамлакатларининг жуда кўп кутубхоналарида мавжуддир. Асар бир неча маротаба тош босмада ҳам нашр этилган.

МИРАМ ЧАЛАБИЙ

Улуғбекнинг ҳамкори ва содиқ ёрдамчиси машҳур астроном, Қозизода Румийнинг (қар.) набираси Маҳмуд ибн Муҳаммад — Мирам Чалабий деган ном билан фан оламида машҳур бўлган. Олим XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида яшаган. Бобосининг касбини эгаллаган Мирам Чалабий етук астроном бўлган ва бу соҳага оид асарлар ёзган. У Самарқанд расадхонасида ишлаган. Улуғбек астрономия мактабининг истеъдодли намояндларидан бири бўлган.

Қуйидаги қимматли асарлар Мирам Чалабийнинг қаламига мансубдир:

1. «Дастур ал-амал ва тасҳиҳ ал-жадвал» («Дастур ал-амал ва жадвалга тузатиш»). Бу форс-тожик тилида ёзилган асар Улугбек жадвалларига ёзилған шарҳдан иборат бўлиб, турк султони Боязид II нинг (1481—1512) илтимосига кўра ёзилган. Унинг қўллөзма нусхалари Париж ва Истамбул кутубхоналарида сақланмоқда.

2. Али Қушчининг «Рисолат ал-фатҳия»сига ёзилган «Шарҳ «Рисолат ал-фатҳия» («Рисолат ал-фатҳия»га шарҳ) номли асарининг ҳам бир нусхаси бизгача етиб келганлиги маълум.

3. «Рисола фи таҳқиқ самт ал-қибла» («Қибла томонни аниқлаш ҳақида рисола»).

4. «Рисолат ал-жайб ал-жомиъа» («Синус ҳақида мукаммал рисола»).

Олимнинг мазкур асарлари Самарқандда яшаб ижод этган олимларининг фаолиятини тўла ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди⁵⁶.

ФАЗЛУЛЛОҲ ИБН РЎЗБЕХОН ИСФИХОНИЙ

Афзалуддин Фазлуллоҳ ибн Жамолуддин Рўзбехон ибн Фазлуллоҳ ибн Муҳаммад Хунжий ал-Исфихоний 862/1457 йили Хунж (Эрон) да исфихонли амалдор оиласида туғилди. Ибн Рўзбехоннинг ёшлиқ ва йигитлик чоғлари Шероз ва Исфихонда ўтди. Ибн Рўзбехон она юртида ўқиши тамомлагач, биринчи марта 17 ёшида Ҳижозга, иккинчи марта 25 ёшида эса Маккага саёҳат қиласди ва у ерда Қуръон ва араб адабиётини ўрганиди, мисрлик ва ҳижозлик шайх ва олимларнинг дарсларини тинглайди. Бўлғуси олим Ибн Рўзбехон дунёқарашининг шаклланишида машҳур мисрлик тарихчи ва тишлинос Шамсуддин Муҳаммад ас-Сахавийдан (1427—1497) олган дарслари катта аҳамият касб этди.

Иккинчи саёҳатидан Шерозга қайтиб келган Ибн Рўзбехон «Ҳалли тажрид» ва «Бадиъ аз-замон фи қиссат Ҳайй иби Яқзон» («Ҳайй иби Яқзон қиссаси ҳақида замон ажойиботлари») номли асарларни ёзди. Марҳум арабшунос олим М. А. Сальенинг фикрича, кейинги

⁵⁶ «Астрономическая школа Улугбека», стр. 54, 56, 96; «Астрономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Хазаразми до Улугбека», стр. 129; «О математических работах школы Улугбека», стр. 173—199.

асар Ибн Сино ва XII аср файласуфи Ибн Туфайл рисолалари мавзунига тақлидан ёзилган. 892/1486 йили Ибн Рӯзбехон бизгача етиб келмаган мазкур асарни Оққуюнлилар сулоласидан бўлган Султон Ёқубга 884/1479—895/1490) тақдим этади ва шу йилдан бошлаб у Султон Ёқуб девонига котиблик хизматига ўтади. 897/1490 йили котиб — олим Султон Ёқуб давлатни идора этган даврига оид «Дунё зийнати бўлган Амний тарихи» номли асарини ёзиб тугатади. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Париж ва Лондон кутубхоналарида сақланмоқда. 1957 йили йирик шарқшунос олим В. Ф. Минорский томонидан бу асарнинг қисқартирилган инглизча таржимаси Лондонда нашр этилди.

Ибн Рӯзбехон 909/1503 йили Эронда давлат тепасига Исмоил I нинг келиши билан Табриздан Кушонга келишга мажбур бўлади. Бу ерда шиа мазҳабида бўлган Ҳасан ибн Муайяд ал-Ҳиллийнинг (1250—1325 й.) «Ҳақиқат йўли...» номли асарига қарши ўзининг «Нотўғри йўлдан қайтиш» номли мунозарати асарини ёзади.

909/1503—1504 йили Ибн Рӯзбехон шиалар таъқиби остида Хурсонга қочишга мажбур бўлади. Бу ердаги сиёсий ҳодисалар тезда олимни Муҳаммад Шайбонийхон (1500—1510) ҳузурига, Бухорога кетишига мажбур қиласиди. Бу ерда яшаган даврида Ибн Рӯзбехон бир қанча асарлар ёзади. Жумладан, 914/1508—1509 йили «Меҳмонномайи Бухоро» («Бухоро меҳмонномаси») номли йирик, қимматли тарихий асарини ёзган⁵⁷.

1510 йили Шайбонийхоннинг вафотидан кейин Ибн Рӯзбехон Самарқандда яшайди. Бу давр ҳақида у ўзининг «Сулук ал-мулук» («Подшоҳларга йўл-йўриқ») номли асарида ёзади.

«Сулук ал-мулук» ҳижрий 920 йили рабиул-аввал (1514 йил апрель, май) ойида ёзиб тугатилган бўлиб, ўша вақтда Бухоро ҳокими, кейинчалик бутуни Мовароунинаҳрининг ҳукмдори шайбоний Убайдуллохонга (1533—1539) бағишлиланган. Убайдуллохон 918/1512—1513 йили Заҳируддин Муҳаммад Бобир устидан ғалаба қозонганидан сўнг, Ибн Рӯзбехонга «Сулук ал-мулук

⁵⁷ Бу асар ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Р. П. Джалолова, Записки Бухарского гостя (Миҳман-наме-йю Бухара) Фазлаллаха б. Рузбехана Исфихани (автореферат), Ташкент, 1965.

асарини ёздириш мақсадида уни Самарқанддан Бухорга чақиртирган эди. Демак, олим Самарқандда 3—4 йил истиқомат қилган.

Котиб, олимнинг «Сулук ал-мулук» номли асари шариатнинг йўл-йўриқлари асосида давлатни идора қилиш масалаларига бағишиланган бўлиб, 15 бобдан иборат. Бунда шоҳ саройидаги лавозимларга кишиларни тайинлаш, уларнинг вазифалари, ҳаж маросимини ташкил этиш, жума кунида бўладиган йиғилишлар, ҳайитлар, хайру эҳсонлар тарқатиш, солиқлар жорий этиш ва уларни йиғиб олиш, тониб олинган ва давлат ҳисобига ўтказилган мол-мулклар, жазо бериш қонунлари, қўзғолонларни бостириш, урушда олинган ўлжаларни тақсимлаш, турли давлат қонунлари, христиан ва яхудийларга муносабат каби масалалар талқин этилган. Бу асар бизгача бир неча нусхаларда етиб келган бўлиб, унинг Ибн Рўзбекон қўли билан ёзилган дастхати СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. А 316). XVIII асрнинг бошида ва ундан кейинги йилларда кўчирилган иккита қўлёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 3639, 2621).

Ибн Рўзбеконнинг 921/1515—1516 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида ишонарли маълумотларга эга эмасмиз. Фиёсуддин Хондамирнинг хабар қилишича, Ибн Рўзбекон ҳижрий 927 йил жумодал увло (1921 йил апрель) ойида Бухорода вафот этган⁵⁸.

СУЛТОН АЛИ ТАБИБ ХУРОСОНИЙ

Султон Али XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи яримларида Ўрта Осиё ва Хурросон шарларида, айниқса, Самарқандда узоқ муддат яшаб ижод этган истеъдоли табиблардан бири эди. 40 йилдан ортиқроқ табобат илми билан шуғулланган Султон Али қўлга киритган тиббий тажрибалари асосида иккита асар ёзган ва ҳар иккаласи ҳам бизгача етиб келган. Улардан бири «Дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланма») номли китобини 933/1526—1527 йилларда шайбонийлардан Самарқанд ҳокими Абу Мансур Кўчкунчихон (916/1510—936/1530) саройида ёз-

⁵⁸ Қаранг: «Персидские и таджикские рукописи ИНА АН СССР», I, M., 1964, № 2263, 2595—2596; СВР, III, № 2090—2091.

ган ва асар тугагач, Кўчкунчихонга тақдим этган. Асар касалликлар ҳақидаги умумий таълимот ва касалликларни дори билан даволашга багишланган. Бу тиббий китоб икки мақоладан (қисмдан) иборат бўлиб, ҳар қайси мақола бир неча фасл ва навларга бўлинади. Асарнинг 24 фаслдан иборат биринчи мақоласи одамнинг барча аъзоларининг турли хил касалликларини тузатишга бағишиланган. Иккинчиси саккиз фаслдан иборат бўлиб, иситмалар, шишлар, яралар ва тери касалликлари каби киши баданининг умумий касалликларига багишиланган.

Султон Али ўзи ҳақида бу асарида шундай дейди: «Қирқ йилдан бўён Ҳурсон ва Моварооннаҳрда ҳалқ ўртасида тиб илми билан машҳур бўлиб келар эдим. Шу пайтларда подшоҳлар, амирлар, аскарлар ҳамда бошқа катта-кичик ҳалқлардан кимки касал бўлса, мени чақиришар эди. Мен ҳам уни қўлимдан келганча даволар эдим, шу жумладан, Абу-л-Музаффар Маҳмуд шоҳ султон касал бўлиб қолдилар, мени Аҳси шаҳрига чақирилар, бориб ул ҳазратни даволадим. Ул жаноб шифо топганларидан кейин тажрибаларингиз юзасидан бирорта китоб ёсангиз, ҳалқ фойдаланаар эди, деб мендан илтимос қилдилар. Шундан кейин мана шу «Дастур ал-илож» ни 933 йили Самарқандда, Кўчкунчихоннинг хизматларида бўлган чоғимда, ул зотнинг помларига ёздим...»⁵⁹.

Султон Алиниң мазкур асари кенг тарқалган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида «Дастур ал-илож»нинг еттига қўлсма нусхаси мавжуд. Асар нусхалари кўп бўлгани билан ўз илмий қимматини сира йўқотмаган. Мана бир мисол: Бухоро қозиси, китоб муҳини Шарифжон Маҳдум (1931 йилда вафот этган) «Дастур ал-илож»нинг 1950 йилда кўчирилган бир нусхасини (инв. № 2264) фавқулодда қўлга киритишга муваффақ бўлади. Унинг ёзишича, мазкур нусхани ўз вақтига нисбатан жуда катта пулга — ўи минг таангага сотиб олган.

Султон Али мазкур биринчи асарини ёзиб бўлганидан сўнг, иккинчи асарини ёзишга киришади ва унга «Муқаддимайи дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланмага кириш») деб ном беради. Муаллиф

⁵⁹ А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов, Ўрта осиёлик қирқ олим, Тошкент, 1961, 86-бет.

бу асарини Абу Мансур Кўчкунчихон даврида ёзишга киришган бўлса ҳам, унинг ўғли Абу Саъид Баҳодирхон (936/1530—939/1533) даврида ёзиб тугатади ва унга тақдим қиласди. Бу асарни муаллиф томонидан 1526 йили ёзилган «Дастур ал-илож»га қўшимча деб қараш мумкин. Қўшимчада табобатнинг умумий масалалари: соғлиқни сақлаш, бадан аъзоларининг соғ ва касал вақтидаги ҳоллари, қон томири ва касалликлардаги буҳрон кабиллар ўн олти бобда ёритилган. Султон Алиниң мазкур икки асари форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, Дечли ва Лакҳав шаҳарларида бир неча марта (1880, 1890, 1899 йилларда) тош босмада нашр қилинган.

Султон Алиниң «Муқалдимайи дастур ал-илож» номли асари Ёркентда номаълум таржимон томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Бу таржиманинг XIX аср бошларида кўчирилган бир нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 11124) сақланмоқда.

Юқорида келтирилган далиллар, яъни Султон Али асарларининг қайта-қайта кўчирилиши, нашр қилдирилиши ва ўзбек тилига таржима қилиниши, бу асарниң муаллиф даврида ҳам, ундан кейин ҳам табиблар орасида зўр эътиборга эга бўлганлиги ва уларниң амалий ишларида қўл келганлигидан хабар беради.

Демак, Султон Али Самарқандда яшаб ижод этган табибина бўлмай, Шарқ табобати тараққиётига ўзининг амалий фаолияти ва тиббий асарлари билан катта ҳисса қўшган олимдир⁶⁰.

ШАИХУЛИСЛОМ ҲАРАВИЙ САМАРҚАНДИЙ

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида яшаган олим. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар йўқ. Икки хил нисба билан юритилиши унинг Самарқандда туғилиб Ҳиротда яшагани ёки аксинча бўлганидан далолат беради.

Бизгача бу олимнинг «Китоби сайдийя» («Ов ҳақида китоб») номли асари етиб келган. Форс-тожик ва араб тилларида ёзилган бу рисола сўз боши ва 12 фасл (боб) дан иборат. Унда ов ва уни ташкил этиш йўллари, ба-

⁶⁰ Бу олим ҳақида қаранг: История Узбекской ССР, I, стр. 542; СБР, I, № 591—593, VII, № 5449.

лиқ, қүш ва ҳайвоnlарни овлаш; овчи ит, қирғий, лочин кабиларни овга ўргатиш; овнинг ҳалол ва ҳаромлик томонлари, ов қилинадиган махлуқларни пичоқ ёки найза билан ўлдириш, ҳийла билан қўлга тушириш усуллари ҳақида сўз юритилади. Китоб охирида алифбе тартибida араб ва форс-тожик тилларида ҳайвоnlарнинг турлари ва номлари, уларга шариатнинг муносабати, уларнинг табиий хусусиятлари ва сифатлари тавсиф этилган. Асаддаги барча мақолаларда ҳадислар, шунингдек, Абу Ҳанифа, Ибн Ҳанбал кабиларнинг асарларига муrhoжаat қилинган.

«Ов ҳақида китоб» рисоласи Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Хурсон ҳукмрони Бадиuzzамонга (911/1506—912/1507) бағишланган. Бу рисоланинг Ҳайит Мұхаммад ибн Соқий Мұхаммад томонидан 1188/1725—26 йили, Сайид Боқир ибн Жаъфархўжа томонидан 1255/1839 йили кўчирилган иккита нусхаси ва маълум хаттог томонидан кўчирилган яна бир қўлёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 5225/III, 1217/I, 8419/III).

ҚОЗИ ҲУСАЙН САМАРҚАНДИЙ

«Самарқанд — олимлар ва шоирлар шаҳри» номли рисола рўйхатидан ўрин олган бу олим ва сиёсий арбобнинг ҳаёти ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Аммо унинг XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган самарқандлик олим ва адиллардан эканлиги маълум, албатта.

Бизгача Қози Ҳусайн ибн Ҳасан ас-Самарқандийнинг 936/1529 йили вазир Иброҳим подшога атаб ёзган «Латоиф ал-афкор ва кошиф ал-асрор» («Сирларнинг калити ва фикрларнинг латифи») номли асари етиб келган. Бу асар беш бобдан иборат бўлиб, унда сиёсат ҳукмлари, буюк кишилар гарихи, адабиёт, ахлоқ ва ажойиб махлуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ИСОМУДДИН ИБРОҲИМ ИБН МУҲАММАД ИБН АРАБШОҲ ИСФАРОИНИЙ

Машҳур филолог, математик ва қонуншунос олимнинг асарларидан маълум бўлишича, умрининг кейинги йилларини Самарқандда ўтказган ва 944/1537 йили Самарқандда вафот этган.

Кўпроқ Ибн Арабшоҳ ва Исомуддин номи билан юритилади. Олим тилшунослик соҳасида бир қанча асарлар ёзиб қолдирган ва бошқа тилшуносларнинг асарларига шарҳ, ҳошиялар ёзган. Олимнинг бизгача қўйидаги асарлари етиб келган: «Мизон ал-адаб фи-л-улум ас-салоса: ас-сарф ва -н-наҳъ ва-л-балоға фи лисон ал-араб» («Араб тилидаги учта илм: морфология, синтаксис ва риторика ҳақида адаб мезони»), «Рисола фи илм ал-мажоз» («Мажоз илми ҳақила рисола»), Рисола ал-жабр ва-л-қадар» («Алгебра ва ўлчов ҳақида рисола»), «Ҳошия ало «Тафсир ал-Байзаний» («ал-Байзаний тафсир»га ҳошия), «Шарҳ «ал-Истиора» («ал-Истиора»нинг шарҳи), «Шарҳ ал-Қофия» ли-л-шайх ибн ал-Ҳожиб» («Ибн ал-Ҳожибининг «ал-Қофия»си шарҳи»). «Ҳошия Исом фи «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия» («ан-Насафийнинг «Шарҳ ал-ақоиди»га Исомнинг ҳошияси»).

Ибн Арабшоҳнинг бу асарларидан самарқандлик олим Абу-л-Қосим ибн Абу Бакр ал-Лайсий ас-Самарқандийнинг (қар.) «Рисола фи-л-истиора» номли асарига ёзган «Шарҳ «ал-Истиора» китобининг 1812 ва 1817 йилларда кўчирилган икки қўллэзма нусхаси (инв. № 2434/III, 8949/X); Ибн ал-Ҳожибининг (ваф. 645/1248) грамматик рисоласи «ал-Қофия»га ёзилган «Шарҳ ал-Қофия» ти-л-шайх Ибн ал-Ҳожиб» номли асарнинг 1565 йили кўчирилган бир қўллэзмаси (инв. № 2454); Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Исмоил ан-Насафийнинг (вафоти 537/1142) «Ақоид ан-Насафия» асарига Саъдуддин Маъсуд ибн Умар ат-Тафтазоний (вафоти 791/1389) томонидан ёзилган «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия»га ёзилган ҳошия «Ҳошият Исом фи «Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафия»нинг 1672 йили Балхла кўчирилган бир қўллэзма нусхаси (инв. № 2430/II) УзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ибн Арабшоҳ асарларининг жуда кўп қўллэзма ва тош босма нусхалари турли мамлакатларнинг қўллэзма фондларида мавжудлар.

ҲАСАН САМАРҚАНДИЙ

«Самарқанд — олимлар ва шоирлар шаҳри» номли рисола рўйхатидан жой олган бу олимнинг тўлиқ номи Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ал-Ҳусайний ал-Маккий ал-Мадиний ас-Самарқандийдир. Биз олимнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақида етарлӣ маълумот-

ларга эга эмасмиз. Унинг исмидан Макка ва Мадинада ҳам бўлганлигини билиш мумкин.

К. Броккельманнинг «Араб адабиёти тарихи» асарида айтилишича, Ҳасан Самарқандий 953/1546 йили «ал-Анвар ал-мусбила фи баъд ҳавосс ал-басмала» («Бисмиллоҳ айтиш хосиятларидан кейинги раҳнамо нурлари ҳақида») ва «Хотима ало ат-тибб ар-руҳоний» («Тибби руҳонийга хотима») номли мистик асарларни ёзган.

МАВЛОНО УБАЙДУЛЛОҲ САМАРҚАНДИЙ

Бу олим Убайдуллоҳ Нақшбандий Самарқандий номи билан ҳам юритилади. XVI асрда яшаб, Фаргона водийсининг машҳур шайхларидан Лутфуллоҳ Чустийнинг замондоши ва шогирди бўлган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотларга эга эмасмиз. Фақат унинг «Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» («Тўғри йўлдан борувчилар чироғи ва орифларнинг латифалиари») номли асарининг Муҳаммад Раҳим деган киши томонидан қайта ишланган нусхаси бизгача етиб келган, холос.

Муҳаммад Раҳимнинг ёзишича, мавлоно Убайдуллоҳ Самарқандийнинг асари онгиз хаттотлар томонидан хато кўчирилиб, бўзиб юборилган. Муҳаммад Раҳим бу асарни қайта ишлаб, тиклаган, хаттотлар томонидан қўшилган ва бузиб кўчирилган жумлаларни тўғрилаган. Бизгача асарнинг ана шу қайта ишланган нусхаси етиб келган.

Убайдуллоҳ Самарқандийнинг «Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» асари унинг пири ва устози шайх мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг (вафоти 967/1559—1560 йиллар) ҳаёти ва фаолиятига багишланган. Лескин шунга қарамай, бу асар XVI асрда Фаргона, Тошкент, Самарқанд ва бошқа жойларда юз берган сиёсий воқеалар ҳақида жуда кўп қимматли маълумотларни беради. Асарда ўша вақтда ҳукм сурган энг кучли дарвишлар тариқатлари хожагон (нақшбандия) ва қубровия ўртасидаги ўзаро курашлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

«Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» муқаддима, саккизта боб ва хотимадан иборат. Биринчи бобда сўфийлик тариқати хожагоннинг шохобчалари ва унинг шажараси берилиб, унинг шайхлари Муҳаммад

пайғамбарга олиб бориб тақалади. Йккинчй боб шайх Лутфуллоҳнинг ота-боболари ҳақида; учинчи боб шайх Лутфуллоҳнинг тасаввуф таълимини олган пир ва сўфий шайхларнинг таржимаи ҳолини ўз ичига олади. Тўртинчи бобда Лутфуллоҳ сўфиийлик йўлининг бошлангич даврларида юз берган воқеаларни баҳс этади. Бешинчи боб шайхнинг ташқи қиёфаси ва унинг кундалик машғулотларини ҳикоя қилади. Олтиинчи бобда Лутфуллоҳнинг тариқат ва сўфийларнинг таркидунёчилик ҳақида айтган сўз ва нутқлари берилади. Еттинчи бобда Лутфуллоҳ шайхнинг ўз ўринбосарларига турли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб ёзган хатлари, Кобулга кета туриб йўлдан Тошкент ва Фаргона шайхларига ёзиб юборган мактублари киритилган. Шайхнинг ҳаётидаги юз берган турли воқеалар ва унинг кароматлари ҳақида саккизинчи бобда сўз юритилади. Хотима эса Лутфуллоҳ вафоти муносабати билан ўқилган дуолар, унинг вафотига ўша давр шоирлари ва машҳур кишилари томонидан ёзилган тарих ва марсияларни ўз ичига олади.

Убайдуллоҳ Самарқандий ўз пири ҳақида ёзар экан, асаддаги ҳамма маълумотларни ўша замонда юз берган тарихий воқеаларга олиб бориб боғлайди. Муаллиф «Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» асарида ўша даврда ҳукм сурган маҳаллий феодал ҳонлари: Тошкентда—Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон), Ҳисорда—Муҳаммад Султон, Ахсикат ва Фарғонада—Дарвеш Султон (Бароқхоннинг биродари)лар, Мовароуннаҳр ҳукмрони Шайбонийлар пойтахти Самарқандда яшаган Абдуллатифхон (947/1540—959/1551) ва улар ўртасидағи ўзаро тортишув ва таҳт учун курашларни баён қилади.

Убайдуллоҳ Самарқандий бу асарида Ўзбекистоннинг баъзи бир жойлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Масалан, Тошкент ҳақида ёзар экан, масофотининг катталиги, мозорларининг бир-бiriдан узоқлигини ҳикоя қилиб, Қаффоли Шоший (вафоти 427/1035—1036) мозорининг (ҳозирги Ҳости И мом; тўғриси: Ҳазрати И мом) атрофи жуда қўрқинчли ва хавфли жой бўлгани, ҳатто кундузи ҳам у ерга одамлар боргани қўрққанини, Мирзачўл («Чўли Диззах») дан ўтишда шайх Лутфуллоҳнинг оти юролмай йиқилиб қолиб, ниҳоят кўп қийинчиликлар билан Шоҳруҳияга етиб

олгани ҳикоя қилинади. Китобда Самарқанд, Оҳангарон, Соғониён, Ҳисор, Шаҳрисабз, Фарғона, Ахсикат, Чуст каби шаҳарлар йўлида учрайдиган турли бино ва зиёратгоҳ жойлар ҳақида маълумотлар ва шеърий парчалар келтирилган.

Асарни ўқир эканмиз, камбагал меҳнаткаш ҳалқнинг оғир аҳволи, алдамчи ва очкӯз шайхлар ва доимо таҳт учун ўзаро кураш олиб борган феодал ҳукмронлар томонидан кенг ҳалқ оммасининг қанчалик азоб-уқубатларга гирифтор қилинганини кўз олдимизга келтирамиз. Шу билан бирга Ўрта Осиёда давлатни бошқариш ишларида йирик шайхларнинг тутган мавқеи ҳақида ҳам тўла тасаввурлар ҳосил қиласиз.

Совет олимларидан биринчи бўлиб профессор А. А. Семёнов (1873—1958) Убайдуллоҳ Самарқандийнинг «Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» асари билан қизиқсан эди. Олим 1914 йили бу асарнинг бир нусхасини Чуст шаҳрида сотиб олади ва унинг ҳақидаги биринчи ва муфассал маълумотни СССР ФА Ўзбекистон филиали журналининг иккита сонида беради⁶¹.

А. А. Семёнов ўз мақоласида асарнинг мазмуни, аҳамияти ва ундаги асосий воқеалар ҳақида кўпгина маълумотлар бериб, XVI аср Ўзбекистон тарихини ўрганишда унинг зарур манбалардан бири эканини таъкидлайди. Бу асарнинг тўла бўлмаган қўллэзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 629), тўла нусхаси эса профессор А. А. Семёновнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

МУҲАММАД ИБН ҲУСАЙН МИРАҚИЙ САМАРҚАНДИЙ

Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн тарихнавис олим ва хаттот бўлган. К. Броккељман «Араб адабиёти тарихи» китобида Аҳмад ибн Ҳажар ал-Ҳайсамийнинг (вафоти 973/1565 йил) «Итҳоф ихвон аш-шафо би-нубаз мин ахбор ал-хулафо» («Шафоатли биродарларнинг халифалар хабарларидан олинган мақолалари туҳфаси»)

⁶¹ А. А. Семёнов, Уникальный памятник агиографической Среднеазиатской литературы XVI века, Известия Узбекистанского филиала АН СССР, № 12, Ташкент, 1940, стр. 52—62; № 3, 1941, стр. 37—38.

номли асарини 982/1574 йилларда тўлдирганини ёзади. Олим Али ибн Ҳусайн ал-Аисорийнинг (вафоти 807/1404) «Ихтиёrot Бадиъий» («Бадиъга багишланган [фармакопеяга оид] танлаб олинганлар») номли асарини 948/1541 йили Шайбоний Абдуллатифга атаб кўчирган. Бу қўлёзма чиройли безалган бўлиб, унда 594 та гиёҳтар, ҳайвонлар ва дори тайёрланадиган идишларнинг расми бор. Баъзи расмларниң жуда нозик ишлангани Муҳаммад ибн ал-Ҳусайннинг моҳир рассом ва санъаткор бўлганидан далолат беради. Бу нусха ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 1998).

САИД ИБН АЛИ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. К. Броккельман уни IX—X (XV—XVI) асрда яшаган деб кўрсатади. Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун» китобида Сайд ас-Самарқандийнинг қуйидаги иккита асарини эслатиб ўтади: «Жаннат ал-аҳком ва жуннат ал-Ҳукком фи-л-ҳиял» («Ҳийлаларда ҳукмлар жаннати ва ҳукм чиқарувчиларнинг жиннилиги»). Бу асар К. Броккельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китобида «Жаннат ал-аҳком ва жуннат ал-хуссом» («Ҳукмлар жаннати ва жанжаллашувчилар жиннилиги») деб номланган. Ҳожи Халфанинг ёзишича, бу кичик ҳажидаги китоб бўлиб, худди Абу Бакр Аҳмад ал-Хассоффининг (вафоти 261/874—875 йил) «Ҳиял» («Ҳийлалар») асарига мазмунан ўхшашдир. Сайд ас-Самарқандий бу китобида ибодат ва муомалалар хусусидаги ҳийлалар ва рухсат бериладиган нарсаларни турли масалаларга оид китоблардан олиб жамлаган. Бунда ал-Хассоф асарида бўлмаган унча-мунча янги нарсалар ҳам берилган.

Сайд ас-Самарқандийнинг Ҳожи Халфа эслатиб ўтган иккинчи, биз учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлган китоби «Сайдийя» («Овчилик ҳақида китоб») дир. Бу асар ўн икки фасл (боб) ва хотимадан иборат бўлиб, унда муаллиф осмонда учувчи, сарда юрувчи ва сувда сузувчи жамики жониворлар ҳақида маълумотлар, уларни ов қилиш ва овга боғлиқ бўлган жамики масалаларни жамлаган.

СИРОЖУДДИН МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ

Тасаввуф олим ва шоирларидаи бўлиб, таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Унинг «Ганж ат-толибин» («Талаб қилувчилар хазинаси») номли асари СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақлананаётган бир нусхасига кўчирувчи томонидан ёзилган сўз бошида асар 996/1587—1588 йили ёзилгани ва муаллиф бу вақтда 88 ёшда бўлгани қайд қилинган. Агар бу маълумот тўғри бўлса, Сирожуддин Самарқандий 1500 йил атрофида туғилган бўлади.

Олимниң бизгача қўйидаги учта асари етиб келган: «Тасаввуф». Бунда Нақшбандий тариқатининг баъзи бир қонун-қоидаларининг амалий ва назарий қисми баён этилган. Бу йирик асар бўлиб, бош қиёми сақланмаган, бир нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № С 1490).

«Дар баёни чаҳор дарё» («Тўрт дарё баёни»). Бу ҳам тасаввуфга оид бўлиб, ҳақиқатга эришишининг тўрт йўли (нақшбандия, қодирия, қубравия ва тайфурия) ва улар ўргасидаги ихтилофлар ҳақида назм ва насрда тушиuncha берилади. Бу асарининг бир нусхаси Ленинградда сақланмоқда (инв. № С 1490).

«Ганжа-толибин» («Талаб қилувчилар хазинаси») илоҳиятга оид асар бўлиб, шеърий йўл билан ёзилган. Буниң ҳам бир нусхаси Ленинградда сақланмоқда (С 1490). Сирожуддин Самарқандий асарларининг ҳам-маси форс-тожик тилида ёзилган.

ЕРМУҲАММАД ИБН ХУДАИДОД САМАРҚАНДИЙ

XVI асрда яшаган фиқҳ олими. Таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бизгача унинг Қуръонни тўғри ўқиш қоидаларига бағишлиланган «Қавоид ал-Қуръон» («Қуръон қоидалари») номли асари етиб келган. Бу асарнинг бир нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № А 854).

МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ САМАРҚАНДИЙ

XVI асрда яшаган наسابшунос олим. Унинг таржи-маи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмас-миз. Унинг бизгача етиб келган «Түхфат ат-толиб ли маърифат ман юнсаб ило Абдуллоҳ ва Абу Толиб» («Абдуллоҳ ва Абу Толиб наسابидан бўлганларни билишни истовчиларга туҳфа») номли асари 994/1585 йили ёзилган. Бу китобда Муҳаммад Самарқандий пайғамбарнинг отаси Абдуллоҳ ва Алиниңг отаси Абу Толиблар авлодининг шажарасини ифодалаган. Асарда аввал пайғамбар ва унинг авлодлари, кейин Шариф ал-Ҳасан ибн Нуайма давридан Қатода ибн Идрис (600/1203 йил атрофи) замонигача Макка ва Мадинада ҳукм сурган ҳокимларнинг шажараси, халифалар, Миср мамлук султонлари ва Сулаймон I (974/1556 йил) замонигача бўлган отомон турк султонларининг шажараси берилган.

К. Броккељман «Араб адабиёти тарихи» номли асарида (II жилд, 382-бет) Муҳаммад Самарқандий ўз замондоши Абдулқодир ибн Али ат-Табарий аш-Шофийй ат-Маккий вафоти (966/1559 йил) муносабати билан 1559 йили марсия ҳам ёзганини эслатиб ўтади.

МУҲАММАД ИБН БОБО САМАРҚАНДИЙ

Бу олим Мулло Қалон Муфтий Самарқандий, Муфтий Қалон Қалоний номлари билан машҳурдир. Таржи-маи ҳоли ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Асарларидан маълум бўлишича, Шайбоний хонларидан Убайдуллохон (940/1533—946/1539) замонида яшаган ва Самарқанд муфтийси лавозимини ўтаган.

Муҳаммад ибн Бобо ас-Самарқандий асарларидан бизга маълум бўлганлари қўйидагилардир:

1. «ал-Фатово ас-Самарқандий» («ас-Самарқандий фатвадари»). Бу асар араб ва форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, «ал-Фавонд ас-Самарқандий» («ас-Самарқандийнинг фойдали масалалари») номи билан ҳам юритилади. Муаллиф бу китобини ўз замонидаги фиқҳ слимларининг илтимосига биноан ёзган бўлиб, бу асар мусулмон қонуншунослигида учрайдиган баъзи бир мұхим масалаларни амалий ҳал этишга онд бўлган масалалар тўпламидан иборатдир. Асар 32 фойда ва

33 та воқеа ва бошқа майдада бобларга бўлинган. «Ал-Фа-воид ас-Самарқандий»да талоқ шартлари, ер олди-соттиси каби бир қанча масалалар устида гап боради. Бу китобнинг 1005 шаъбон/1597 йил март, апрель ойида, яъни автор замонида кўчирилган эски қўлёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 3132/I). Асарнинг иккита қўлёзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № B431, C1811).

2. «Риёз ал-Музаккирин» («Зикр қилувчилар риёзати»). Бу асарнинг тўққизта қўлёзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда.

3. «Равзаг ал-воизин» («Воизларнинг жаннат боғи»). Бу ҳадисларни форс-тоҷик тилида изоҳлаш ва ислом динидаги турли йўл-йўриқларни тушунтириб беришга багишлиланган бўлиб, шайбоний Убайдуллоҳон учун ёзилган. Бунинг иккита қўлёзмаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № C669, C1397).

4. «Рисолаи ҳисоб дар забти фароиз» («Фарзларни аниқлаш учун ҳисоб рисоласи»). Бу ҳам фикҳ илмига оид асар бўлиб, меросларни тақсимлашга оид масалалар ҳақида баҳс этади. Рисола олти фасл (боб) ва олти тақсимча фаслдан иборат. Унинг 1201/1786—87 йили ва 1273/1856—57 йиллари ёзилган иккита қўлёзмаси Ленинградда сақланмоқда (инв. № 132678, C2417).

5. «Риёзиёт» («Математика») меросларни тақсимлашда керак бўладиган арифметик ҳисоблар ҳақидаги рисоладир. Асар олти бобдан иборат бўлиб, бунинг бир нусхаси Ленинградда сақланмоқда (инв. № B4241).

Муҳаммад ибн Бобонинг ҳамма асарлари форс-тоҷик тилида ёзилган.

МУҲАММАД БАДИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу шоир ва олимнинг тўла номи Муҳаммад Бадиъ иби Муҳаммад Шариф Самарқандий бўлиб, адабий таҳаллуси Малиҳодир.

Малиҳо 1053/1643—1644 йили Самарқандда қози онласида тугилди ва бу шаҳарда таълим олиб шоир бўлиб ётишди. Малиҳо бу билан чегараланиб қолмай, ўз даврининг шоирлари, уларнинг ҳаёти, шеърларида куйла-

ған умид ва орзулари билан ҳам қизиқади. Малиҳо ўз давридаги шоирлар ҳаётини ва ижодини ўрганиш учун 1080/1669 йили тадқиқотчи сайёҳ олим сифатида Мовароунаҳр ва Эронга сафарга чиқади. Ҳар бир шаҳарда бир неча кундан тўхтаб, шу ерлик шоирлар билан суҳбатлашиб уларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади. Малиҳо Самарқандий ана шу сафардан қайтгач, 1093/1682 йили «Музаккир ал-асҳоб» («Ҳамсуҳбатларни эслатувчи») номли илмий асарини ёзишга киришади ва ўн йилдан сўнг 1103/1692 йили уни ёзиб тугатади. «Тазкирайи Малиҳо» («Малиҳо тазкираси») леб ҳам юритиладиган бу асар ўз ичига қамраб олган XVII аср Урта Осиё сиёсий ва иқтисодий ҳаётига доир тарихий маълумотлари билан фақат ўз қимматини оширибгина қолмай, балки тазкира доирасидан бир поғона юқорига кўтарилган.

«Музаккир ал-асҳоб» икки қисмдан иборат. Биринчи қисми — асосий қисм бўлиб, унда 166 шоирнинг таржи-маи ҳоли ва шеърий ижодларидан парчалар келтирилган. Асарда ҳар бир шоир ўз адабий тахаллуси билан алифбо тартибида берилган. «Музаккир ал-асҳоб»нинг иккинчи қисми 37 та шоирга бағишлиланган бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар тўла эмас, алифбо тартиби ҳам сақланмаган. Мазкур асар бошқа манбалардан шу билан фарқ қиласиди, уни муаллиф фақат ўзига замондош бўлган ҳамшаҳарларига бағишиламай, учрашган, суҳбатлашган, шу тариқа улар ҳаёти, асосий касби, фаолияти ва бадиий маҳоратини ўргангандан XVII аср Урта Осиё ва Эрон шоирларига ҳам бағишилаган.

XVII аср Урта Осиё ва Эрон маданий ҳаётининг кўзгуси бўлган «Музаккир ал-асҳоб»нинг муаллифи Малиҳо Самарқандий шоир бўлиши билан бир қаторда ўз даврининг сайёҳи ва жамиятшунос олимидир.

Олимнинг мазкур асари бизгача бир неча қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, ҳозир Ленинград, Тошкент ва Душанба каби шаҳарларнинг китобхоналарида сақланмоқда. Малиҳо ижоди айниқса, А. М. Мирзоев томонидан яхши ўрганилган⁶².

⁶² Н. Д. М и к л у х о -М а к л а й, Описание таджикских и персидских рукописей, вып. 2, биографические сочинения, М., 1961, №№ 109—110; СВР, VII, № 5202, Каталог восточных рукописей АН Тадж. ССР, т. II, № 302. Буидан кейин — КВР деб берамиз.

БОҚИ МУҲАММАД ИБН ҲОФИЗ ЕРИЙ САМАРҚАНДИЙ

XVII асрда яшаган олим. Унинг 1029/1619 йили форс-тожик тилида ёзган «Фолномайи жаъфар» («Жаъфар фолномаси») номли асари бизгача етиб келган. Асарда кўрсатилишича, олим уни Абдурраҳмонбий девонбеги иби Суюнж оталиқ деган амир даврида ёзган. «Фолномайи жаъфар»да хатга қараб фол очиш усуллари кўрсатилган. Аввал иккита катта доиранинг ҳар қайсиенда ўн тўрттадан 28 та савол берилган. Ҳар қайси савол араб ҳарфи билан номланади: «Алиф», «Б», «Т» саволи каби бу саволларнинг жавоблари кичик доираларда араб ҳарфлари билан кўрсатилган ва тепасига фалон ҳарф саволининг (масалан, «д»нинг) жавоби деб ёзиб қўйилган. Фол очмоқчи киши кўзини юмиб туриб, катта доирадаги саволлардан бирининг устига кўрсаткич бармоғини қўйиши керак. Кўрсаткич бармоғи қайси савол устига тушса, унинг жавобини кичик жадваллардан топиб, ҳарфлар ўрнига абжад ҳисоби билан уларнинг сон қийматини қўйиш лозим. Бу китобдан фол очиш учун маҳсус тайёргарлиги бўлган кишиларгина яхши фойдаланишлари мумкин.

Боқи Муҳаммад томонидан 1258/1842 йил настаълиқ хати билан кўчирилган, 10 саҳифани ташкил этган бу асарнинг битта қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 2908/XVI).

ШАРАФУДДИН АЪЛАМ САМАРҚАНДИЙ

Бу тарихнавис олимнинг тўла номи Мулло Шарафуддин Аълам ибн Нуруддин Охунд Мулло Фарҳод Самарқандийдир. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Марҳум профессор А. А. Семёновнинг (1873—1958) кўрсатилишича, Шарафуддин Самарқандий 1091/1680 йили Ўрта Осиё тарихига оид «Тарихи касира» («Саналарга бой тарих») номли асарини ёзган. Бу асар ҳозирга қадар топилгани йўқ. Лекин унинг Роқим Самарқандий (қар.) томонидан қисқартирилган нусхаси «Тарихи Роқимиий» бизгача етиб келган.

МУҲАММАД ОЛИМ АЛИ ИБН МУҲАММАД СОЛИҲ НИДОИЙ САМАРҚАНДИЙ

XVII асрда яшаган олим ва шоир. Таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Фақат 1040/1630 йили «Миръот авлиё» («Авлиёлар кўзгуси») номли асарини ёзгани маълум, холос. Бу асар асосан рубоийлардан иборат бўлиб, унда мусулмон оламида стишиб чиққаи машҳур авлиё ва сўфийлар мадҳ этилади. Бу асарнинг деярли муаллиф яшаган даврда (1096/1685 йили) Хизрхон Муҳаммад Солиҳ ўғли деган хаттот томонидан чиройли қилиб кўчирилган нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 3048/VIII). Хизрхон Муҳаммад Солиҳ ўғли муаллифнинг укаси бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

САЙИД РОҚИМ САМАРҚАНДИЙ

Бу олим ва шоирнинг тўла исми Амир Сайид Шариф Роқим Самарқандий бўлиб, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида яшаган ва Роқимиий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Роқимиийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларга эга эмасмиз. Бизгача унинг «Тарихи Роқимиий» («Роқимиий тарихи») номли асари етиб келган.

Професор А. А. Семёновнинг аниқлашига қараганда, бу асар даставвал Мулла Шарафуддин ибн Аълам ибн Нуруддин Охунд Мулло Фарҳод Самарқандий томонидан «Тарихи Касира» номи билан 1091/1680 йили ёзилган бўлиб, бизгача етиб келмаган. Кейинчалик 1112/1700—1701 йили Роқим Самарқандий уни қисқартирган. Бу қисқартирилган нусха «Тарихи Сайид Роқим», «Тарихчай Мир Сайид Роқим», «Тарихи Касира», «Тарихномай Касира» номлари билан юритилмоқда.

«Тарихи Роқимиий»да Ўрта Осиё тарихидаги муҳим воқеалар йилма-йил берилди, унда жуда кўп подшоҳлар, шоир ва олимлар, йирик қурилишлар, жанглар ва бошқа тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар берилган. Асарга тарихий воқеалардан Амир Темурнинг туғилиши (736/1336), давлат арбоби даражасига кўтарилиши, Дасти Қипчоқса, Ҳиндистон, Ozарбайжон, Ироқса қилгани юришлари ва унинг вафоти; Ҳалил Султон, Шоҳруҳ

Мирзо ва Улуғбекнинг тахт сўрашлари, Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Навоий ҳақида, Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротдаги ҳукмронлиги, Убайдуллохоннинг Мовароуннаҳрни босиб олиши, Бобир ва Бобирийлар, Абдуллахоннинг тахт сўраши ва вафоти, Абдулазизхон ва Абдуллатифхонларнинг вафотлари; Боқи Муҳаммадхон томонидан Балх ва Ҳисорнинг босиб олиниш тарихи, Шоҳ Салим ибн Шоҳ Акбарнинг тахтга чиқиши ҳақида-ги маълумотлар киритилган.

Шоирлардан Хожа Солмон Соважий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Қамол Ҳўжандий, Биноий, Осифий, Фифоний, Хотифий, Мулло Мушфиқий кабиларнинг вафотлари ҳақида маълумотлар берилган. «Тарихи Роқимиий»да Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Балхдаги Али мавзолейи, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро қурдирган мадраса, Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Карманада Қосим Шайх Азизхон хонақоси, Самарқанддаги ҳаммом, Машҳадда «Чаҳор боғ», Қози Соқий мадрасаси, Охунд Мулло Юсуф Қорабогий биноси, девонбеги масжидининг қурилиш тарихи бсрилган. Асар Азизхон Аламшайхнинг вафоти (1043/1633—1634) билан тугайди. Роқим Самарқандийнинг «Тарихи Роқимиий» номли асари тожик тилида ёзилган бўлиб, ҳали чуқур ўрганилгани йўқ. Унинг 12 та қўллёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида, 12 та қўллёзмаси Тожикистон ССР ФА қўллёзмалар кутубхонасида сақланмоқда. Бу китоб 1913 йили Тошкентда Мирзо Салимбек босмахонасида тош босмада нашр этилган⁶³.

ЖУМЬАҚУЛИ УРГУТИИ САМАРҚАНДИЙ (XIX АСР)

Унинг тўла номи Қози Мулло Жумъақули ибн Суфий Тағоий турк Самарқандий бўлиб, адабий тахаллуси Ҳумулийдир.

Жумъақули Бухоро амири Насруллоҳ даврида (1242/1827—1277/1860) Ургут (Самарқанд вилсияти)да қозилик вазифасида эди. Шунинг учун ҳам қози деган

⁶³ «Тарихи Роқимиий» ҳақида қаранг: А. А. Семёнов, К вопросу, кто был автором تاریخ سیر راوم ب. В. Бартольду» тўплами, Тошкент, 1927, 48—54-бетлар; СВР, 1, № 155—166; КВР, АН Тадж. ССР, 1, № 65—76.

ном олган. Ўз даврига нисбатан илмли мулла деса арзийдиган Жумъақули қозилик қилиш билан бирга наср ва назмда ижод қилган, ўзбек ва тожик тилларида тарихий асарлар, достон ва шеърлар ёзган. Шунингдек, ўзи ва ўзгаларнинг таржимаи ҳолини ҳам ёзиб қолдирган.

Жумъақули ёзиб қолдирган «Тарихи Хумулий» («Хумулий йилномаси»), «Манзумоти тарихийя» («Шеърий тарих»), «Шоҳ ва гадо», «Девони Хумулий» ва «Шайх Мусохон ад-Даҳбидийнинг таржимаи ҳоли» каби асарлар ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 37/I—37/IV, 79/XIII). Жумъақули «Тарихи Хумулий»да ўзининг тўлиқ таржимаи ҳолини берib, баъзи бир дарвиш шайхларнинг таржимаи ҳолидан ва манғитлар сулоласи тарихидан маълумотлар келтиради. Унинг «Тарихи Хумулий» асари «Таржимаи ҳоли Қози Жумъақули Хумулий» номи билан ҳам юритилади (Қар. «Каталог восточных рукописей АН Тадж. ССР, т. I, № 177). Иккинчи асари «Манзумоти тарихийя»да эса 1256/1840 йил атрофидаги воқеалар шеърий тизмаларда шарҳланади⁶⁴.

МИР САЛМОНХУЖА САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг исми СССР ФА Осиё ҳалқлари (ҳозирги Шарқшунослик) институти қўлёзмалари учун тузилган каталогда Сулаймонхўжа деб ёзилган⁶⁵. У «Тафсил ва баёни давлати жамоаи Манғит аз-Замони Раҳимхон» («Раҳимхон давридан бошлаб манғитлар давлатининг тафсили ва баёни») номли китобида таржимаи ҳолини қисқа қилиб ёзиб қолдирган. Бу ерда ёзилишича, Салмонхўжанинг отаси Абдулҳай Самарқандда қози калон бўлган. Салмонхўжа эса мазкур асар ёзилган даврда Бухоро амири Музаффаруддиннинг фармони билан Самарқанддаги Тиллакорий мадрасасига мударрис этиб тайинланган.

Олимнинг «Раҳимхон давридан бошлаб манғитлар давлатининг тафсили ва баёни» номли асари амир Музаффаруддин (1277/1860—1285/1868) даврида ёзилган

⁶⁴ Жумъақули ҳақида қаранг: Қори Раҳматулла, Тұхфат ал-аҳбоб, Тошкент, 1332/1914, 93-бет; СВР. II. № 1661—1664; III, № 2706.

⁶⁵ Персидские и таджикские рукописи института народов Азии АН СССР, т. I, № 840.

бўлиб, манғитлар сулоласи давридаги Ўрта Осиё тарихи ҳақидаги асардир. Асарда 1165/1751—1752 йилдан бошлаб, амир Насруллоҳ (1242/1827—1277/1860) вафотигача бўлган даврдаги манғитлар тарихи ёритилган. Кейин амир Музаффаруддин ҳукмронлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бу асарнинг дастхат нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № С667, 161—178-варақлар).

ҲОЖИ АБДУРРАҲМОН ҚОРИЙ САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Бизгача етиб келган, тожик тилида ёзилган «Сафарномаи ҳаж» («Ҳаж сафарномаси») ва «Табайон аҳвол ал-Макка ал-муazzама ва-л-Мадина ал-муаввара» («Маккаи муazzама ва Мадинаи муаввара аҳволининг баёни») асарларидан маълум бўлишича, Ҳожи Абдурраҳмон Самарқандда тӯғилиб, Бухоро амири Насруллоҳ замонида яшаган, Макка ва Мадинага сафар қилган. Маълум вақтгача у ерларда яшаган бўлиши ҳам мумкин.

«Маккаи муazzама ва Мадинаи Муаввара аҳволининг баёни» асари «ар-Рисола ал-муборака табайон аҳвол ал-Макка ал-муazzама ва-л-Мадина ал-муаввара» номи билан ҳам юритилади. Бу жуғрофий рисолада Макка ва Мадина шаҳарлари ва бу шаҳарлар атрофи тавсиф қилинади. Рисола Бухоро амири Насруллоҳ (1827—1860) замонида ёзилган.

АБУ ТОҲИР САДР САМАРҚАНДИЙ

XIX асрда яшаб ижод этган тарихчи, шоир ва табиб. Унинг тўла исми Мир Абу Тоҳир ибн Қози Абу Саид Садр Самарқандийдир. У ўз асарларини тожик тилида ёзган. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар ҳозирча топилганий йўқ. Садр Самарқандийнинг асарларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Ахлоққа оид «Ахлоқи Музаффарий» («Амир Музаффарнинг ахлоқи»). Бу асар Бухоро амири Музаффарга (1277/1860—1303/1885) бағишлиланган бўлиб, муаллиф Музаффарнинг ахлоқий қарашлари ва юриш-туришларини баён қиласди. «Ахлоқи Музаффарий»нинг Мулло

Сабрий Бухорий деган котиб томонидан 1871 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 412/I).

«Ахлоқи Мұҳаммадий» («Мұҳаммаднинг ахлоқи»). Бу асар ҳам Бухоро амири Музаффар даврида ёзилган бўлиб, унда муаллиф Мұҳаммад пайғамбарнинг ахлоқий фикрлари ва ахлоқи ҳақида ёзади. Асарда пайғамбар ахлоқи энг олийжаноб ва ибратли қилиб кўрсатилган. «Ахлоқи Мұҳаммадий»нинг 1871 йили юқорида кўрсатилган Мулло Сабрий ал-Бухорий томонидан кўчирилган қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 412/II).

Садр Самарқандийнинг катта аҳамиятга эга бўлган асари «Самария» номли машҳур китобидир. Асар ўтган асрнинг 30-йилларида ёзилган бўлиб, сўз боши ва 11 бобдан иборат. Унда Самарқанд ва Самарқанд вилоятининг қадимги давридан бошлаб то XIX асргача бўлган тарихи тасвирланган. Бу мұҳим китоб рус шарқшунос олимни В. А. Вяткин томонидан ўтган асрдаёқ рус тилига таржима қилинган эди⁶⁶. Асарнинг профессор Н. И. Веселовский томонидан босмага тайёрланган тожикча матни эса Петербург университетининг шарқ тиллари факультетида нашр этилди⁶⁷.

«Самария»нинг 1871 йили Мулло Сабрий ал-Бухорий томонидан кўчирилган қўлёзмаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 412/III). Бу асар Абдулмўмин Сатторий деган киши томонидан 1923 йили ўзбек тилига таржима қилинган ва унга Садриддин Айний мұҳаррир бўлган. Бу таржиманинг сўз боши, изоҳ, кўрсаткич ва мундарижаси билан босмага беришга тайёрлаб қўйилган нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 600). Бу нусха қандайдир сабаб билан нашр этилмай қолган бўлиши керак.

«Самария»нинг 1292/1875, 1312/1894—95, 1313/1895—96 йиллари Самарқандда кўчирилган учта қўлёзмаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № В2307, В678, В2418). Бу

⁶⁶ «Самария», описание древностей и мусульманских святынь Самарканда. Абу Тохир Ходжи (Справочная книжка Самаркандской области за 1898 г., Самарканда, 1899, стр. 153—259).

⁶⁷ «Самария», сочинение Абу-Тажир Ходжи, СПб., 1904.

асарнинг 1320/1903 йили кўчирилган бир нусхаси Тожикистон ФА қўллёзмалар фондида сақланмоқда (инв. № 2032).

МИРЗА САМАРҚАНДИЙ

Бу таржимон ва олимнинг тўлиқ номи Мирза Мулла Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Латиф Мустажир Самарқандий. Ў Самарқандда туғилган ва шу ерда ижод этган. Ў машҳур шарқшунос ва Ўрта Осиё тадқиқотчиси Александр Людвигович Куннинг (1840—1888) шахсий таржимони бўлган. Олим 1870 йили А. Л. Куннинг Искандаркўлга қилган экспедициясида унга ҳамроҳ бўлган. Бу экспедиция натижаси ўлароқ Мирза Самарқандий ўзининг «Рўзномайи сафари Искандаркўл» («Искандаркўлга қилинган сафар кундалиги») номли асари ни ёзган.

Мирза Самарқандийнинг «Кундалик» номли асари Искандаркўл экспедицияси йўлида жойлашган қишлоқлар ва бошқа жойларнинг муфассал шарҳидан иборат бўлиб, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашгин — Панжикентдан Палдараккача, Яғноб ва Искандар дарё водийлари ва Искандаркўл районларини ўз ичига олган. «Кундалик»дан мазкур жойларнинг ўша даврдаги аҳволи, аҳолисининг турмуши ва тили ҳамда баъзи бир археологик маълумотлар жой олган.

Ундаги ҳар бир маълумот қачон ва қасрдан олинганилиги ёзид қўйилган. Бундай маълумотларнинг биринчиси 1870 йили 30 апрелда Ерий қишлоғида, охиргиси эса 1870 йили 29 июнда Самарқандда ёзилган.

«Кундалик» муқаддима ва «илова»га эга. Илова экспедиция йўлида учраган масжид ва бошқа бино деворларида, йўл тошлари ва қоялардаги хатлар, мозор устидаги хатлар, экспедиция даврида маҳаллий халқларнинг берган кўрсатмалари, латифа ва ҳикоялар, Мастич ва Фалғарда тўпланган ашулашлар матнидан иборат. «Муқаддима» 1870 йили 1 июлда Самарқандда ёзилган.

Мирза Самарқандийнинг «Искандаркўлга қилинган сафар кундалиги» номли асарининг А. Л. Кун таҳриридан ўтган дастлабки нусхаси Ленинград Шарқшунослик институтида сақланмоқда (№ Д133). «Кундалик»нинг

айрим қисмлари шу нусханинг ўзида А. Л. Қун томонидан рус тилига ағдарилган.

Мирза Самарқандийнинг бизгача етиб келган иккинчи асари «Рўзномайи виставкайи Маскоб» («Москва виставкаси кундалиги») деб аталган. Муаллиф бу асарини 1872 йили А. Л. Қун билан биргаликда Москвага борганида ёзган. Бу асар 1872 йили Москвада «Табиатшуносликни севувчилар жамияти»нинг ташаббуси билан Петр I нинг туғилганига 200 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган Русия Политехника институти виставкасининг батафсил шарҳидан иборат. Асарда виставканинг Туркистон бўлимига кенг ўрин берилган. Бу бўлим Самарқанддаги машҳур Шердор мадрасасини эслатувчи павильонда намойиш қилинган.

«Москва виставкаси кундалиги»нинг дастхат нусхаси Ленинград Шарқшунослик институтида эҳтиётлик билан сақланмоқда (№ В806).

Таржимон ва олим Мирза Самарқандийнинг бизгача етиб келган мазкур дастхат асарлари Ўрта Осиё халқларининг тарихи, тили, этнографияси ва археологиясини ўрганишда муҳим биринчи манба бўлиб хизмат қиласиди⁶⁸.

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ҲАЙИОТ

«Қомус ал-аълом» муаллифининг ёзишича, Абу Бакр самарқандлик адиллардан бўлиб, у ёзган асарларидан учтасининг номи бизга маълум: 1. «Китоб маъони ал-Қуръон» («Қуръон маънилари ёзилган китоб»); 2. «Китоб ан-наҳҷ ал-кабир» («Катта грамматика китоби»); 3. «Китоб ал-муқниъ» («Қаноатлантирувчи китоб»).

Абу Бакрнинг таржимаи ҳоли ҳақида бирор маълумотга ҳозирча эга бўлмасак ҳам, унинг мазкур асарларидан араб тилига моҳир тилшунос олим ва шориҳ бўлганлиги кўриниб турибди.

АБУ-Л-ҚОСИМ САМАРҚАНДИЙ

Абу-л-Қосим Саффор Ҳаким Самарқандий бизгача етиб келган биргина қўллэзма асари билан маълум. У

⁶⁸ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Н. Д. Миклуҳо-Маклай, Описание таджикских и персидских рукописей, I, Издательство АН СССР, М.—Л., 1955, № 88—90.

«Наврӯз» номли фол очишга оид асарида янги йил ҳафтанинг қайси кунидан бошланса, ўша йил қандай келишилгини баён қилган. Бу асарнинг қўллэзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № В 1876).

АБУ ҲАФС УМАР ИБН АБДУЛЛОХ САМАРҚАНДИЙ

Олим шундай ном билан Ҳожи Халфанинг «Қашф аз-зунун» (III, № 6700) китобида кўрсатилган. Альвардтнинг Берлин кутубхонаси учун тузган каталогида эса Умар ибн Ҳасан ан-Найсабурий ас-Самарқандий деб ёзилган. Олимнинг таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Фақат унинг «Равнақ ал-мажолис» («Мажлислар равнақи») номли асари бизгача етиб келган, холос.

АҲМАД ИБН МАҲМУД САМАРҚАНДИЙ

Хашшоб тахаллуси ва Разиуддин лақаби билан машҳур бўлган олим бўлиб, таржимаи ҳоли ва яшаган даври ҳақида маълумотлар йўқ. Ёзган асарларидан «Нафоис ал-калом ва ароис ал-ақлом дар иншии форсий» («Форс имлосида сўз нафисликлари ва қалам гўззаликлари») деган китобининг борлиги Ҳожи Халфанинг «Қашф аз-зунун» (VI, 356-бет) ва Дехҳудонинг «Луғатнома» асарларида эслатиб ўтилган.

АҲМАД САМАРҚАНДИЙ

Шаҳобуддин лақаби билан машҳур бўлган фиқҳ олими. Йомом Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурийнинг (428/1036 й. вафот этган) «Мухтасар ал-Қудурий фи фуруъ ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳаби шоҳобчалари ҳақида ал-Қудурий қисқартмаси») деган асарига «Шарҳи бар «Мухтасар ал-Қудурий» («Ал-Қудурий қисқартмаси»га шарҳ») номли шарҳини ёзган. Бу олим ҳақида бошқа маълумотларга эга эмасмиз.

АҲМАД ФОСИЙ САМАРҚАНДИЙ

Ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Аммо Деҳхудо «Луғатнома»сида айтишича, Фосий Самарқандий «Китоб алжадал» (Баҳслашув китоби) номли асарни ёзган.

ЗОҲИД ИБН МАСЪУД САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Зоҳид ибн Маъсуд ибн Мұхаммад ибн Юсуф ас-Самарқандий бўлиб, таржимаи ҳолига оид маълумотларни топмадик. Унинг «Масонлар» («Масалалар») номли ислом қонуншунослигига оид битта китоби бизгача етиб келган. Бу асарнинг битта қўллэзма нусхаси СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимининг кутубхонасида сақланмоқда (инв. № С 12).

ИСМОИЛ ИБН АҲМАД ИБН УМАР ИБН АШЬАС САМАРҚАНДИЙ

Олимнинг куняси Абу-л-Қосим бўлган. Таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар йўқ. Ибн Абу Үсайбиа «Уюн ал-анбо фи табақот ал-атибба» номли китобида (I ж., 304—305-бетлар) бу олимнинг муҳаддислардан бўлганини эслатиб, Бағдодда Муҳиззизибуддин ибн Ҳибиль деган киши ундан дарс олганини айтади. Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун»да (VI ж., 154—8.) Исмоил Самарқандий пайғамбарнинг амакиси Аббос ибн Абдулмуталибининг фазилатлари ҳақида ёзган араб тилидаги асари Истамбул кутубхонасида мавжудлигини айтган.

Деҳхудо Бағдодда ҳадис айтган Исмоил ва «Кашф аз-зунун»да эслатиб ўтилган Исмоилни бошқа-бошқа кишилар деб кўрсатади (қар. «Луғатнома», «Алиф ҳарфи, 2507-бет). Бизнингча, ҳар иккала манбада зикр қилинган Исмоил Самарқандий бир киши бўлиши керак.

МАСЪУД ИБН МАҲМУД ИБН ЮСУФ САМАРҚАНДИЙ

Ҳадис олимларидан бўлиб, таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бизгача унинг

«Масоил ал-фароиз» («Фарз масалалари») номли уича катта бўлмаган (33 варақ) тожик тилидаги асари сақланиб қолган. Асарнинг кириш қисмida муаллиф Муҳаммад пайғамбарнинг мерос тақсимлаш илмини ҳар бир мусулмон эркак ва асл билиши кераклиги ҳақида-ги ҳадисини тожик тилида келтиради ва шу масала устида баҳс юритади. Кеийин китобнинг асосий қисми бошланиб, қуйидаги уч бобга бўлинади: дар баёни муқаддимаи намоз (намоз муқаддимаси баёни), аҳкоми норасидагон (норасидалар устидан ҳукм), дувоздаҳ масала (ён иккита масала).

«Масоил ал-фароиз»нинг XIX асрнинг охирида кўчирилган бир қўлёзма нусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги сақланмоқда (инв. № 9998/II).

МУҲАММАД ИБН АҲМАД САМАРҚАНДИЙ

Бу олимнинг тўла исми Альвардтнинг Берлин кутубхонаси учун тузган каталогида Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий ал-Ҳанафий Алоуддин Абу Бакр деб ёзилган ва 540/1145 йилларда ҳаёт бўлган дейилган. Альвардт Муҳаммад Самарқандийнинг «Тұхфат ал-Фуқахо» («Фақиҳлар тұхфаси») номли асарини (IV ж., № 4478) эслатиб ўтади.

Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун»да бу олимни Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий ал-Ҳанафий номи билан икки ўринда тилга олиб «Ийзоҳ ал-қавоид фи-л-муаммо» («Муаммо қоидаларининг изоҳи») номли форс тилида ёзилган асари («Кашф аз-зунун», I, 506-бет) ҳамда «Фи усул фиқҳ» («Фиқҳ илмининг асослари ҳақида») номли араб тилидаги асари («Кашф аз-зунун», V, 300-бет) мавжудлигини эслатади.

МУҲАММАД ИБН МАҲМУД САМАРҚАНДИЙ

Яшаган даври ва таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар йўқ. Унинг тўла номи манбаларда турлича учрайди: Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун»да Муҳаммад Самарқандийни аш-Шариф Муҳаммад Ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Самарқандий сифт ал-Имом Носируддин ва Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Самарқандий номлари билан атайди. СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимининг форс ва тожик тилидаги қўл-

ёзмалари учун тузилган каталогда ҳам кейинги номи билан берилиб, бобоси номи Мұхаммад Шариф ёзилған.

Хожи Халфа Мұхаммад Самарқандийнинг қуйидаги учта асарини эслатиб ўтади: «Иқд ал-Фарид фи таълим ат-тажвид» («Қуръонни түғри қироат қилиш илми ҳақида ягона дур») қасидаси (Кашф аз-зунун», IV, 231-бет), «Қасида ал-Фоиҳа фи тажвид ал-Фотиҳа» («Фотиҳа сурасини түғри қироат қилиш ҳақида ҳушбүй қасида», «Кашф аз-зунун» IV, 245-бет), «ал-Мабсут фи-л-қироат ас-сабъа ва-л-мазбут» («Қуръонни етти хил қироат қилиш ҳақида кенг ва аниқ йўл-йўриқ»). Бу асар уч китобга бўлинади: 1. «Фи усул ал-қироат («Қироатларнинг асослари»); 2. «Китоб ат-тасхир ало тариқат, ташжир» («Қироат шохобчаларининг усуллари учун фойдали китоб»); 3. «Фи усул ал-қироат маждулан» («Қироатларни жадал ўқиш усули ҳақида»). Бу асар форс тилида ёзилған («Кашф аз-зунун», V, 366-бет).

Мұхаммад Самарқандийнинг «Айн ат-тартил фи баён ҳуруф ат-танзил» («Қуръон ҳарфларини баён қилиш учун маром билан ўқиш чашмаси») номли асари ҳам бўлиб, унинг тўла бўлмаган нусхаси СССР ФА Шарқшunoslik институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда (инв. № В 2389).

МУҲАММАД МУРОД ИБН МАВЛОНО ШОҲИЙ МУФТИИ САМАРҚАНДИИ

Самарқандда ўтган адаб. Таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. «Муфтий» лақаби упинг Самарқанд муфтийси бўлганидан далолат беради. Бу олимнинг бизгача фақат битта «Чиҳл ҳадис» («Қирқ ҳадис») номли китоби етиб келган, холос. Асарда Ҳофиз Мұхаммад ибн Ҳаббон ал-Бустийнинг (ваф. 354/965) «Китоб ас-сиқот» («Ишончли кишилар китоби») номли ҳадислар тўпламидан қирқта ҳадис танлаб олиниб, форс-тоҷик тилига таржима қилинган. Муаллиф ҳар бир ҳадиснинг маъносига изоҳ берган ва у ҳадисга боғлиқ бўлган насиҳатомуз ҳикояларни илова қилган. Бу китобнинг XIX асрда номаълум котиб томонидан кўчирилган бир қўлёзма нусхаси УзССР ФА Шарқшunoslik институтига сақланмоқда (инв. № 522/II).

МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД САМАРҚАНДИЙ МУҚРИЙ

Бу олимни Ҳожи Халфа «Кашф аз-зунун» асарида (I ж., 506-бет) зикр қилиб, «Ийзоҳ ал-хаволиф фи расм масоҳиб ас-саволиф» («Ўтган кишилар қуръонлари хатига кейингиларнинг изоҳи») номли асари борлигини ёзади. Бошқа ҳеч қаерда унинг ҳақида маълумотлар учратмадик.

МУҲАММАД ИБН САЙИД САМАРҚАНДИЙ

Таржиман ҳоли ва ижоди деярли ўрганилмаган Муҳаммад ибн Сайид иби Муҳаммад иби Яҳё иби Зоҳид ал-Башоғарий ас-Самарқандийнинг бизгача «Рисола ал-фавоид ан-нурия» («ан-Нурия фойдалари ҳақида рисола») номли асари етиб келган. СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимида сақланаётган (инв. С 1604) бу қўлёзма асарда муаллиф ҳақиқий сўфиylарнинг сифатини баён қилиш билан бирга соxта сўфиylарни foш қиласди. Муаллиф бу асарида соxта сўфиylарни уч тоифага бўлади.

СОЛИҲ ИБН ИМРОН СҮФДИЙ

Деҳҳудонинг «Луғатнома»сида бу олим ҳақида шундай ёзилган: Ота боболари каби бу ҳам Сўғдда муқим яшаган ва шу сабабдан Сўғдий номи билан машҳур бўлган. У пайғамбар ҳақидаги хабарларни яхши биларди. Унинг Уrot зот ал-аботил («Асоссиз ошкор нарсалар») номли асари бўлган. Демак, бу олим Самарқанд Сўғдидаги яшаб ижод этган ва фақат битта китобининг номигина сақланиб қолган. Унинг ҳақида бошқа маълумотлар йўқ.

ТОЖУДДИН САМАРҚАНДИЙ

Деҳҳудонинг «Луғатнома» китобида ёзилишича, Тожуддин Самарқандий катта фозил кишилардан ва хаттот-котиблардан бўлган. Разиуддин Нишопурий унинг сұхбатдошларидан бири бўлган ва Тожуддин Самарқандий ўз сұхбатдоши Рaziуддинга бағишлиб шеърий мадҳлар ёзганлиги бизга маълум.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Муқаддима | 3 |
| Абу Али Фузайл ибн Аәз | 9 |
| Абу Мұхаммад Самарқандий Дорамий | 10 |
| Исҳоқ ибн Исмоил Самарқандий | 10 |
| Абу Бакр Мұхаммад ибн Ямон Самарқандий | 11 |
| Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий | 11 |
| Мұхаммад ибн Фазл | 12 |
| Абу-л-Фазл Мұхаммад Самарқандий | 12 |
| Абу Ҳафс Сүғедий Ҳаким ибн Аҳвас | 12 |
| Сулаймон ибн Исма Самарқандий | 13 |
| Исҳоқ ибн Иброҳим Шоший Самарқандий | 13 |
| Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандий | 14 |
| Мұхаммад Мотуридий Самарқандий | 15 |
| Абу-л-Фатҳ Сайд ибн Ҳафиғ Самарқандий | 16 |
| Абу Лайс Самарқандий | 16 |
| Абу Назр Самарқандий | 19 |
| Абу-л-Аббос Мұстағfirий Самарқандий | 19 |
| Асируддин Фазл ибн Умар Абҳарий Самарқандий | 20 |
| Баҳоуддин Самарқандий | 20 |
| Нажмуддин Абу Ҳафс Самарқандий | 20 |
| Хоким Самарқандий | 23 |
| Абу-л-Фатҳ Алоуддин Мұхаммад ибн Абдулҳамид | 23 |
| Усмандий Самарқандий | 23 |
| Низомий Арузий Самарқандий | 24 |
| Носируддин Мұхаммад Самарқандий | 28 |
| Абу-л-Фазл Мұхаммад Самарқандий | 30 |
| Бадруддин Самарқандий | 31 |
| Мұхаммад Заҳирий Самарқандий | 32 |
| Рұкнуддин Абу Ҳомид Самарқандий | 35 |
| Мұхаммад ибн Абу Бакр Самарқандий | 36 |
| Алоуддин Абу Бакр Ҳасан Динорий Самарқандий | 37 |
| Алоуддин Шамсулислом Абу Бакр Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий | 38 |
| Шамсұддин Мұхаммад ибн Маҳмуд Самарқандий | 38 |
| Шарофуддин Самарқандий | 39 |
| Шамсұддин Самарқандий | 39 |
| Нажибуддин Самарқандий | 40 |
| Камолуддин Абдурраззоқ Кошоний Самарқандий | 42 |
| Абу Мұхаммад Ато Самарқандий | 44 |
| Саъдуддин Тафтазоний | 44 |
| Алоуддин Али ибн Яҳе Самарқандий Қаромоний | 47 |
| Кабир ибн Қабир Диңақий Самарқандий | 47 |

| | |
|--|-----|
| Ғиёсуддин Жамшид | 49 |
| Қозизода Румий | 51 |
| Улугбек | 52 |
| Али Қушчи | 57 |
| Биржандий | 62 |
| Мұхаммад Солиқ Нидой Самарқандий | 63 |
| Абдураззоз ібн Исҳоқ Самарқандий | 63 |
| Бурғонуддин Нафис ібн Эваз Қирмоний | 65 |
| Хожа Жалолуддин Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий | 67 |
| Давлатшоҳ Самарқандий | 69 |
| Рукнуддин Мұхаммад Самарқандий | 72 |
| Солим Самарқандий | 73 |
| Абу-л-Қосим ібн Абу Бакр Лайсий Самарқандий | 73 |
| Мирам Чалабий | 74 |
| Фазлуллоҳ ібн Рӯзбехон Исфихоний | 75 |
| Султон Али Табиб Ҳурносоний | 77 |
| Шайхулислом Ҳаравий Самарқандий | 79 |
| Қози Ҳусайн Самарқандий | 80 |
| Исомуддин Иброҳим ібн Мұхаммад ібн Арабшоҳ Исфароний | 80 |
| Ҳасан Самарқандий | 81 |
| Мавлоно Убайдуллоҳ Самарқандий | 82 |
| Мұхаммад ібн Ҳусайн Миракий Самарқандий | 84 |
| Сайд ібн Али Самарқандий | 85 |
| Сирожуддин Мұхаммад Самарқандий | 86 |
| Ермуҳаммад ібн Худайдод Самарқандий | 86 |
| Мұхаммад ібн Абдуллоҳ Ҳусайній Самарқандий | 87 |
| Мұхаммад ібн Бобо Самарқандий | 87 |
| Мұхаммад Бадіъ Самарқандий | 88 |
| Боқи Мұхаммад ібн Ҳофиз Єрий Самарқандий | 90 |
| Шарафуддин Аъзам Самарқандий | 90 |
| Мұхаммад Олим Али ібн Мұхаммад Солиқ Нидой Самарқандий | 91 |
| Сайид Роқим Самарқандий | 91 |
| Жумъақули Ургутий Самарқандий (XIX аср) | 92 |
| Мир Салмонхўжа Самарқандий | 93 |
| Ҳожи Абдурраҳмон қорий Самарқандий | 94 |
| Абу Тоҳир Садр Самарқандий | 94 |
| Мирза Самарқандий | 96 |
| Абу Бакр Мұхаммад ібн Ҳаййот | 97 |
| Абу-л-Қосим Самарқандий | 97 |
| Абу Ҳафс Умар ібн Абдуллоҳ Самарқандий | 98 |
| Аҳмад ібн Маҳмуд Самарқандий | 98 |
| Аҳмад Самарқандий | 98 |
| Аҳмад Фосий Самарқандий | 99 |
| Зоҳид ібн Масъуд Самарқандий | 99 |
| Исмоил ібн Аҳмад ібн Умар ібн Ашъас Самарқандий | 99 |
| Масъуд ібн Маҳмуд ібн Юсуф Самарқандий | 99 |
| Мұхаммад ібн Аҳмад Самарқандий | 100 |
| Мұхаммад ібн Маҳмуд Самарқандий | 100 |
| Мұхаммад Мурод ібн Мавлоно Шоҳий Муфтій Самарқандий | 101 |
| Мұхаммад ібн Мұхаммад Самарқандий Муқрий | 102 |
| Мұхаммад ібн Сайид Самарқандий | 102 |
| Солиқ ібн Имрон Сўёдий | 102 |
| Тожуддин Самарқандий | 102 |

Баҳоси 18 т.